


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

Ғайбулла БОБОЁРОВ

ЧОЧ
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Илк ўрта асрлар)

*Ғайбулла Бобоёров
2023 йил
Билан
Муаллиф*



“YANGI NASHR” нашриёти

Тошкент - 2010

УДК: 94(575)

63.3(5У)4

Б79

Ушбу китоб ЎзР ФА Шарқшунослик институти Илмий кенгашида нашрга тавсия қилинган.

Бобоёров Ғайбулла.

Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар) / Ғ. Бобоёров; маъсул муҳаррир Д. Юсупова; ЎзРФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. - Т.: Yangi nashr, 2010. - 168

Маъсул муҳаррир: т.ф.д. Д. Юсупова

Тақризчилар: т.ф.н. Н. Тошев; Ғ. Карим

Ушбу монография ЎзР ФА Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш Фондининг "Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихида Чоч воҳасининг тутган ўрни" мавзuidaги 109 – 08-сонли гранти доирасида амалга оширилади. Тадқиқот илк ўрта асрлар Чоч (Тошкент) воҳаси тарихининг айрим масалаларини ёритишга бағишланган бўлиб, унда асосий эътибор ушбу воҳада милодий VI – VIII асрларда юз берган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни хитой, суғдий, қадимги турк, араб ва форс манбаларидаги ёзма маълумотлар ва нумизматик материаллар асосида очиб беришга қаратилган.

Китобда илк ўрта асрларда Чочнинг Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм, Тухористон сингари Марказий Осиё воҳа давлатларидан бири сифатида минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган мавқеи ёритилган. Шунингдек, Чоч воҳасида мавжуд бўлган тегинлар, тудунлар каби туркий сулолалар ва Турк хоқонлигининг воҳадаги фаолияти куриб чиқилган. Хусусан, мазкур сулолалар ва Ғарбий Турк хоқонлигига оид тангаларнинг Марказий Осиё халқлари тарихи учун манба сифатида аҳамияти эътироф этилган. Бундан ташқари, Чоч воҳаси топонимлари, хусусан, воҳа жой номларининг асосий қатламларидан бири бўлган туркий топонимлар тадқиқ этилган.

Монография тарихчилар, нумизматлар, туркологлар, гуманитар йўналишдаги барча олимлар, шунингдек, талабалар, аспирантлар, умуман, мамлакатимиз тарихий ўтмиши билан қизиқадиган китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ББК 63.3(5У)4

ISBN-978-9943 – 330-63-4

©Ғайбулла Бобоёров

© "YANGI NASHR" нашриёти, 2010

Мундарижа

Сузбоши.....	4
Чоч – “феруза тоши” ўлкаси.....	9
Илк ўрта асрларда Чоч: бошқарув тизими ва ҳукмдор сулолалар.....	25
Чочнинг қадимий тимсоллари.....	65
Илк ўрта асрлар Чоч аҳолисининг этник таркиби.....	72
Чоч воҳасининг қадимги туркий топонимлари.....	92
Чоч – Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири.....	108
Чоч - Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари зарб этилган ҳудуд.....	119
Хулоса.....	141
Илова.....	144
Фойдаланилган адабиётлар.....	148
Шарҳи қисқартмалар.....	167

СУЗБОШИ

Бугунги кунда Тошкент номи остида маълум бўлган воҳа қадим ва илк ўрта асрларда Чоч номи билан машҳур эди. Хўш, Чоч воҳаси ўзининг қайси жиҳатлари билан тарихда қолди, воҳа халқининг ўтмиш маданияти, маънавий ҳаёти қандай бўлган эди ва ундан бугунга қанчалик моддий-маданий ёдгорликлар етиб келган? Албатта, Чоч воҳасида қандай ижтимоий-сиёсий жараёнлар рўй берганлиги, унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги тутган ўрни, умуман олганда, ўзига хос жиҳатлари нималардан иборатлиги, илк ўрта асрларда, яъни минтақамизга ислом дини кириб келмасидан аввал воҳанинг ижтимоий-маданий аҳволи қай тарзда бўлгани кўпчиликни қизиқтиради.

Минтақамизда мавжуд бўлган қадимги давлатлар ва маданиятлар ҳақида гап борганда, кўз олдимизга биринчи гада Қадимги Бақтрия, Катта Хоразм ва Суғд воҳалари келади. Хусусан, бугунги кунда Қадимги Бақтрия ҳудуди – Жанубий Ўзбекистондан топилаётган турли-туман моддий-маданий ашёлар; буддавийлик дини ёдгорликлари, ҳайкалчалару санъат асарлари, Будда ибодатхоналари қолдиқлари билан жаҳонни лол қолдираётган бўлса, Хоразм ва ҳозирда Самарқанд, Панжикент (Панч), Шаҳрисабз (Кеш), Қарши (Нахшаб), Бухоро деб аталаётган қадим Суғд воҳаси эса зардуштийлик дини ёдгорликлари, Афросиёб, Панжикент, Варахша каби ҳашаматли сарой деворий суратлари орқали дунёга танилди. Ушбу давлат уюшмалари бой маданияти ҳақидаги маълумотлар хитой, юнон, арман, сурёний, суғдий, бақтрий, қадимги турк ва бошқа тилларда ёзиб қолдирилган асарлар орқали бизгача етиб келди. Мазкур ҳудудлар милод арафасидаёқ инсоният тафаккурининг энг ёрқин ижоди бўлмиш ёзув маданиятига эга бўлганлиги ҳаммага маълум. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидан топилаётган суғдий, хоразмий, қадимги турк ва бақтрий ёзуви ашёлар бундан дарак бериб турибди.

Хўш, Чоч воҳаси Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдга қайси жиҳатлари билан тенглаша олади ва унинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

Аввало, Чоч воҳаси ўзининг географик жойлашувига кўра Марказий Осиё минтақасининг Сирдарё - Амударё дарёлари оралиги ва унга тугаш ҳудудларида истиқомат қилувчи, азалдан ўтроқ турмуш тарзига эга аҳоли ва уларга шимоли-шарқдан қўшни бўлган кўчманчи халқлар орасида ўзаро алоқалар жадал суръатлар билан борган ҳудуд – кўприк сифатида тарихда из қолдирган. Айнан ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида воситачи ҳудуд бўлганлиги воҳада ўзига хос маданият шаклланишига замин яратган.

Қадимдан Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларида деҳқончилик билан шугулланувчи ўтроқ аҳоли маданияти замирида миллоддан аввалги бир минг йилликнинг ўрталарига келиб шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналари вужудга кела бошлайди. Миллоддан аввалги III асрлардаёқ бу ерда хитой манбаларида Кангуй (Кангюй) шаклида тилга олинган Қанг давлати мавжуд эди. Маркази Чоч воҳаси бўлган мазкур давлат тез орада шимоли-шарқда Еттисувгача, гарбда Хоразмгача, жанубда эса Зарафшон воҳасигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган йирик давлатга айланади. Бунга қадар ҳам воҳада кучли давлатчилик анъаналари мавжудлигидан бўлса керакки, миллоддан аввалги IV асрнинг охирида минтақамизга бостириб кирган Александр Македонский ҳам, кейинчалик мил. ав. III – II-асрларда Бақтрия ҳудудида Юнон-Бақтрия давлатини қурган унинг издошлари ҳам Сирдарёни кечиб ўтиб Чоч ҳудудига қадам қўйишга журъат қила олмаганлар. Бу албатта, воҳада мустақам давлат ва давлатчилик анъаналари мавжуд бўлганлиги натижаси бўлса керак.

Миллоддан аввалги III асрлардан то милодий III асрларгача кучли бир ҳукмдорлик сифатида ҳукм сурган Қанг давлати минтақа халқлари ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда Қанг даври ўзбек халқининг этник шаклланишида муҳим бир босқич бўлганлиги кўпчилик тарихчилар томонидан эътироф этилмоқда. Қанг давлати ҳудудида юксак тараққий этган шаҳарсозлик маданияти бўлганлигидан дарак берувчи бир қатор шаҳар харобалари – тепаликлар археологлар томонидан қазиб ўрганилган.

Қанг давлати доирасида ўзига хос ёзув маданияти бўлганлигини тасдиқловчи ашёлар – милодий III – IV асрларга тааллуқли суғдий ёзув-

ли мис тангалар ва турли муҳрлар топилаган. Яқинда эса Култобе (Арис) ёдгорлигидан шу асрларга мансуб лойдан ясалган ёзувли лавҳа топилди ва унда суғдий ёзувда чочликларнинг шаҳар барпо қилганлиги ва кўчманчиларни хирожга боғлаганлиги ҳақидаги жумлалар ёзилганлиги аниқланди¹. Мутахассислар фикрича, ушбу лавҳа шаҳар дарвозасининг пештоқига ўрнатилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ва кўчманчилар бу жумлаларни ўқиб, ибрат олсин деган мақсадни кўзлаган. Бу эса Чоч ҳудудида давлатчилик анъаналарининг қай даражада тараққий этганлигидан дарак бериб турибди.

Милоднинг илк асрларида ёки ундан оддинроқ воҳада “Чоч халқи / Чоч жамияти” деган тушунча шаклланади. Бунинг мисоли юқорида айтиб ўтган Култобе ёдгорлигидан ташқари, милодий III – IV асрларга тааллуқли кумуш идишлар сиртида ва мис тангаларда “Чачан напч”, яъни “Чоч халқи / Чоч жамияти” сўзининг кўп бора учрашида ҳам кўрилади. Демак, қадим даврлардаёқ муайян бир маданият доирасида воҳа аҳолиси шуурида ўзига хос жипслашиш, ўзларини чочликлар деб аташ анъанаси шаклланган.

Чоч воҳасининг ўзига хос жиҳати унинг номида ҳам кўзга ташланади. Қизиғи шундаки, Чоч сўзи қадим аждодларимиз тилида “феруза тоши” деган маъносида қўлланилган. Буни илк ўрта асрларга тааллуқли туркий ёзма ёдгорликларда “феруза, қимматбаҳо тош” маъносида “чач”, “чаш” сўзлари учраши ҳам тасдиқлаб турибди. Археолог олимларимиз эса Тошкент воҳасининг тоғларида қадимда феруза конлари бўлганлигини тасдиқлашмоқда. Кейинчалик, милоднинг илк асрларида эса хитойликлар воҳани Чоч номига яқин шаклда Чже-ши, Чже-чже тарзида, яъни ўз тилларига ўгирмасдан қайд қилишган. Ниҳоят, милодий V асрга келиб, улар Тошкентни *Ши* – “Тош” ёки *Ши-го* – “Тош давлати/мамлакати” тариқасида тилга ола бошлаганлар. Милоднинг XI асридан бери эса воҳа туркийча “Тошкент – Тош шаҳри” деб атала бошлади. Бу ном илк бор бобокалонларимиз Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида учрайди ва мазмуни худди шу маънода изоҳланади. Хуллас, ушбу номларнинг барчасида “тош” сўзи мужассамлашган. Буни қандай изоҳлаш мумкин, нега айнан воҳа “Тошкент – Тош шаҳри” деб атала бошлади?

¹ Sims-Williams, Grenet, 2006:95-111.

Айрим мутахассислар фикрича, худди Европа ва Шарқнинг бир неча қадимий мамлакатларида бўлгани каби минтақамизда ҳам шаҳарларни нисбаси, ўзига хос фазилати билан аташ удуми бўлган. Бухорои Шариф – “шарофатли Бухоро”, Каши дилкаш – “дил тортар Кеш”, Хуқанди латиф – “латофатли Қўқон” каби Тошкент воҳаси ҳам жасур, матонатли, метин одамлар яшовчи ўлка сифатида “Чоч” – “Тош” деб номлангандир, эҳтимол. Хитой ва араб манбаларида воҳа аҳолиси ҳақида берилган “метиндек”, “жасур ва жанговар” тарзидаги таърифлар учраши ҳам бежиз бўлмаса керак.

Илк ўрта асрларда эса Чоч Марказий Осиёдаги ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тараққий этган воҳага айланади. Бу, асосан, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзалари бўйлаб ўнлаб янги шаҳарларнинг пайдо бўлишида кўринади. Тадқиқотчилар фикрича, айнан Турк хоқонлиги (552 – 744) ҳукмронлиги даврида воҳада шаҳарсозлик янада тараққий этади. Хусусан, Чоч воҳасига Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларидан кўплаб туркий этносларнинг келиб жойлашуви воҳадаги мавжуд туркий қатламнинг салмоги ошишига олиб келади. Бу даврда воҳада Тункат, Абрлиг, Олмалик, Сойлик, Жабғукат, Хотункат, Илоқ каби туркий-суғдий асосли шаҳар ва жой номлари вужудга келади.

IX – XI асрларда Марказий Осиёга саёҳат қилган араб географлари Чоч воҳасидаги 30 дан ортиқ шаҳар номини келтирадиларки, бу ўша давр учун ҳам, кейинги ўрта асрлар учун ҳам фавқулодда бир ҳол эди.

Шунингдек, илк ўрта асрларда воҳанинг иқтисодий-маданий жиҳатдан ўсганлигини тасдиқлайдиган омиллardan яна бири – бу Тошкент воҳасидан топилаётган танга-пуллардир. Бутунги кунда бу даврга тааллуқли Чоч воҳасида зарб қилинган тангалар элликка яқин типда эканлиги аниқланди. Ушбу тангаларда суғдий ёзувда “Чоч ҳукмдори тегин (шаҳзода)”, “Чоч ҳукмдори тудун (ноиб)” каби унвонларнинг акс этгани ва ёзма манбалар асосида уларнинг VII – VIII асрларда Чоч воҳасида ҳукмронлик қилган туркий сулолаларга тегишли эканлиги аниқланди. Бу эса илк ўрта асрларда воҳада туркий давлатчилик анъаналари қай даражада тараққий этганлигидан дарак беради. Тангаларнинг ҳар бири ҳам иконографик, ҳам палеографик жиҳатдан мукамал ишланганлиги пул зарб қилиш анъанасининг санъат даражасига чиққанлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, тангаларда акс этган тасвирлар ва турли

рамзлар аждодларимизнинг давлатчилик анъаналарини ўзида мукаммал даражада акс эттирган бўлиб, бу ҳолат минтақанинг бошқа ҳудудларида камдан-кам ҳолларда кўзга ташланади.

Айниқса, Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материаллар шу пайтгача “Турк хоқонлиги ўз танга-пул тизимига эга бўлмаган” деган фикрларнинг асоссиз эканлигини тасдиқламоқда. Буни Чоч тангаларининг катта бир қисмида “жабғу”, “жабғу-хоқон” ва “хоқон” унвонларининг учраши ва уларда ёнма-ён турган ҳукмдор – хоқон ва малика – хотун тасвирларининг акс этганлиги ҳам тасдиқлайди. Зеро, бундай тангаларнинг хоқонлик бошқарув марказлари бўлмиш Ўрхун (Мугулистон), Еттисув ҳудудларидан эмас, айнан Тошкент воҳасидан топилиши бежиз эмас. Ёзма манбаларда Чоч воҳаси Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларидан бири сифатида келтирилган бўлиб, бу араб географлари асарларида жой олган *Жабғукат* (“Жабғу шаҳри”) мисолида ҳам ўз ифодасини топади.

Бундан ташқари, илк ўрта асрларда Чоч воҳасида турли-туман тангаларнинг зарб қилиниши бу даврда иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларининг янада ривож топганлигидан дарак беради. Айнан шу билан алоқали равишда бўлса керак, юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда воҳада ўнлаб шаҳарлар қад кўгаради.

Илк ўрта асрларда Чоч ҳозирги Тошкент воҳасидан ташқари Тароз (Жамбул), Исфижоб (Сайрам), Фороб/Ўтрор (Ясси) вилоятларини ҳам ўз ичига олган кучли ҳукмдорликка айланади. Шунингдек, араб истилосига қарши Турк хоқонлиги раҳнамолигидаги Чоч – Фаргона – Суғд – Тухористон ҳарбий иттифоқида Чоч қўшинлари алоҳида ўрин эгаллайди. Араб ва форс тарихчилари мазкур иттифоқ ҳақида ёзар экан, чочликларнинг жасурлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Чочнинг узоқ йиллар давомида араб ҳокимиятига бўйсунмаганлиги ҳақидаги маълумотлар эса ёзма манбаларда талайгина.

Хуллас, VIII аср бошларида араблар Чоч воҳасига қадам қўйишганида бу ерда мустақкам давлатчилик анъаналари ва ўнлаб шаҳарларга эга, ёзув ва танга-пул тизимига асосланган иқтисодий-маданий ҳаёт устувор марказлардан бирига дуч келишади. Воҳада ислом динининг тарқалиши эса мавжуд маданиятнинг мусулмон маданияти билан уйғунлашуви ва янада камол топишига олиб келади.

ЧОЧ – “ФЕРУЗА ТОШИ” ЎЛКАСИ

Чоч – Тошкент воҳасининг ёзма манбалар орқали етиб келган энг қадимий номларидан бири сифатида маълум. Хўш, ушбу ном замирида қандай маъно яширинган-у, у воҳа тарихи билан қай даражада боғлиқ, ҳозирги кун луғатимизда шу ёки шунга ўхшаш бирор сўз учрайдими?¹

Кейинги йилларда олимларимиз орасида Чоч номи остида “тош” ёки “феруза тоши” маъносига туркий сўз ётиши ҳақидаги қарашлар анча кенг ёйилди. Аслида воҳанинг ушбу қадимий номи “тош” сўзи билан алоқадорлиги тўғрисидаги нуқтаи назарлар ўтган аср бошларидан буён хорижлик тадқиқотчилар асарларида анча-мунча ўрин олган бўлиб, бир қисм олимлар уни қадимги туркий тил муҳитидан қидиришган бўлса, айрим тадқиқотчилар, аксинча, бу фикрга қўшилишмаган, шу сабабли бу масала ҳанузгача ўз ечимини топмай келаётган эди. Таъкидлаш жоизки, “чоч” сўзи этимологик жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил қилинмаган. Шу боис мазкур масала бўйича илмий баҳслар ҳалигача давом этмоқда.

Тошкент воҳасининг қадимий номларидан бири ўлароқ, милодий V асрдан бошлаб хитой йилномаларида *Ши* ёки *Ши-го* атамаси учраши ва унинг луғавий жиҳатдан “Тош”, “Тош мамлакати” маъносини билдириши воҳа тарихи билан шугулланган тадқиқотчилар эътиборини тортмасдан қолмади. Сабаби хитой йилномаларидаги “Тош мамлакати” атамаси билан қарийб минг йилдан бери ёзма манбаларда *Тошканд*, *Тошкент* шаклларида учраб, то ҳозиргача ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгармай келаётган воҳа номи орасида қандайдир боғлиқлик борлиги кўриниб турарди. Жумладан, ҳар иккала номдаги ўхшашликка биринчилардан бўлиб эътибор қаратган француз шарқшуноси Э. Шаванн уларни қадимги туркийча “тош” сўзи билан боғлаган эди². Хитой манбаларида Тошкент воҳасига нисбатан қўлланилган *Ши* атамасини туркийча

¹ Тадқиқотнинг ушбу қисми илк бор т.ф.н. Ф. Мақсудов билан ҳаммуаллифликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари тўпламида нашр қилинган (қар. Мақсудов Ф., Бабаяров Г. К. Этимологии топонима Чач // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. Т., 2009. С. 199 – 205).

² Chavannes, 1903: 140 – 141

“тош” сўзи билан боғлаш мантиқли эканлиги ҳақидаги фикр кейинчалик ҳам Е. Пуллейблэнк, А. Аальто, К. Е. Босворт, К. Пужоль, М. Компаретти каби бир қатор европалик шарқшунос (асосан хитойшунос) олимлар томонидан қўлаб-қувватланди ва ривожлантирилди¹. Уларнинг фикрича, воҳа номининг қадимий йилномаларда айнан “тош” маъносини билдирувчи 𐰽 шаклдаги иероглифда ифодаланган хитойча *ши* сўзи билан берилишига бу ернинг қадимги туркий тилда “тош” деб аталиши асос бўлган бўлиб, хитойликлар ушбу номни ўз тилларига ўгирган (калька) ҳолатда қайд этишган. Бу фикрларнинг акси ўлароқ М. И. Филанович хитой йилномаларида Тошкент воҳаси номи *Ши* шаклида ишлатила бошлаганини милодий VI асрга олиб бориб тақайди ва бу ҳолатни Турк хоқонлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайди².

Воҳа номига доир фарқлироқ ёндашган К. Ширатори, Й. Маркварт сингари хорижлик тадқиқотчиларнинг бошқа бир гуруҳи эса Чоч – *Ши* (“тош”) – қад. турк. *таш* (тош) параллели мунозарали эканлигини таъкидлаб, хитойликлар ушбу воҳа аҳолиси маданиятини сўғдий маданият (яъни, шарқий эроний маданият) сирасига киритишларни далил сифатида келтирадилар³. Уларнинг фикрича, агар қадимдан воҳа аҳолисини шарқий эроний тилли халқлар ташкил қилган бўлса-ю, воҳанинг энг қадимий номи туркий бўлиши мантиқан зиддир. Бироқ ҳозиргача “Чоч” атамасига шаклан ўхшайдиган ва этимологик жиҳатдан “тош” маъносини англатадиган бирор сўзнинг нафақат сўғдий тилда, балки эроний тиллар гуруҳининг бирортасида мавжудлиги аниқланмаган. Шунга қарамай, ҳозирда ҳам баъзи нашрларда ушбу атаманинг маҳаллий (сўғдий) тилда “тоғ” ва “тош” маъносида бўлганлигига доир талқинлар учраб туради⁴. Ўз вақтида А. Муҳаммаджонов томонидан бирор лингвистик далил ва луғатларга асосланмасдан ўртага ташланган ушбу талқин қандай бўлса шундайлигича, таҳлил қилинмасдан баъзи тадқиқотлардан ўрин олган. Жумладан, Ш. Камолиддин Чоч номининг

¹ Pulleyblank, 1962:246 – 248; Bosworth, 1990:604-605; Compareti, 2004:180.

² Филанович, 2009:46-52. Бундан ташқари, М. И. Филанович ушбу фикрини 2009 йил 23 – 24 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда” мавзуида бўлиб ўтган Халқаро илмий конференциядаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтди. Бу янглиш фикр, ҳар ҳолда, унинг манбалар билан яхши таниш бўлмаганидан келиб чиққан бўлса керак.

³ Marquart, 1901:154-155, п. 49.

⁴ Муҳаммаджонов, 1988:25, 52, 56; Ўша муаллиф. 2002:29, 54.

этимологиясига бағишланган махсус мақоласида Чоч сўзи туркийча “тош” сўзи билан алоқали эканлигини таъкидлаш билан биргаликда, “сугдий тилда ҳам “чоч” сўзи “тош” ёки “тоғ” маъноларини билдиради”, деб ёзади ва А. Муҳаммаджоновнинг мазкур фикрини далил сифатида келтиради¹. Шунингдек, айни пайтда, ушбу тадқиқотчининг ўзи мазкур топоним асосида туркий ва кет (енисей) тилларидаги “тош” маъносидаги сўз ётишини таъкидлайди-ю, “тош” маъносини берувчи “чоч” сўзининг бир-биридан фарқли тил оилаларига мансуб кет, туркий ва сугдий тиллардан дастлаб айнан қайси бирига мансуб бўлганлигини айтмай ўтади. Бу эса масалани янада чигаллаштиради.

Бу каби нуқтаи назарларнинг акси ўлароқ, Ғарб тарихий-лингвистик адабиётида Чоч номининг прототуркча “тош” маъносини англатувчи бирор сўздан шаклланганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам учраб туради. Атоқли немис туркологи В. Банг фикрича, қадимги туркий *čaš* дан шаклланган *taš* (тош) сўзи узоқ бир даврни босиб ўтган бўлиб, унинг изларини чуваш туркчасидан топиш мумкин, яъни: *t'sul < *čaš < taš* ва ҳоказо². Қисқаси, тадқиқотчи ҳозирги туркий тилларда *таш*, *тас*, *тош* шаклларида ишлатиладиган “тош” сўзининг олтой тиллари оиласига мансуб баъзи тиллардаги, шу жумладан, мўғулчадаги шакли *чул*, *чулу* экани ва туркий тиллар орасида фақат чувашчада *чул/чол* тариқасида сақланганига асосланиб, ушбу сўз куйидагича босқичларни босиб ўтганини илгари суради: *чул < *чаш < таш*. Қадимги хун-булғор тиллари ва бошқа туркий тилларни таққослаган атоқли турколог олим О. Прицак эса хитойча “Вэй шу” (“Шимолий сулола тарихи”) йилномасида сюнну (хун)ларга оид сўз тариқасида қайд этилган “тош” маъносидаги *še-še* сўзини **ča[l]č* сўзидан шаклланган, деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, қадимий прототуркча шакли **čalč* бўлган ушбу сўз шаклий ўзгариш (трансформация)га учраб, чувашчада *čul*, бошқа туркий тилларда эса *taš* кўринишини олган³. Фикримизча, шунга ўхшаш ҳолатни “бош” маъносини билдирувчи қадимги туркий **balč > bal/bač > baš* сўзида ҳам кузатиш мумкин⁴.

Ушбу маълумотлардан кўринадики, Чоч сўзи этимологик жиҳатдан

¹ Камалидин, 2007:47, прим. 3.

² Bang, 1977:194; Aalto, 1977:194; Аальто, 2005:102.

³ Pritsak, 2002:509.

⁴ СИГТЯ, 2006:30.

“тош” маъносини билдирган. Айни пайтда, ҳозирги туркий тилларда қаттиқ минералларнинг бир турини билдирувчи “таш” (тош) сўзининг энг қадимги турк (прототурк)часи дастлаб *чалч* шаклида бўлган ва ўз навбатида унинг олтой тилларига хос *чулу*, *чул* сўзлари билан ўзаги бирдир. Кейинчалик эса *чалч* сўзи асосида “тош” маъносини билдирувчи *чал* ва *чач/чаш* шакллари вужудга келган. Сўнгра *чач/чаш* сўзидан *таш* (тош) сўзи шаклланиб, бу шакл туркий тилларнинг аксариятида ўрин олган бўлса, чуваш туркчасида қадимий шакл ўзгармаган ҳолда *чул* қўлланилишда давом этган. Бунда чувашчанинг бошқа туркий тиллардан алоҳида ривожланиб, ихоталанган бир муҳитда яшашда давом этганлиги ва натижада прототуркчанинг ўзига хосликларини сақлаганини эътироф этиш зарур.

Мазкур нуқтаи назарлар анча-мунча даражада ўз гасдиғига эга бўлса ҳам, фикримизча, воҳа номининг дастлаб айнан Чоч деб аталиши, кейинчалик эса унинг ўрнини “Тош мамлакати” (V аср), “Тошкент” (XI аср) номлари олишининг замирида хорижлик олимларнинг фикрларидан бироз фарқлироқ бир тарихий воқелик ётади. Таъкидлаш жоизки, илк тадқиқотларимизда IX – X асрларга тааллуқли туркий (уйғурча) ҳужжатлар ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида (XI аср) “феруза, қимматбаҳо тош” маъносида учрайдиган *çās/çes* (*чаш/чэч*) сўзларига асосланиб, улар билан Тошкент воҳасининг қадимий номи бўлмиш Чоч орасида яқинлик борлигини ёзгандик¹. Тошкент воҳаси қадимиятини археологик тадқиқотлар орқали тадқиқ қилган академик Ю. Ф. Буряков биз билан деярли бир вақтда Чоч номининг шаклланишида воҳанинг жануби-шарқий қисмидаги тоғларда аниқланган қадимий феруза конлари роль ўйнаганини айтиб, буни хитойча “Тан шу” (“Тан сулоласи тарихи”) йилномасида қайд этилган воҳа пойтахтининг жануби-шарқидаги тоғларда машҳур *сэ-сэ* тоши қазиб олиниши ҳақидаги маълумот ҳам тасдиқлашини олға сурди. Олимнинг фикрича, ушбу маълумот Н. Я. Бичурин таржималарида “жемчужный камень” (“марварид тош”)² шаклида берилган бўлса-да, аслида, гап “феруза”

¹ Бобоёров, 2005:123 – 124.

² Ушбу маълумот Э. Шаванн томонидан французчага таржима қилинган пайтда аллақачон *turquoise* (феруза) шаклида уғирилган эди (қар. Chavannes, 1903:140). Бироқ Чоч тарихи билан шугулланувчи тадқиқотчилар, асосан, Н. Я. Бичуриннинг таржималарига мурожаат қилганлиги сабабли қарийб юз йил мобайнида Чоч номи негизда “феруза” сўзи ётиши масаласи эътибордан четда қолиб келди (мўаллиф).

тоши ҳақида боради¹. Шу тариқа Ю. Ф. Буряков, археологик ва геологик тадқиқотлар натижаси ва хитой йилномасидаги маълумотларга, шунингдек, Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилган воҳа конларининг феруза тошидан ясалган безаклар Шарқ бозорларида юксак қадрланиши ҳақидаги далилларга² асосланиб, воҳа номи остида баъзи тадқиқотчилар илгари сургандек “Тош қалъа” эмас, балки “қимматбаҳо тош” маъноси ётиши ҳақидаги фикрни кўтариб чиқди. Шундай қилиб, бу фикр бир қатор тарафдорларини топа бошлади³. Шу ўринда Ю. Ф. Буряков фикрларининг диққатга сазовор жиҳати шуки, воҳада феруза тоши қазиб олинishi натижасида тоғ-кон хўжалигининг тараққий этиши айнан Қовунчи маданияти (мил.ав. III – II – мил. IV – V асрлар)нинг ривожланиш даврига тўғри келади. Бу эса ўлка ва давлат номи сифатида қадимги туркча Чоч – *ce-ce* сўзи шаклланишига олиб келган, деб тахмин қилишга асос беради⁴. Дарвоқе, Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ал-асрор фи манокъиб ал-аҳйар” (XVII аср) номли асарининг Шош моддасида воҳанинг Туркистонга қарашли экани қайд этилиб, унинг Чоч деб ҳам аталиши, ҳозирда эса Тошкент номи билан машҳурлиги таъкидланади ва бу ердаги тоғларда феруза, темир ва қалай конлари (“маъдани феруза ва оҳан ва арзиз”) мавжудлиги, бироқ ҳозирда улардан фойдаланилмаслиги эслатиб ўтилади⁵.

Демак, мазкур маълумотлардан аён бўладики, Чоч қадимда ва ўрта асрларда ўзига қўшни ҳудудлардан фарқли ўлароқ, қимматбаҳо тош – ферузаси билан машҳур бўлган ва шу асосда воҳа номи шаклланган. Бу эса милодий мингйилликнинг илк ярмида хитойликлар воҳа номини Чжеши ва Ши шаклларида қайд этар экан, унинг маҳаллий номи “қимматбаҳо тош” ёки “тош” маъносини билдиришидан хабардор бўлишган, деб ҳисоблашга имкон беради. Гарчи тўлақонли асослаб берилмаган бўлса-да, академик К. Шониёзов Тошкент воҳасининг энг қадимий номи сифатида хитой йилномаси “Цян Хан шу” (мил. ав. 206 – мил. 25 йй.)да Юени, Юйни ёки Юни шаклларида қайд этилган топонимларни ифода-

¹ Буряков, 2007:8-9.

² Бруни, 1963:159, 186.

³ Алимова, Филанович, 2007:18, 101.

⁴ Буряков, 2007:63.

⁵ Маҳмуд ибн Вали, 1977:56, ил. 12, 1946-195а.

ловчи иероглифлардан баъзиларида воҳа номи яширинганига эътибор қаратган эди. Олимнинг таъкидлашича, хитойшунос тадқиқотчилар томонидан қадимги хитой тилида “юй” – нефрит, яшма каби қимматбаҳо тошлар, “ни” эса “шаҳар, қўрғон” маъносини билдириши аниқланган бўлиб⁶, Юй ва Ни шаҳар, қўрғон сўзи билан қўшилиб кетган тақдирда (Юйни), “Тош шаҳар” (туб маънода “тош конли шаҳар ёки вилоят”) атамаси келиб чиқади⁷. Фақат воҳа билан боғлиқ Юйни атамаси хитой йилномаларида айнан шу маънода учрамаслиги К. Шониёзовнинг мазкур фикри мунозарали эканлигидан дарак беради. Шу уринда А. Хужаев томонидан билдирилган “Юни сўзининг қадимги ўқилиши асосида маҳаллий Қанг номи ётади. Боиси, ушбу атаманинг илк қисми қадимги хитойчада Ю, аслида, Кеанг (Keang), иккинчи қисми ни эса нике (niek) шаклида ўқилган бўлиб, уни Кеангниек тарзида тиклаш мумкин. Шу тариқа Юни-Кеангниекни Қанг номининг хитойча берилишидир, деб ҳисоблаш лозим” мазмунидаги фикрлар диққатга сазовордир⁸.

Афтидан, хитой йилномачилари ўз асарларида Чоч воҳаси тарихини акс эттириш мобайнида, бир томондан, воҳанинг маҳаллий номини хитой тилига Юни, Юйни, Ши шаклларида ўгиришган (калька қилишган) бўлса, баъзан эса 柘支 (Чжэчжи), 柘折 (Чжэчжэ), 柘時 (Чжэши), 柘羯 (Чжэцзе) шаклларида⁹ фонетик жиҳатдан аслига яқин атамалар орқали беришга ҳаракат қилишган. Эҳтимол, хитойликлар воҳа номини ўз тилларига таржима қилмасдан, аслиятни сақлашга уринишар экан, баъзан юқорида келтирилган иероглифларнинг биринчи қисмидаги “чжэ” (柘) сўзини – “тошли, тош билан алоқали”¹⁰ деган маъноларни ифодаловчи иероглифни бежиз танламагандир (таққосланг: “чжэ” (柘) – “ши” (石)).

Дарвоқе, бир қатор тадқиқотчилар фикрича, милoddан аввалги III асрда марказий ҳудуди Тошкент воҳаси ва атрофларини ўз ичига олган давлат номи бўлиши Қанг (хитой йилномларида Кангюй) сўзининг асосида ҳам “тош” сўзи ётади. Яъни мазкур атама ҳинд-европа тилларига

⁶ Кюнер, 1961:121.

⁷ Шониёзов, 1990:43-44.

⁸ Ходжаев, 2009 (1):63-65

⁹ Ходжаев, 2006:118 – 119.

¹⁰ Большой русско-китайский словарь, 1983:426 (1788).

мансуб қадимги тухор тилидаги *kank* сүзидан шаклланган бўлиб, “тош” деган маънони билдирган¹.

Хитой тилидан фарқли равишда воҳанинг қадимий маҳаллий номи (Чоч) бошқа тиллардаги манбаларда фонетик жиҳатдан аслиятга анча яқинроқ шаклда берилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Сосонийлар Эрони ҳукмдори шаҳаншоҳ Шопур I (мил. 262 й.) ғалабалари акс эттирилган Каъбаи Зардушт битикларида *Кух-и Чоч* (“Чоч тоғлари”), шунингдек, милодий III – IV асрларда Қанг ҳукмдорлари томонидан Тошкент воҳасида зарб қилинган тангалар ва худди шу асрларга тааллуқли кумуш идишлар сиртида сугдий ёзув билан *c's'n n'rc* – “Чоч жамоаси/халқи” иборалари учрайди². Шу билан биргаликда, Чоч топоними илк ўрта асрларга мансуб бир қатор ёзма ёдгорликлардан ҳам ўрин олган. Жумладан, ушбу жой номи *c'synk* – “Чочнинг/Чочга оид” шаклида, тегишлиликни билдирувчи маънода VI – VIII асрларга оид воҳанинг сугдий ёзувли туркий тангаларида учрайдики, фикримизча ушбу сўз икки қисмдан: асос *c's* – “Чоч” ва сўз ясовчи қўшимча, тегишлилик билдирувчи *ynk* – “(фалонга) оид/хос” сўзларидан ташкил топганига шубҳа йўқ³. Чунончи, ушбу сўз VIII аср илк чорагига оид А – 14 рақамли Муг тоғи сугдий ҳужжатида *c'sw* – “Чочга” шаклида жўналиш келишиги билан, *c'synk γwβw* – “Чочнинг ҳукмдори” шаклида эса воҳа ҳукмдорини ифодаловчи ибора сифатида учрайди⁴. Шунингдек, воҳа номи VII аср ўрталарига тааллуқли Афросиёб (Самарқанд) сарой девори сиртидаги битикларда⁵ чочлик маъносидаги (*c'sn'kw*) тарзида ёки Шарқий Туркистондан топилган сугдий тилли “Нафнамак” (“Халқлар рўйхати”)да *c'snu* шаклларида дуч келамиз⁶. Ушбу топоним воҳанинг қадимий марказларидан бири бўлмиш Қанқа шаҳар харобасидан топилган сопол сиртида қадимги туркий-рун ёзувида *caś* шаклида учраши ҳам диққатга

¹ Тухорча (А лаҳжаси)да *kank* (*kanka*) сўзи “тош” деган маъно билдиради (Aalto, 1977:195).

² Лившиц, Луконин, 1964:171.

³ Бабаяров, 2007.

⁴ САГМ, II:79.

⁵ Livšic, 2006:61.

⁶ Gharib, 1995:122.

сазovor¹. Урта аср мусулмон манбаларида эса воҳа номи *Шош*, *Жож*, *Чоч* шаклларида учраши² мазкур далилларни яна бир бор тасдиқлайди.

Яқин йилларда Арис дарёси ҳавзасидаги Култобе харобаси (Жан. Қозоғистон)дан археолог олимлар томонидан суғдий битиклар туширилган бир неча дона сопол лавҳанинг топилиши нафақат воҳа тарихига муҳим маълумотлар қўшилишига, балки воҳа номининг қанчалик даражада қадимий эканининг яна бир қарра тасдиқланишига олиб келди. Мазкур битиклар сирини очган Н. Симс-Вильямс ва Ф. Грене каби тадқиқотчилар эътирофича, ёдгорликлар милодий II – III асрларга тааллуқли бўлиб, уларда (*c'c'n n'pc*) – “Чоч жамоаси/халқи/мамлақати” сўзи учрайди ва “Чоч лашкарбошиси”нинг кўчманчилар ҳужумларини дафъ қилиш учун махсус қалъа-шаҳар қурдиргани баён қилинади³. Хуллас, мазкур ёдгорликлар ҳам маҳаллий тилларда ёзилган илк топилмалар эканлиги билан, ҳам воҳа номи қадимиятнинг анча узоқ асрларга бориб тақалишини яна бир бора тасдиқлаши билан қийматлидир.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, шунча далиллар мавжудлигига қарамай, Чоч номининг луғавий маъносига даҳлдор янгича мунозарали талқинлар билдирилишда давом этаяпти. Бунга мисол тариқасида, яқин йилларда илмий жамоатчиликка ҳавола қилинган бир қатор мақолаларни келтириш мумкин. Хусусан, академик Э. В. Ртвеладзе милодий III–IV асрларга тааллуқли қадимги Чоч тангаларида ва кумуш идиш сиртидаги битикларда ҳамда Култобе сопол лавҳаларида учрайдиган (*c'c'n*) сўзини “...ушбу воҳанинг тулиқ номи...” сифатида таърифлайди. Тадқиқотчи ҳақли равишда (*c'c'n*) сўзининг ясалишида қадимги эроний – *an* суффикси иштирокини таъкидласа-да, бироқ унга этимологик изоҳ бермасдан ўтади ва мазкур шаклдан келиб чиққан ҳолда воҳа номининг Чач (Чоч) эмас, балки Чачан эканлигини олға суради⁴. Ушбу топонимнинг янгича талқинини асослаш учун у милодий VII – VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларида (*c'c'nunk*) шаклининг⁵ учрашини далил

¹ Буряков, 2002:11.

² *Джахан-наме* Мухаммада ибн Наджиба Бекрана // МИКК, 1973:47; Захириддин Мухаммад Бобир, 1960:63; Махмуд ибн Вали, 1977:56, ил. 12, 1946-195а.

³ Sims-Williams, Grenet, 2006:96-101

⁴ Ртвеладзе, 2008:68 – 69.

⁵ Э.В. Ртвеладзе далил сифатида келтирган тангаларнинг бирортасида *c'c'nunk* шакли мавжуд эмас. Буни нафақат муаллиф (яъни, Г. Бобоёров)нинг, балки Н. Симс-Вильямс, М. Исҳоқов, П.Б. Лурье каби маълакали суғдшунос мутахассисларнинг текширишлари ҳам тасдиқлаб турибди.

сифатида келтириб, мазкур шаклнинг пайдо бўлиши "...*ynk* = 'n'k' суффиксининг "с'с" топонимига эмас, "chachan" топонимига қўшилиши билан боғлиқ", деб изоҳлайди¹. Бироқ бир қатор сабаблар туфайли олимнинг ушбу талқинига қўшилиш қийин. Аввало, на исломдан аввалги Чоч тангаларидан бирортасида, на сугдий ҳужжатларда воҳа номи (*с'с'пунк*) шаклида учрайди, балки уларнинг барчасида *с'сунк* (*с'с+унк* = Чочга оид) ёки шунга яқин шакллари мавжуд². Юқорида ҳам келтириб ўтилганидек, воҳа номи Чоч шаклида (*хитой*. Чжэ-чжэ; қад. форс. Кух-и Чоч; Чоч(+истон); сугд. *с'с(+w)*, *с'с(+унк)*, *с'с(+n'kw)*, *с'с(+'ny)*; қад. турк. *саџ*; араб. Шош, форс. Чож/Жож/Чоч/Шош; *чигатой*. Чоч/Шош) турли тиллардаги манбаларда учраши воҳа номининг энг дастлабки шакли Чачан кўринишида бўлганлиги эҳтимolini йўққа чиқаради.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилган ҳолда биз ҳам *с'сунк* иборасининг асосий ўзак *с'с* ва тегишлиликни билдирувчи сугдий *-унк* суффиксидан шакланганини ва лугавий жиҳатдан "Чочга оид", "Чочники, Чочнинг" маъноларини билдиришини мантиқли ҳисоблаймиз. Зотан, сугдий тилда сифат ясовчи ва мансубликни ифодаловчи қўшимча сифатида ушбу аффикс шу шаклларда учрашига гувоҳ бўламиз: *-n*, *-ny*, *-унк*, *-nk*, *-нук*, *-пук*, *-нк* ва ҳоказо³. Шу асосда *с'с'n* иборасини икки қисмдан ташкил топган, деб ҳисоблаш лозим: асосий ўзак *с'с* ва *-n* суффикси. Демак, Чачан иборасининг лугавий маъноси "Чочнинг, Чочга оид" бўлиб чиқади⁴.

Шунингдек, ҳозирги кунда ҳам воҳанинг қадимги номи билан боғлиқ фарқли янгича талқинлар ўртага ташланаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, А. Хужаевнинг бир қатор тадқиқотларида бошқа тадқиқотчилар қарашларидан анча тафовут қилувчи фикрлар ўз аксини топган бўлиб, уларга айрим сабаблар туфайли қўшилиб бўлмайди. Жумладан, тадқиқотчининг "хитой йилномаларида учрайдиган Ши атамаси маҳаллий Шош номига тўғри келади, Чжэчжи, Чжэчжэ, Чжэши атамалари эса Чоч номига тегишли", мазмундаги фикрлари мунозаралидир. Шунингдек, воҳа номининг турли иероглифларда ифодаланганидан келиб чиқиб, айна тадқиқотчининг "...Шош (Ши) давлат номи

¹ Ртвеладзе, 2008:69.

² САГМ, II: 79-83; Шагалов, Кузнецов, 2007.

³ Лившиц, 2003:7; Исаков, Камалиддин, Бабаяров, 2008:211.

⁴ Sims-Williams, Grenet. 2006:97.

бўлган, Чоч эса пойтахт шаҳарнинг номидир ва шу сабабли давлат номи ва пойтахт номини аралаштириб юбормаслик керак”¹, деган фикрларини ҳам қабул қилиш қийин. Мабодо, ушбу муаллифнинг талқинларини ўринли деб биладиган бўлсак, унда “нега турли манбаларда воҳа номи доимо Чоч бўлиб келади, айниқса, ушбу воҳа ҳукмдорлари томонидан зарб қилдирилган тангаларда *с’супк γωβω* – “Чоч ҳукмдори” иборасидан бошқа бирор ибора ишлатилмаганининг боиси нимада”, деган савол келиб чиқмайдими? Таъкидлаш жоизки, воҳа номи ШОш шаклида ўрта асрларга таалуқли мусулмон (араб, форс, туркий) манбаларида учрай бошлайди. Аслида, ШОш сўзи маҳаллий Чоч сўзининг араб тилига мослаштирилган шакли бўлиб, араб тилида “ч” ундоши мавжуд бўлмаганлиги боис, араблар хорижий тилларга хос атамалардаги “ч” ундоши ўрнида кўп ҳолларда “ш” (шин) ҳарфини, баъзан эса “ж” (жим) ёки “с” (соа) ҳарфларини ишлатишган. Шу боис, аксарият тадқиқотчилар ШОш номи Чоч сўзининг араб тили хусусиятларига мослаштирилиши натижасидир, деган фикрга келишган².

Шу ўринда Чоч этимологиясига доир анча олдин илгари сурилиб, яқин йилларда янада ривожлантирилган бошқа фикрларга ҳам тўхталиб ўтсак. Жумладан, В. П. Яйленко Чоч сўзининг келиб чиқишини енисей-кет халқлари тилида мавжуд бўлиб, “тош” маъносини билдирадиган *тыс/шыш/чыс* сўзлари билан боғлаган эди. Унинг фикрича, ушбу тил оиласига мансуб тиллардан кетча *тыс*, коттча *шыш*, пумпоклар тилида *чыс* сўзлари Чоч сўзига яқин келади³. Тадқиқотчи Чоч ва бошқа Ўрта Осиё минтақаси билан алоқали қадимий жой номагарининг енисей-кет тилларидаги сўзлар билан изоҳданишини, бу эса минтақанинг қадимий тубжой аҳолисини, эҳтимол ҳинд-европа тил оиласига мансуб этнослардан ҳам олдинги даврларда, мазкур тил оиласи вакиллари ташкил қилганидан дарак беришини ёзади. Унинг фикрларига қўшилган Ш. Камолиддин эса ўз тадқиқотларида Чоч – *тыс/шыш/чыс* сўзлари ўхшашлигини ёзиб, енисей-кет тиллари билан олтой тил оиласи халқлари, шу жумладан прототурклар генетик жиҳатдан яқин бўлганлиги ҳақидаги А. П. Дульзон сингари тадқиқотчиларнинг қарашларини

¹ Ходжаев, 2006:118.

² Мукминова, Филанович, 2001:26.

³ Яйленко, 1990:41.

кайтадан жонлангиришга ҳаракат қилади¹. Бироқ юқорида тилга олинган тадқиқотчилардан бошқа дунё турколог олимлари олтой ва енисей тиллари яқин бўлганлиги масаласига унчалик эътибор қаратишмаган. Яъни, олтой тил оиласи, шу жумладан, туркий тиллар гуруҳининг бошқа тил оилалари билан қариндошлиги борасида билдирилган назариялар орасида “олтой – енисей қариндошлиги масаласи” энг кам тарафдор топган назариядир. Ҳозирги кунда шу вақтгача энг кўп рағбат кўрган “урол – олтой тил оиласи бирлиги” назарияси катта танқидга учраётган, ҳатто “олтой тил оиласи”даги тилларнинг узаро қариндошлиги масаласи қайта кўриб чиқиляётган ва фарқли фикрлар билдириляётган бир пайтда, чуқур таҳлиллар олиб бормасдан, “қадимги туркларнинг аجدодлари билан енисей халқлари орасида яқинлик бор”, деб хулоса чиқаришга ҳали эрта.

Шу билан биргаликда, Ш. Камолиддин воҳадаги тоғ тизмаларидан бирининг номи бўлмиш Чотқол сўзидаги биринчи компонент “чат” (чот)ни Чоч сўзи билан алоқадор бўлиши мумкин, деб ҳисоблаб, уни “тош” сўзининг лаҳжавий шакли сифатида қарайди². У ўз фикрининг исботи сифатида *чат* сўзи қирғиз тилида “дарёларнинг бирлашган жойидаги майдон” ёки “тоғнинг бир қисми” маъносида эканлиги ва туркий топонимлар орасида Чат, Эски-Чат, Уч-Чат, Қора-Чат, Сари-Чат номлари кўп учрашини келтириб ўтади. Шунингдек, тадқиқотчи туркий тилларда “т”, “ч” ва “ш” ундошлари вариантлашувини Чат сўзида ҳам кўриш мумкин, деб ёзади³. Бироқ *т-ч-ш* алмашинуви ҳодисаси туркий тилларда асосан сўз бошидаги ҳарфларга тааллуқлидир. Бундан ташқари, “чот” ёки “чат” сўзи нафақат қирғиз тилида, балки бошқа кўплаб туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам “оёқнинг белдан ажралган жойи” га нисбатан ишлатилядики, Чотқол тоғининг номи ҳам худди шу маънода пайдо бўлган бўлиб, унинг “тош” сўзига алоқаси йўқ.

Хуллас, Чоч топонимининг этимологик жиҳатдан прототуркча *çat* (“тош, қимматбаҳо тош, феруза тоши”) сўзига алоқадор сифатида талқин қилиш Тошкент воҳасининг этник тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Хусусан, ушбу атам

¹ Камолиддин, 2006:81; Камолиддин, 2007:48-50.

² Камолиддин, 2007:48.

³ Камолиддин, 2007:48, прим. 2.

қадимги ёзма манбаларда милодий II – III асрлардан бошлаб воҳанинг бош номи сифатида учрай бошлаши, мазкур тарихий-маданий вилоятда айнан уша даврларда прототурк элементларнинг мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Юқорида таъкидлаб утилганидек, “тош” маъносидаги *саё* (*чач*) сўзи прототуркча *ча[л]ч* сўзидан шакланган бўлиб, унинг “тош” маъносидаги *чал* ва *чач* шакллари ҳамда “феруза тоши” мазмунидаги *чэч/чэш* вариантларининг учраши, фарқли лаҳжаларида сўзлашган прототурк қабилалар мавжудиятидан дарак беради. Дарвоқе, “тош” сўзини ифодаловчи сўз ҳозирги чуваш туркчасида *чул/чол* тарзида сақланган бўлиб, қадимги *ча[л]ч* ёки *чал* шаклларини эслатса, туркий тилларнинг қарлук, ўғуз, қипчоқ ва бошқа лаҳжаларига хос *таш*, *тас* вариантлари эса қадимги *тал* > *таш* шакллариининг давомчиси сифатида кўзга ташланади. Шу билан биргаликда, қадимги *ча[л]ч* сўзининг шаклан бошқа бир варианты, мазмунан эса биров фарқлироқ маънода *чāч/чāш* – “феруза, феруза тоши” шаклида учрай бошлагани кўринади. Жумладан, мазкур сўз айнан шу маънода қадимги турк (уйғур) ёзувида¹ – *чāч*, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида эса *чāш/чāш* кўринишларида учрайди². Шунингдек, ўрта асрларга тааллуқли баъзи араб тилидаги манбаларда ҳам *чāш* туркий тилда “феруза” маъносида эканлиги қайд этилади³. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги сарыг-югур (сарик уйғур) лар⁴ тилида *чес* (*jes*) сўзи “тасбеҳдаги йирик яшил (нефрит, феруза) мунчоқ”қа нисбатан ишлатилиши⁵ ҳам диққатга сазовордир.

Ёзма манбаларда воҳанинг умумий номи сифатида фақат маълум бир давр мобайнида, яъни, асосан, милодий II – VIII асрларда Чоч шаклида учраса, кейинчалик эса X асрлар атрофида унинг ўрнини Тошкент номи эгаллай бошлагани кўзга ташланади. Дарвоқе, IX – X асрларда воҳага ташриф буюрган араб географлари асарларида воҳа номи Тошкент шаклида учрамасдан, дастлаб фақат XI асрда Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида қайд этилиши⁶ Тошканд ёки Тошкент топоним-

¹ ДТС, 1969:143.

² Кошғарий, II:63, 83.

³ Clauson, 1972: 430.

⁴ Муаллиф сарик-уйғурларга доир берган материаллари ва прототурк тили буйича маслаҳатлари учун тадқиқотчи А. Кубатинга миннатдорчилик билдиради.

⁵ Тенишев, 1976:177.

⁶ Беруний, 1965:232; Беруний, 1973:471; Кошғарий, III:164.

мининг айнан шу асрларга яқин бир даврда пайдо бўлганидан дарак беради. Бироқ милодий V асрлардаёқ воҳанинг маҳаллий номи мазмунан “тош” ёки “тошга алоқадор минерал” маъносини билдиришидан хабардор бўлган хитойликларнинг айнан шу пайтлардан бошлаб воҳа номини баъзан ўз тилларига ўчириб, *Ши* (тош) шаклида, баъзан эса аслиятини сақлаб, яъни Чоч сўзига оҳанг жиҳатидан яқинроқ бўлган иероглифни қўллаб, *Чжэ-ши* (“тошга алоқадор”) тарзида ифодалашлари билан XI асрда маҳаллий мусулмон манбаларида воҳа номи Тошкент шаклида қайда этилиши ўртасида, гарчи улар орасида 500 йилга яқин бир фарқ бўлса ҳам, боғлиқлик мавжудлигидан дарак беради. Шу асосда тахмин қилиш мумкинки, чоч шаклининг ўрнини *тош* шакли олиши, эҳтимол воҳада қадимги турк тилининг бошқа бир лаҳжасида сўзлашувчи янги этник гуруҳларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Демак, Тошкент воҳасининг илк топонимларидан бири сифатида прототуркча Чоч атамасининг қўлланилишини прототурк қабилаларининг мазкур регионда милоднинг дастлабки асрларидаёқ истиқомат қилганлиги билан алоқадор, деб қарашга имкон яратади.

Хўш, милоднинг бошлариданоқ воҳада прототуркча номнинг пайдо бўлиши қандай тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкин? Маълумки хитой йианомаларига кўра, мил. ав. III – II – мил. III асрларда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида Кангюй (Қанг) давлати мавжуд эди. Қанг аҳолисининг этник мансублиги ва тили масаласида тадқиқотчилар орасида яқдиллик йўқ. Бир гуруҳ олимлар қангликлар тилини ҳинд-европа тил оиласининг тўхор гуруҳига мансуб ҳисоблашса, бошқалар уни мазкур тил оиласининг эроний тил гуруҳига киритишади. Учинчи гуруҳ олимлари қангликлар прототуркчада сўзлашган, деб таъкидлашса, тўртинчи гуруҳ уларнинг тил жиҳатдан милоднинг бошларидаёқ кучли даражада туркийлаша бошлаганини илгари сўришади¹. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Кангюй/Канцзюй (Қанг) давлати ўзининг энг юқори чўққисига чиққан пайтида туркий давлат сифатида намоён бўлади². Ушбу нуқтаи назар Ю. А. Зуевнинг Канцзюй давлатининг ўша даврдаги туркий номланиши Қангали ёки Қангли бўлган мазмундаги фикрлари³ орқали ҳам ўз тасдиғини топади.

¹ Шониезов, 1990:8-25.

² Малявкин, 1989:201; Филанович, 2001:23.

³ Зуев, 2002:137.

Воҳа қадим аҳолисининг этник ва лисоний мансублиги масаласини кейинги тадқиқотларга қолдирган ҳолда, “тош” ёки “қимматбаҳо тош (феруза)” маъносидаги “Чоч” атамасининг воҳанинг умумий номи сифатида пайдо бўлиши милоддан аввалги мингйилликнинг сўнги асрларида сюнну (хун) қабилалари миграцияси билан боғлиқлиги эҳтимоли юқори эканини таъкидламоқчимиз. Хусусан, хитой манбаларидан аён бўлишича, дастлаб милоддан аввалги III – II асрларда Кангюй давлати устидан ўз ҳокимиятини ўрнатган сюнну қабиласи вакиллари кейинчалик Хитой империяси зарбасига учрагач, ўзларининг иттифоқдошлари бўлиш Кангюй ҳукмдорларидан бошпана сўраб мурожаат қилишади¹. Афтидан, айнан шу пайтлардан бошлаб, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларида яшовчи сюнну қабилаларининг Еттисув ҳамда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларига оммавий кучиши бошланади ва натижада Тошкент воҳасининг номи сифатида Чоч топоними пайдо бўлади. Шунингдек, минтақанинг баъзи жойлари ва унга қўшни ҳудудларда мазкур топоним билан шаклан ўхшаш жой номларининг учрай бошлаши² замирида ҳам мазкур миграцион жараёнлар ётса керак. Эҳтимол, Тошкент воҳасининг ушбу прототуркча номи воҳанинг янада қадимийроқ номи бўлиш Қанг сўзидан калька қилинган бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, Қанг номининг негизини баъзи тадқиқотчилар тўхорчадан қидиришади. Хусусан, тўхор тилининг А лаҳжасида “канк/канг” (**kānk*) сўзи мавжуд бўлиб, Г. У. Бэйлининг фикрича, у “тош” маъносини, Е. Герцфельд фикрича эса, “...тошнинг қандайдир жинси”ни билдирган³.

Хуллас, Тошкент воҳаси номи маъновий (семантик) жиҳатдан “*тош* = қимматбаҳо *тош* = *феруза тоши*” мазмунида бўлганини ҳам маҳаллий шакллари (Қанг, Чоч, Тош[кент]), ҳам милоддан аввалги II асрдан то милодий илк ўрта асрларгача хитой манбаларида учрайдиган атамалар (Юени (?), Чжечжи/Чжэчжэ, Ши) тасдиқлайди.

Қизиғи шундаки, илк ўрта асрларда Тошкент воҳасида мавжуд бўлган 20 дан ортиқ туркий топонимларнинг пайдо бўлишини кўпчилик тадқиқотчилар воҳада Турк хоқонлиги (552 – 744) ҳокимияти би-

¹ Бичурин, I:93.

² Кон-и Чоч (Ҳисор тоғларидаги жой), Жожруд – Чочруд (ўрта асрларда Кеш/Шаҳрисабз воҳасидаги дарё).

³ Aalto, 1977:195.

лан боғлайдилар. Аммо юқорида келтирилган материаллар асосида биз уларнинг бир қисми анча олдинги даврлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, бир қатор тадқиқотчилар милоднинг дастлабки асрларидаёқ Сирдарё дарёсининг номи бошқа номлар билан биргаликда юнон манбаларида (жумладан, Плиний Старший асарида) *Силос/Силис* шаклида учрашни таъкидлаб, уни прототуркча *Сил/Сир* сўз билан боғлайдилар ва уларнинг лугавий маъноси “инжу, марварид” эканлигини илгари суришади. Дарвоқе, сюнну (хун) тилига анча-мунча яқин бўлган чуваш туркчасида “марварид” маъносидаги “селем” сўзи сақланиб қолган¹. Агар ушбу дарё номининг анча қадимий манбаларда *Яксарт/Йахшарт/Хашарт* шаклларида учраши ва уларнинг қадимги эроний тилларда “тоза/асл марварид” маъносини билдириши назарда тутилса², Сирдарё атамасининг илк компоненти прототуркча *Сил/Сир* сўзи билан боғлиқлиги эҳтимоли кучаяди. Шу ўринда Сирдарёнинг қадимги хитой манбаларида “ҳақиқий марварид” маъносини берувчи иероглифлар билан *Йоша* ёки *Йаоша* шаклларида ифодаланлиги ва бунда дарёнинг қадимги эроний номи *Йахшарт/Яксарт*га ҳам мазмун жиҳатидан, ҳам шакл жиҳатидан ўхшаш сўзлар танлангани диққатга молик. Илк ўрта асрларга келиб хитойликлар Сирдарёга нисбатан *Чжэнчжу-хэ* сўзини қўллай бошлашадими, ушбу атама мазмунан “инжу/марварид дарё” маъноларини билдирарди³. Аҳамиятлиси шуки, мазкур дарё номи худди шу маънода *Йенчу-угуз* (“Инжу дарё”) шаклида қадимги турк битиктошлари (VIII аср боши)да учрайди⁴ (*қаранг: Қиёсий жадвал*).

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган далиллар воҳа тарихининг катта бир қисми давомида Тошкент воҳасининг бош номи турли тиллардаги манбаларда маъно жиҳатидан “қимматбаҳо тош” ёки “феруза тоши” маъносидаги атамалар билан ифодаланган, деб айтишга асос беради. Демак, воҳа номлари асосида қадимги туркча Чоч – “феруза”, “феруза тоши”, яъни бир сўз билан айтганда, “қимматбаҳо тош” маъноси ётади ва бу талқин “Тошкент” номи учун ҳам ҳосдир. Яъни воҳанинг бундай

¹ Шониёзов, 1990:23.

² Кляшторный, 1964:75.

³ Малявкин, 1989:265.

⁴ Абдурахмонов, Рустамов, 1982:77, 84.

номланиши буер аҳолисига хос қадимий анъаналар натижасидир, де ҳисоблаш лозим.

Қиёсий жадвал

Қайси тилларда	Тошкент	Сирдарё	Хитой манбаларидаги шакли		Қулланилган даври
Ҳинд-европа тил оиласи (тухорча, эроний)	Канк (тухор. "тош")	Яксарт, Йахшарт (эрон. "асл марварид")	Кангюй	Йо-ша ("асл марварид")	Мил. авв. I минг йиллик
Прото-туркча	Чач/Чэч ("тош", "феруза тоши")	Сил, ("марварид")	Юени ("Қимматбаҳо тош шаҳри"?), Чжэчжэ ("тошай"), Ши ("тош")	Йао-ша ("асл марварид"), Йе, Йеие	Мил. авв. II – I – мил. VII – VIII асрлар
Қадимги туркча	Тош(кент) ("Тош шаҳар")	Йенчу-угуз ("инжу дарё")	Ши ("тош")	Чжэнчжү-хэ ("марварид дарё")	Мил. V – VIII асрлар

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЧОЧ: БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА ҲУКМДОР СУЛОЛАЛАР

Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ҳудудлардаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятларнинг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, ўзига хос тарихий манзарага дуч келамиз. Хусусан, мазкур вилоятлар алоҳида-алоҳида сиёсий-маъмурий тузилма – ҳукмдорликлар бўлиб, улар бир-биридан мустақил статусга эга эдилар. Уларнинг ҳар бири ўз ҳукмдор сулоласи, меросий ҳокимияти, бошқарув маркази (пойтахти), қонунчилиги, ўз қушини, муайян ҳудуд ва чегараси ҳамда танга-пул тизимига эга бўлиб, ҳукмрон хонадонларнинг ўзига хос ҳокимият рамзлари мавжуд эди. Мазкур воҳа ҳукмдорликларининг баъзилари ўз сиёсий тузилишига кура конфедератив шаклда бўлиб, таркибида бир неча майда ҳукмдорликларни бирлаштирарди. Айниқса, Тўхористон ва Суғдда бундай ҳолат яққол кўзга ташланади. Улардаги ҳар бир вилоят ёки гунан алоҳида кичик ҳукмдорликлар бўлиб, деярли барчаси юқоридагидай статусга молик эдилар. Яъни улардан деярли ҳар бири ўз сулоласи, ҳудуд, чегара, танга-пул тизими, ҳокимият рамзлари ва ҳоказоларга эга эди. Жумладан, хитой роҳиби Сюан Цзан (627 – 645)¹ маълумотича, Тўхористон 27 та ҳукмдорлик (Термиз, Чағониён, Хутгал, Кумед, Кубодиён, Шугнон, Вохон, Балх, Қундуз, Гузгон ва бошқалар)дан ташкил топган бўлиб, уларнинг барчаси Турк хоқонлигига бўйсунарди². VII аср иккинчи чорагида Тўхористонда хоқонлик билан алоқадор, ашина хонадонидан бўлган ябғулик бошқаруви таъсис этилгач, мазкур ҳукмдорликлар ушбу Тўхористон ябғулари сулоласини тан олган ҳолда, бир-бирларидан мустақил равишда бошқарувни давом эттирадилар.

¹ Шу пайтгача тадқиқотчилар Сюан Цзан ўз саёхатини 629 йилда бошлаган деб ҳисоблашган бўлиб, бу фикр тарихий адабиётларда кенг ўрин олган эди. Бироқ кейинги йилларда бир қатор тадқиқотчилар унинг Хитойдан сафарга чиқиши 627 йилда бошланганини таъкидлашмоқда (Бу ҳақда фарқли талқинлар учун қarang: Ekrem, 2003:29 – 30; Vaisaire, 2009).

² Ekrem, 2003:54; Туғушева, 1991:68, 202.

Илк ўрта асрларда шунга шаклан ўхшашроқ, бироқ моҳиятан ўзига хос ҳолат Чоч воҳасида ҳам кўзга ташланади. Шимоли-шарқда Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази – Еттисув, шарқда Фарғона ихшидлиги, жанубда Уструшона афшинлиги, жануби-ғарб томондан муайян даражада Сугд ихшидлиги ва шимоли-ғарбда Фөроб (Ўтрор) билан ҳамхудуд бўлган Чоч мазкур ҳукмдорликлар каби алоҳида бир ҳукмдорлик эди.

Ёзма манбалар V – VI асрлар мобайнида Чоч ҳукмдорлигининг бошқарувчилари кимлар бўлгани ва воҳада қандай сулолалар ҳукмронлик қилгани ҳақида бирор арзирли маълумот бермайди. Фақат хитойча “Син Тан шу” йилномасида акс этган қисқа ва умумий маълумотлардан бу ерни Чжаову хонадонига мансуб сулола бошқарганлигини аниқлаш мумкин бўлса-да, ушбу сулола вакилларининг айнан қайси йилларда ҳукм сурганини, ҳатто сулоланинг ўзи қачон ташкил топганини аниқ белгилаш мушкул. Дарвоқе, йилномада келтирилган маълумотлар куйидагича:

“[Юечжи халқи] дастлаб Цилянъ тоғининг шимолидаги Чжаову шаҳрида яшар эдилар. Тукюе (турк)лардан мағлубиятга учрагач, улар бирмунча жанубга силжиб, Цунлин (Помир)га яқин жойга бориб жойлашишди. Шу ердан ҳозирги жойларига бориб ўрнашишди ва тўққизта ҳукмдорлар сулоласига бўлинишди; Ань (Бухоро), Цао (Кабудон), Ши (Чоч), Ми (Маймурғ), Хэ (Кушония / Каттақўрғон), Хосюнь (Хоразм?), Маоди (Битик?), Шыши (Кеш). [Ушбу ҳукмдорликларнинг] бошқарувчилари насдан-наслга “тўққиз хонадон / уруғ” деб юритилади ва [мавжуд ҳукмдорликларининг] барчаси Чжаову фамилияси (хонадон номи)га эга”¹.

Йилномада Кан (Самарқанд)даги бошқарувчи хонадон ушбу тўққизта сулоладан бири эканлиги таъкидланиши билан биргалликда, улар орасида мазкур хонадоннинг марказий мавқега эга эканлигига алоҳида урғу берилади. Шунингдек, хитойча “Бей ши” ва “Суй шу” йилномаларида Ань (Бухоро), Хэ (Кушония) ва Ми (Маймурғ) ҳукмдорларининг келиб чиқиши Чжаову сулоласидан эканлиги ва уларнинг насли Кан (Самарқанд) хонадонига бориб тақалиши ҳақидаги далиллар ҳам ушбу маълумотларга мос келади². Бу эса Чжаову хонадони

¹ Бичурин, II:310; Малявкин, 1989: 77.

² Бичурин, II:272, 274-275, 282, 286 – 287.

дастлаб Самарқандга келиб ўз сулоласини ташкил қилган ва шу тариқа туриб, мазкур ҳукмдорликларнинг ҳар бирида алоҳида сулола барпо этилган бўлиши мумкинлиги борасидаги фикрга асос беради. Гарчи “Тан шу” йилномасидан фарқли ўларок, “Бей ши” ва “Суй шу” йилномаларида Ши (Чоч) ҳукмдорлари Чжаову хонадонига тааллуқли курсатилмаси-да, баъзи бир далилларга асосланиб, воҳани бошқарган сулола вакилларининг минтақадаги бошқа сулолалар билан қариндош бўлганини тахмин қилиш мумкин. Хусусан, VI – VIII асрларга тааллуқли *с’унк* *𐰽𐰺𐰍* – “Чоч ҳукмдори” унвонли, *𐰽* шаклидаги тамғали тангалар билан қарийб худди шу даврларда муомалада бўлган *𐰽* шакли тамғали Бухоро тангалари ва *𐰽* шакли тамғали Самарқанд ихшиدلари тангалари орасида яқинлик бордек куринади. Ушбу тамгалардаги шаклий жиҳатдан ухшашлик Чоч, Бухоро ва Самарқанд бошқарувчиларининг қариндош ва Чжаову хонадонига мансуб бўлиши мумкинлиги борасида тахминга имкон беради. Балки, ушбу тамгалар марказий хонадон бўлиши Самарқанд Чжаовулар сулоласининг тамғасидан ўсиб чиққандир: *𐰽* ← *𐰽* → *𐰽*. Қолаверса юқоридаги тахминни мазкур тангалар иконаграфияси (ҳукмдор қиёфаси соч шакли) ва палеографик жиҳатлари кучайтиради. Бу каби далиллар эса хоқонликка алоқадор Чоч сулолаларидан олдин ҳам, шунингдек, улар билан бир пайтда ҳам воҳада ҳукм сурган маҳаллий сулола вакилларининг Бухоро ва Самарқанд ҳукмдор сулолаларига қариндош бўлган, деган фаразни қўллаб-қувватлайди. Дарвоқе, Ю. А. Зуев, Ю. Ёшида каби тадқиқотчилар “Тан шу” йилномасига асосланиб, 658 йилда Чоч ҳукмдори сифатида тилга олинган Ган тудун исмининг бир қисми сифатида келтирилган *чжао му* сўзини ҳам Чжаову билан алоқадор, унинг бир варианты, деб ҳисоблашади¹. Бироқ ушбу ҳукмдор исми мазкур йилномада тўлиқ шаклда *Ган тутунъ шэшэти юй кюе чжао му дуду* тариқасида учраб, унинг маҳаллий шаклини туркий асосда **Тун тудун шэшэти Ўга Кул чжао му Тутуқ* тарзида қисман тиклаш мумкин². Шу ҳам борки, Ю. А. Зуевдан фарқли ўларок, бир қатор тадқиқотчилар мазкур Чоч ҳукмдорини Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий таянчларидан бири бўлмиш *дулу* қабиласининг бир тармоғи – *шэшэти* уругига

¹ Зуев, 2002: 43; Yoshida, 2003: 50.

² Малявкин, 1989: 270.

мансуб бўлган, деб ҳисоблайдилар¹.

Чжаову хонадонининг келиб чиқиши қайси этносга тақалиши ва хитой йилномаларида тилга олинган ушбу атаманинг асли қандай бўлганлиги ҳақида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи фикрлар мавжуд. Аввало, тадқиқотчилар юқорида келтирилган лавҳадаги “[Юечжи халқи] дастлаб Цилянъ тогининг шимолидаги Чжаову шаҳрида яшар эдилар. Тукюе (турк)лардан мағлубиятга учрагач, улар бирмунча жанубга силжиб, Цунлин (Помир)га яқин жойга бориб жойлашишди” мазмундаги маълумотни анча илгариги даврларга, яъни милоддан аввалги II аср ўрталарига тааллуқли, деб ҳисоблашади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, аслида, Хан сулоласи даврига оид манбаларда “хунлардан мағлубиятга учрагач, ғарбга силжиган юечжилар” ҳақидаги маълумот “Тан шу” йилномасида “турклардан мағлубиятга учрагач” шаклини олган². Дарвоқе, ушбу йилномада келтирилган Чжаову шаҳрига яқин Цилянъ тоғи, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уша даврда Ганьсў ўлкасида жойлашган Наньшанъ тизмасидаги тоғнинг номи бўлиб, милоддан аввалги даврларда хитой манбаларида Да Юечжи тарзида тилга олинган қабилалар ҳам дастлаб Дуньхуан ва Цилянъ тоғлари оралигидаги ҳудудда яшаган эдилар³. Бу эса чжаовуларнинг Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисмларига силжиши Турк хоқонлиги даврида эмас, балки, ундан анча олдин юз берганидан дарак беради. Фақат минтақа тарихининг ечилиши керак бўлган муҳим масалаларидан бири шуки, модомики, илк ўрта асрларда минтақанинг аксарият воҳаларида Чжаову хонадони вакиллари ҳукмронлик қилган ва уларнинг келиб чиқиши юечжиларга бориб тақалар экан, у ҳолда юечжиларнинг минтақадаги ҳукмронлиги милоддан аввалги II асрдан то милодий VII – VIII асрларгача давом этган бўлиб чиқади. Аммо тарихдан маълумки, ушбу давр оралигида минтақада Хионитлар (IV – V асрлар), Кидаритлар (V аср), Эфталитлар (V – VI асрлар) ва Турк хоқонлиги (VI – VIII асрлар) ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Бу эса, ўз навбатида, юечжилар ёки уларнинг издошлари чжаовулар ҳокимиятининг бу қадар узоқ давом этганлиги масаласини шубҳа остида

¹ Chavannes, 1903:141, n. 3; Малявкин, 1989:270.

² Chavannes, 1903:134, n. 1; Смирнова, 1970:27.

³ Смирнова, 1970:27.

қўяди. Эҳтимол, келиб чиқиши юечжи ёки чжаовулардан бўлган хонадонлар мазкур давлатлар даврида уларга тобе сулоалар сифатида ўз ҳокимиятини давом эттиргандир. Хуллас, юечжи – чжаову бирлиги масаласини тарихимизнинг очиқ қолаётган масалаларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўз тадқиқотларида чжаову атамасига махсус тўхтаган О. И. Смирнова, бу борада билдирилган бир қатор фикрларни таҳлил қилган ҳолда ушбу хонадон вакиллариининг ўз пайтида кучли даражада эронийлашганини ёзади¹. Бошқалардан фарқли ўлароқ, тадқиқотчи хитой манбаларидаги чжаову сўзининг Тан хонадони давридаги хитойча ўқилиши *t'siāmiu*, Хан сулоласи давридаги архаик хитойча ўқилиши эса *tlog-miwo* бўлганига эътибор қаратади ҳамда уни араб ва маҳаллий манбаларда минтақанинг исломдан аввалги аслзода табақаси номи сифатида тилга олинган *жамук* сўзи билан таққослашга ҳаракат қилади². Олиманинг таъкидлашича, ушбу жамоа баъзи мусулмон манбаларида Бухоронинг аслзода синфи сифатида қайд этилган *жамук* ёки *хамук* билан тенглаштирилса, бошқа асарларда *жамукийийин* шаклида туркларга тааллуқли аслзода гуруҳ сифатида талқин қилинади. Хусусан, Табарий *жамукийийинлар* ҳақида: “Улар туркларнинг азимлари (улуғлари)дан”, – деб ёзади³. Олима Пули *Жамукийийин* (“Жамуклар кўприги”), *Дастжирди Жамукийийин* (“Жамукийийинлар мулки”) шаклларида тилга олинган Балх атрофидаги жойларни ҳам туркларнинг ушбу қабиласи билан алоқали бўлиши керак, деб қарайди⁴. З. В. Тугон эса *жамук* сўзининг туркийчаси асли *чамук* ёки *чумак* тарзида бўлганини ёзади ва унинг хитой йилномларидаги шакли Кук Туркларнинг (яъни, Ғарбий Турк хоқонлигининг – Ғ. Б.) дулу қабиласига мансуб беш уруғдан бирининг номи сифатида учрайдиган *чумузунь* билан бир эканлигини илгарди суради⁵.

Чжаовулар ҳақида билдирилган турли фикрлар асосли ёки аксинча эканлигини таҳлил қилган О. И. Смирнованинг ўзи ушбу сўзнинг асли, эҳтимол, *yabγu* (*yabγu*) унвони билан алоқадор бўлиши ва келиб чиқиши

¹ Смирнова, 1970:25.

² Смирнова, 1970:32-35.

³ Табарий, 1987:253.

⁴ Смирнова, 1970:33, прил. 36.

⁵ Togan, 1981:51, 428.

юечжиларга тақалиши мумкинлигини ёзади¹. Бироқ шуниси ҳам борки, ябгу унвони айни шу даврларга тааллуқди хитой йилномаларида е-ху ёки ше-ху шаклида учрайди. Бу эса чжаову – ябгу бирлиги ҳақидаги қарашларни шубҳа остига қўяди.

Афтидан, 560 йилларда Эфталитларга зарба берган Турк хоқонлиги қўшинлари Фаргона, Уструшона, Суғд, Бухоро ҳудудлари билан бирга Чоч воҳасини қўлга киритган бир паллада, бу ердаги сулола Эфталитларга тобе эди. Айни йилларда сосонийлар билан ёвланган ва Шимоллий Кавказда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган хоқонлик дастлаб янги ҳудудларнинг ички бошқарувига аралашмаган, шекилли, VI аср охиригача нафақат Чочда, балки бошқа воҳа ҳукмдорликлар сиёсий ҳаётида бирор жиддий ўзгариш бўлгани кўзга ташланмайди. Бироқ VII аср бошларига келиб, хоқонликнинг Чочга нисбатан тутган сиёсати кескин ўзгаради. Бу ернинг маҳаллий ҳукмдори, эҳтимол, чжаову сулоласи вакили Нйе хоқонлик вакиллари томонидан ўлдирилади ва воҳанинг бошқаруви тўғридан-тўғри хоқонлик билан алоқадор сулола қўлига ўтади.

Ушбу воқеалар ривожини батафсил тасвирлашдан олдин ўша пайтда воҳанинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва тутган мавқеига қисқача тўхталиб ўтамиз. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Чоч воҳасининг жойлашган географик ўрни ва қўшнилари ҳақида “Син Тан шу” йилномасида қуйидагича маълумотлар келтирилади:

“Ши мамлакати шимоли-шарқда Ғарбий турклар (Ғарбий Турк хоқонлиги маркази – Еттисув)га, шимоли-ғарбда Бола (Фороб) мамлакатига туташади. Жанубида 200 ли узоқликда Цзюйчжанги (Хужанд), жануби-ғарбида эса 500 ли узоқликда Кан (Самарқанд) мамлакати жойлашган. Ушбу мамлакат (Чоч)нинг кенглиги 1000 ли атрофида бўлиб, унинг ўнг томони Суйе² (Суёб?) дарёсига туташади. Ҳукмдорининг хонадон исми Ши, бошқарув маркази Чже-чже шахридир. Ши мамлакати қадимги Кангюй давлатининг сяо-ван

¹ Смирнова, 1970:36.

² Суйе – айрим тадқиқотчилар томонидан ушбу сўз сўроқ ишораси остида Суёб дарёси сифатида берилди. Баъзи тадқиқотчилар эса Чоч ҳукмдорлигининг ҳудуди Суёб (Чу)гача етмаган деб ҳисоблаб, хитой манбаларидаги ушбу маълумотни қабул қилишда иккиланишди (қarang. Шониёзов, 1990:45). Аммо ушбу дарё учун қўлланилган биринчи ва иккинчи иероглиф Чочнинг ўнг томонида жойлашган Суйе дарёсига нисбатан ишлатилган иероглифлар билан бир хил. Бу эса Чочнинг ўнг (шимоли-шарқий) чеккаси Суёб дарёсигача етганини тасдиқлайди.

(кичик ҳоким/ҳукмдор)и утирган Юни шаҳри жойлашган ердадир. Жануби-ғарбида Йоша (Сирдарё) урин олган”¹.

VII аср илк чорагида Чоч воҳасидаги умумий вазият ва ҳудуди қандай бўлганлигини аниқлашда хитой роҳиби Сюан Цзан (627 / 629 – 645) келтирган маълумотлар асосий мезон бўлиб хизмат қилади:

“Чжеши мамлакатининг айланаси 1000 ли атрофида бўлиб, ғарби Йе дарёси (Сирдарё)га туташган. [Ушбу мамлакатнинг] шарқий ва ғарбий томони тор, шимолий ва жанубий томони эса кенгадир. Тупрогининг унумдорлиги ва иқлим шароити Нучицзян² (Нучкет) мамлакати билан бир хил. Ўнга яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг алоҳида бошқарувчиси бор. Умумий бир ҳукмдори мавжуд эмас. Вассал сифатида Тукюелар (Турк хоқонлиги)га тобедирлар”³.

Шу ўринда Чоч воҳасининг сиёсий-жўгрофий чегараларини янада аниқроқ кўрсатиб берадиган баъзи тадқиқотларга ҳам қисқача тўхталасак. Жумладан, А. Хўжаев Чоч воҳасининг илк ўрта асрлар тарихи бўйича хитой манбаларига таяниб ёзган махсус мақоласида йилномалардаги барча маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент воҳасининг ҳудудий чегарасини белгилашга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи хитой йилномаларидаги кўплаб далилларни келтириш билан бирга, “Тундян” асаридаги бир лавҳани қуйидагича келтиради:

“[Ши давлати] шимолда ва шарқда ғарбий турклар ҳукмдорлиги билан, ғарбда [у] Боши давлати билан, жануби-ғарбда Кангкия (Канцзюй) билан, жанубда Фарғона (Шуэйдюшана) билан чегарадош”⁴.

Ушбу маълумотни таҳлил қилиш мобайнида, айти матндаги Канцзюйни Кан-го (Самарқанд) давлати билан тенглаштирган А. Хўжа-

¹ Ектем, 2003:120, п. 1; Ходжаев, 2005:11.

² Нучицзян – аксарият тадқиқотчилар уни Нучкет шаклида тиклаб, араб манбаларида Шош воҳасидаги йирик шаҳарлардан бири сифатида тилга олинган Нучкет билан тенглаштиришадди. В.В. Бартольдга кўра, Нучкет ҳозирги Чирчиқ бекатига тўғри келади (Бартольд, 1963:231; Зуев, 2002:164). Б. Байтанаев Нучицзянни Чимкент билан тенглаштиришга ҳаракат қилади (Байтанаев, 2004:67-70). Бироқ хитой манбаларида келтирилган ўлчамлардан келиб чиқилса, мазкур тадқинлар ўзини унчалик оқламайди. Шу сабабли бу масала ҳалигача очик қолмоқда, деб ҳисоблаш керак.

³ Ектем, 2003:121-122.

⁴ Ходжаев, 2005:12; 2006:120.

ев Боши давлатининг ўрни ва у қайси давлатга тўғри келиши ҳалигача аниқланмаганини таъкидлайди¹. Аслида эса, ушбу ҳукмдорлик учун ишлатилган иероглиф Боши эмас, Бола/Бо-ла (波臘 – *Pa-lar) шаклида бўлиб, хитой йианомаларининг барча таржималарида шу шаклда келтирилади². Ҳолбуки, ўз вақтида Ю. А. Зуев хитойча Бо-ла Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида жойлашган Фороб (Ўтрор) ҳукмдорлигининг номи эканлигини таъкидлаб ёзган бўлиб³, ҳақиқатан ҳам, мазкур ҳукмдорликнинг Чочга нисбатан шимоли-ғарбда жойлашгани эътиборга олинса, бу борада шубҳага ўрин қолмайди. Дарвоқе, Н. Я. Бичурин таржимасида у Ши (Чоч)нинг шимоли-ғарбида кўрсатилади⁴. Шунингдек, А. Хўжаевнинг “Тундян”даги мазкур парчада келтирилган Ши (Чоч)нинг жанубида жойлашган Шуэйдушана ҳукмдорлиги ҳақидаги фикрлари ҳам баҳсталабдир. Тадқиқотчи Шуэйдушанани Фаргона, деб талқин қилади⁵. Аммо аллақачон тадқиқотчилар мазкур ҳукмдорлик номининг Шуэйдушана, Судулисена шаклларида учраши ва унинг маҳаллий номи Уструшона ёки Истаравшан эканлиги ҳақида бир тўхтамга келганлар⁶. Буни Уструшонанинг Чочга нисбатан жанубда, Фаргона эса шарқда жойлашгани ҳам тасдиқлайди. Фикримизча, Марказий Осиёнинг айрим худудлари географик жойлашувидан яхши хабардор бўлмаган баъзи хитойлик муаллифларнинг нотўғри шарҳлари тадқиқотчини чағитган.

Энди, ҳам воҳанинг сиёсий тарихини ёритишга ёрдам берадиган, ҳам юқорида келтирилган масалаларни изоҳлайдиган ва тўлдирадиган моҳиятдаги маълумотларга мурожаат қилсак. Аввало, бевосита бу даврга тааллуқли маълумотларни акс эттирган Бей ши, Суй шу ва Тан шу каби хитой йианомаларида Чочга алоқадор равишда учрайдиган куйидагича маълумотни келтираемиз:

¹ Ходжаев, 2005:12; 2006:120. Тадқиқотчи кейинги нашрларида ушбу ҳукмдорлик номини Пуала/Буала ёки Бола, Боло, Пола шаклларида келтириб, уларни Балх ҳукмдорлиги билан тенглаштиради (Ходжаев, 2009: 41 – 42). Бироқ Балх Чочдан узоқ бўлгани ва ҳар иккала ҳукмдорлик орасида Уструшона, Суга, Чагопиён, Термиз ҳукмдорликлари жой олгани сабабли бу фикрга қўшилиб бўлмайди.

² Бичурин, II:313; Chavannes, 1903:140; Малявкин, 1989:78-79; Зуев, 2002:98; Ekrem, 2003:120.

³ Зуев, 2002:98.

⁴ Бичурин, II:313.

⁵ Ходжаев, 2005:12; Ходжаев, 2006:120.

⁶ Markwart, 1938:81, 162; Ekrem, 2003:125.

“Бир вақтлар (Хитойдаги Да-йе даври (605 – 616 й.)нинг бошларида) Ши-го (Чоч ҳукмдорлиги) ва Тукюе (Турк хоқонлиги) орасида ихтилоф содир бўлди. Шегуй хоқон ўз қушини билан отланиб, ушбу ҳукмдорликни тор-мор қилди (ҳукмдор Нйе ўлдирилди) ва у (Шегуй хоқон) Дэлэ (Тегин) Тяньчжини ноиб сифатида ушбу ҳукмдорликни бошқаришга буйруқ берди... Бешинчи Да-йе йили (609 й.)да Тяньчжи Хитой саройига ўз ҳурмат-эҳтиромини билдириш мақсадида ҳадялар билан биргаликда элчи юборди. Шундан кейин (анча вақтгача) элчи келмади”¹.

Ушбу маълумотлардан аён бўладики, 605 йилга келиб, Чоч воҳаси сиёсий ҳаётида катта ўзгариш рўй берган ва хоқонлик томонидан ўша йилда воҳа бошқарувига *тегин* унвонига эга Тяньчжи исми шахс ноиб қилиб тайинланган. Демак, Чочнинг собиқ ҳукмдори Нйе ўлдирилиши оқибатида воҳанинг хоқонликка тобе маҳаллий сулоласи, эҳтимол Чжаову хонадонининг бир тармоги бўлган сулола ўрнини бошқа бир хонадон эгаллаган ёки маҳаллий сулола ўз мавқеини йўқотиб, тобе сулолага айланган. Дарвоқе, мазкур Тегин Тяньчжининг 609 йилда Чоч ҳукмдори сифатида Хитой саройига элчи юбориши унинг бу ерда мустаҳкам ўрнашиб олгани ва ўз сулоласига асос солганидан дарак беради. Буни, сал кейинроқ кўриб ўтадиганимиздек, ҳам хитой йилномаларида 740 – 750 йиллар орасида Чочнинг бош ҳукмдори сифатида *тегин* унвонли шахснинг тилга олиниши, ҳам VII – VIII асрларда воҳада *tk'up c'sunk γwβw* – “Чоч ҳукмдори тегин” жумлалари билан тангалар зарб қилиниши тасдиқлайди.

Гарчи хитой йилномаларида Чоч тегинларининг келиб чиқиши ҳақида тўғридан-тўғри маълумот учрамаса-да, ўша давр воқеликларидан келиб чиқиб, уларни Турк хоқонлигининг асосчи уруғи – Ашина хонадонига мансуб бўлишган, деб ҳисоблаш мумкин. Аввало, бунга Тегин Тяньчжининг исми ва унвони туркий бўлганлиги, айниқса, ушбу сулола вакиллариининг хоқонлик бошқарувига хос *тегин* унвонига эга бўлишгани ҳам далолат беради. Маълумки, *тегин* Турк хоқонлиги бошқарув тизимида хоқонларнинг ўғиллари ва жиянларига, яъни шаҳзодаларга бериладиган унвон эди². Ю. Ф. Буряков фикрича, Дэлэ Тяньчжи (Тегин

¹ Бичурин, II:273, 282, 313; Chavannes, 2007:193; Хуршут, 1992: 6 – 7.

² Бичурин, I:229; Taşağıl, 2003:113.

Тянчжи – Г. Б.) Ашина уругидан бўлган ва унинг Чочга келиши билан бу ерда туркий сулола ҳукмронлиги бошланади¹. Бизнингча ҳам, ушбу фикрда жон бор бўлиб, ушбу шахс Ашина хонадонининг бир тармоғи – Ғарбий турк хоқонлари (Истами ябғу авлодлари)га мансуб бўлган. Чунки бу пайтда фақат Ашина хонадони вакиллари *тегин* унвонига эга бўлишар ва хоқонлик шаҳзодаларни бирор ўлка бошқарувига тайинлаш орқали жойлардаги ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Тегин Тянчжининг Чоч бошқарувига айнан Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларидан бири Шегуй хоқон (611 – 617) томонидан тайинланиши ҳам бунга гувоҳлик беради. Шегуй бу пайтда Ғарбий хоқонликда “шад”лик рутбасида бўлиб, хоқонлик бошқарувидаги мавжуд анъанага кўра, *шад* “тегин”дан бир поғона юқори мавқедаги шаҳзодаларга бериладиган унвон эди.

Юқорида кўриб ўтилганидек, 605 йилги воқеадан бир неча йил кейин – 609 йилда Тянчжи Хитойга чочлик элчиларни юборади. Демак, ушбу шаҳзода бу вақтга келиб, Чоч ҳукмдорига айланган ва бу ердан туриб ўз элчиларини юбориш ҳуқуқига эга бўлган.

Шу билан бирга, хитой йилномаларида 640 йиллардан то 750 йилларгача бўлган вақт мобайнида воҳада ҳукмдорлик қилган 4 нафар Чоч ҳукмдорининг исми *тудун* унвони билан тилга олиниши, суғдий А–14 ҳужжатида (720 – йиллар) *tδwn* (*тудун*) унвонли шахс Чочга алоқадор сиёсий масалаларни ҳал қилувчи фигура сифатида учраши, Табарийда эса “*тудун малик аш-Шош*” (“Шош ҳукмдори – тудун”) иборалари қайд этилиши, Беруний ҳам “тудун” сўзини Шошнинг қадим ҳукмдорлари унвони тариқасида кўрсатиши, айнан *Тегинлар* сулоласи билан деярли бир вақтда воҳада *Тудунлар* сулоласи мавжуд бўлган, деб ҳисоблашга имкон беради. Қолаверса, VII – VIII асрларга тааллуқли тангаларда *tδwn c'synk rwb* – “Чоч ҳукмдори тудун” иборасининг учрашининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

Чоч воҳасида, аини вақтнинг ўзида, алоҳида-алоҳида *Тегинлар* ва *Тудунлар* каби сулолалар мавжуд бўлиши воҳада қўшҳокимиятчилик бўлганидан дарак бермайдими? Агар ёзма манбаларга синчковлик билан назар ташланса, шунингдек, масалага Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқаришда қўллаган усул ва воситалар моҳияти жиҳатидан ёндашилса,

¹ Буряков, 2002:12.

бу ҳолат қушҳокимиятчилик билан эмас, хоқонлик бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб чиқади. Маълумки, *тудун* унвони Турк хоқонлигининг бошқарувчи хонадонига бевосита алоқадор бўлмаган, асосан, бўйсундирилган ўлкаларнинг ҳукмдорлари устидан назорат қилиш ва у ерлардан солиқ йиғишга маъсул қилинган вакилларга нисбатан ишлатилган¹. Бу эса дастлаб *тегин* – бош Чоч ҳукмдори, *тудун* эса уни назорат қилиш учун хоқонлик томонидан юборилган вакил – ноиб бўлган, деб ҳисоблашга имкон беради. Хоқонлик нафақат Чочда, балки ўз қўл остидаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларини бошқаришда уларнинг эски маҳаллий сулолаларини сақлаб қолган ҳолда, ўз хонадонни вакилларида ҳам амалдорлар тайинлаши баробарида, улар устидан назоратчи вакиллар – *тудунлик* ёки шунга ўхшаш бир ноиблик тизимини жорий қилган эди. Жумладан, Фарғонанинг асосий бошқарувчилари сифатида Ашина хонадонига мансуб сулола ташкил топиши билан бирга, маҳаллий сулола ҳам сақланиб қолган, шу билан биргаликда, *тутуқлик* бошқаруви йўлга қўйилган эди². Худди шунга ўхшаш ҳолат Тўхористон бошқарувида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Тўхористонда ҳокимият бош сулола мавқеидаги Ашина хонадонига мансуб *ябеулар* томонидан бошқарилиши баробарида, баъзи кичик ҳукмдорликларда маҳаллий сулолалар бошқаруви сақланиб қолган, бироқ уларни назорат қилувчи ва солиқ йиғимини ташкил этувчи вакил сифатида *тудунлар* юборилган эди. Жумладан, бақтрий тилидаги бир неча ҳужжатда Тўхористон таркибидаги кичик бир ҳукмдорлик бўлиши Руб (Шимолӣ Афғонистон)да маҳаллий сулола вакиллари тилга олинаши билан бир қаторда, доимий равишда *тудун* унвонли амалдор тилга олинади³. Ҳарҳолда, *тудунлар* хоқонликнинг жойларга тўғридан-тўғри юборилган вакиллари бўлиб, улар вассал ҳукмдорлик ва марказий ҳокимият орасидаги мувофиқликни тартибга солиб турган. Акс ҳолда, Чоч, Фарғона, Тўхористон каби ҳукмдорликлар бошқарувида хоқонликка бевосита алоқадор, келиб чиқиши Ашина хонадонидан бўлган сулолалар туриши билан биргаликда, уларни назорат қилиш учун ноиб – *тудун* тайинланишини бошқача изоҳлаш мушкул.

¹ Толстов, 1948:260.

² САГМ, II:80 – 85; Смирнова, 1981:58.

³ Sims-Williams, 2000:95-96.

Фақат ҳам “тегин” унволи, ҳам “тудун” унволи тангаларда Чоч бошқарувчиси маъносидаги *c’sunk ʊwβw* иборасининг учрашини қандай изоҳлаш мумкин? Аввало, ушбу унвоиларнинг бажарган функцияларига диққат қилинадиган бўлса, шу нарса аниқ бўладики, асосан, Турк хоқонлиги бошқарувига хос бўлган мазкур унвоилардан биринчиси (тегин) хоқонликни бошқарувчи хонадонга мансуб шахзодаларга берилган бўлса, иккинчиси (тудун) эса, бевосита бошқарувчи хонадон аъзоси бўлмай, хоқонлик иерархиясида бирмунча куйи поғонада турувчи амалдорга нисбатан қўлланилган¹.

Шу ўринда масалага янада аниқлик киритувчи қуйидаги маълумотларни келтиришни лозим топамиз. Жумладан, хитой йилномаларида 740–йилларда бир неча маротаба Хитойга элчи юборган Чоч ҳукмдори *Ши-го ван Дэлэ* – “Чоч ҳукмдори тегин” шаклида тилга олинса, у билан айти йилларда мазкур империя саройига элчи жўнатган яна бир ҳукмдор *Ши-го Фу-ван Тутунь* – “Чоч ҳукмдори муовини тудун” тарзида қайд этилади². Бундан кўринадики, *тегин* – Чочнинг бош ҳукмдори, *тудун* – Чоч ҳукмдорининг муовини (ёки иккинчи даражали ҳукмдор) дир. Йилномалар мазмунидан ушбу тудуннинг исми Инай Кулуг эканлиги маълум. Шунингдек, 713 – 740 йиллар давомида Чоч сиёсий ҳаётида фаол қатнашган Баҳодур (Мохэду) тудун хитой йилномаларида турлича нисбатлар билан келадики, бу ҳам мазкур масалага аниқлик киритса керак, деб ўйлаймиз. Жумладан, француз шарқшуноси Э. Шаванн хитой йилномаларида Баҳодур тудун билан боғлиқ жумлани *roi étranger du royaume de Che* – “Ши(Чоч)нинг хорижий ҳукмдори” шаклида ўтиради³. Демак, Чоч билан боғлиқ *тудун* унволи иккала шахсдан бири (Баҳодур; 713 – 740) “хорижий ҳукмдор”, иккинчиси (Инай Кулуг; 740 йй.) эса “ҳукмдор муовини” сифатида тилга олинishi тудунларнинг том маънодаги Чоч ҳукмдорлари бўлмаганини кўрсатади. Бу масалага биров кейинроқ батафсил тўхталишни лозим топган ҳолда шуни айтиб ўтиш керакки, Чоч тудунларининг бундай аталиши асосида легитимация (ҳокимиятни қонунийлаштириш) масаласи ётади. Чунончи,

¹ Бичурин, I:229, 279.

² Chavannes, 1903:142.

³ Chavannes, 1904:62.

бу воқеалардан анча олдин – 605 йилда Чочнинг бошқарувига тегин унволи хоқонлик вакили тайинланган бўлиб, ушбу сулола вакиллари тўғридан-тўғри ашина хонадонидан эканлиги улар ҳокимиятининг қонунийлигини таъминларди.

Шундай бўлишига қарамай, хитой йилномаларида 640 – 740 йилларда Чоч билан боғлиқ воқеалар баёнида тегинлар эмас, асосан, тудунларнинг эслатилиши ва А-14 рақамли суғдий ҳужжатда Чочга тегишли масалаларда тудун асосий шахс сифатида гаьдаланиши ўз изоҳини талаб қилади. Шу ўринда, бу масалага бевосита алоқадор араб тилидаги манбалар (Табарий, Беруний асарлари)да Шош ҳукмдорлари – “тудун малик аш-Шош” тарзида учрашини¹ ҳам назарда тутиш керак. Аввало, бу масалада хитой йилномаларида илк бор тилга олинган Чочга алоқадор тудуннинг тўғридан-тўғри воҳанинг ҳукмдори сифатида эмас, балки гарбий турк хоқонларидан бири Элби Тулу (Иби Дулу) хоқон тамонидан ўз рақиб, яна бир гарбий турк хоқони бўлмиш Ишбара ябғу-хоқон (Шаболо шэху-кехан)га қарши юборилган чочлик ҳарбий амалдор тариқасида қайд этилганини инобатга олиш зарур². Бу ва бундан кейинги Чоч тудунларига доир хитой йилномаларида қуйидагича маълумотлар акс этганки, уларнинг мазмуни тудун унволи амалдорлар воҳанинг асосий бошқарувчилари бўлмаганидан дарак беради. Яъни:

1) “(640 йили) Дулу хоқон Ши (Чоч)лик тудунни қўшинлари билан юборди. Тудун жангда Шеху-кехан (Ябғу-хоқон)ни ўлдирди”;

2) “(хитойликлар) Хянь-кин бошқарувининг учинчи йилида (658 й.) Ганьгэ (Тункат) шаҳрида Даван губернияси ташкил этди ва ҳукмдор Ган/Тун тудун унинг бошқарувчиси қилиб тайинланди”;

3) “Кай-юань йилининг биринчи йилида (713 й.) ҳукмдор Мохэду (Баҳодур) тудун жангда хизмат кўрсатгани учун (хитойликлар томонидан) Ши (Чоч)да ҳукмдор тайинланди”; “Кай-юань йилининг йигирма саккизинчи йилида (740 й.) Ши-го (Чоч давлати)нинг хорижий ҳукмдори Мохэду (Баҳодур) тудунга ҳурмат қозонгани бонс “махсус рутбаси оширилган” ва Ши-го ван ± “Чоч давлати ҳукмдори” унвони берилди”;

4) “Тьян-бао йилининг учинчи ойида (746 й.) Ши (Чоч) ҳукмдори бир элчи юбориб, (хитой императорига) ўз ҳурматини билдирди ва 15 та от ҳада қилди.... (шу пайтда) Ши (Чоч) давлатининг ҳукмдор

¹ Табарий, 1987:268; Беруний, 1957:111.

² Бичурин, I:287.

муовини (ёки иккинчи ҳукмдори) Инай тудун Кул (Хитойга) элчи юбориб, ўз мамлакати маҳсулотларидан жўнатди”¹.

Ушбу маълумотларнинг деярли барчаси тудун унвонли бошқарувчилар илк босқичда воҳанинг маҳаллий ҳукмдорлари бўлмаганини кўрсатиб турса-да, бу масалага янада ойдинлик киритиш зарур бўлади. Бу борада хоқонликка хос анъана – вассал ҳукмдорликларга ишончи вакил сифатида тудун унвонли амалдорларни юбориш усулига мурожаат қилиш ёрдам беради. Агар 605 йилдан бошлаб хоқонлар хонадонига мансуб *Тегинлар* Чочнинг бош сулоласи сифатида фаолият юрита бошлаб, вақт ўтган сари ушбу хонадон бу ернинг маҳаллий сулоласига айланиб боргани назарда тутилса, воҳанинг хоқонликка бўйсунishi тўғридан-тўғри улар воситасида эмас, балки хоқонларнинг бевосита вакиллари бўлиши тудунлар воситасида амалга оширилган бўлиб чиқади. Демак, дастлабки пайтларда тудунларга бевосита Ғарбий турк хоқонлари дастак бериб турган бўлсалар, кейинчалик 657 йилда хоқонлик Хитойга қарам бўлиб қолгач, улар “қўғирчоқ хоқонлар” орқали билвосита хитойликлар томонидан қўллаб-қувватлаб турилган. Бу ҳолат эса тудунларнинг мавқеи ошишига ва Чоч тегинлари устидан устунлик ўрнатилишига олиб келган. Дарвоқе, юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўлишича, хитойликлар ташкил этган Даван губерниясига Ған (Тун) тудун бошқарувчи қилиб тайинланган бўлса, Баҳодур тудун жангда хизмат кўрсатгани учун Чоч ҳукмдори аталган ва унга “махсус рутбаси оширилган” нисбаси берилаган эди.

Ғарчи *Тегинлар* сулоласи ўзларининг келиб чиқишига кўра хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина уруғидан бўлиши ва бу уларга то 750 йилларгача воҳанинг бош ҳукмдор сулоласи бўлиб қолишлари ҳуқуқини берган бўлса-да, -бунга хитой йилномаларидаги *Ши-го ван Дэлэ* (“Чоч ҳукмдори Тегин”) ва тудун билан алоқали *Ши-го Фу-ван* (“Чоч ҳукмдори муовини”) иборалари гувоҳлик беради- амалдаги ҳокимият *Тудунлар* сулоласи қўлида бўлган. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ҳар ҳолда, 650 – йилларгача тудунларнинг бевосита хоқонлар вакили бўлишлари, ва 650 – йилларнинг охириги йилларидан бошлаб эса хитой-ликларнинг ишончини қозонишлари уларга мавқе жиҳатдан

¹ Бичурин, I:287; II:313 – 314; Chavannes, 1903:140-142; 1904:76; Малявкин, 1989:270.

устунлик яратган бўлиши керак. Шунингдек, келиб чиқиши хоқонликка алоқадор бўлган *тегинлар* сулоласи Хитой учун ишончсиз бўлиб, Тан империяси учун Чоч устидан назоратни таъминлашда хоқонлик билан қариндошлик алоқалари бўлмаган тудунларга таяниш мантиқлироқ эди. Ғарбий турк хоқонлари наздида юқори нуфузга эга бўлган Чоч тудунини (640 й.) ҳисобга олмаганда, ундан кейинги учала Чоч тудунининг (Тун тудун, Баҳодур тудун, Инай тудун Кул) Хитой билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари асосида ҳам шу масала ётса керак. Демак, хитойликлар 658 йили маркази Ганьгэ (Тункат) шаҳри бўлган Даван губерниясини ташкил этар экан, у ерга Чочнинг *Тегинлар* сулоласи вакиллари эмас, тудунларни бошқарувчи қилиб тайинлашлари бежиз бўлмаган.

Агар 657 йили Ғарбий Турк хоқонлигининг Хитой томонидан тормор қилиниши ва хоқонлик таркибидаги воҳа ҳукмдорликлари устидан жорий қилинган Тан империясига хос маъмурий ислоҳотлар моҳиятига назар ташланса, уларда ҳам Чочда амалга оширилган ўзгартиришларга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин¹. Хусусан, Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга қарам бўлиб қолган 657 йилдан бир йил кейин Тан империяси Гйесай (Косон) номини Хюсюнь шаклида ўзгартириб, унга бошқарувчи сифатида водийни анча йиллардан бери бошқариб келаётган Ашина хонадони вакили Йебочжини эмас, собиқ маҳаллий сулола вакили Аляоцанни тайинлайди². Шу тариқа, Фарғонанинг Хитойга йиллик тортиқ юбориб туриши таъминланади. Демак, хитойликларнинг бундан 2 йил олдин совға-салом юборган Йебочжини эмас, ўзлари учун ишончли вакил сифатида Аляоцанни маркази Косон шаҳри бўлган Хюсюнь (Фарғона) бошқарувига тайинлаши замирида ҳам ўзига хос сиёсат ётган. Бу эса Тан империясининг Чочдагига ўхшаб, Ашина сулоласи вакилларида кўра кўпроқ бошқаларни афзал кўрганидан дарак беради. Маълумки, 657 йилда Ашина Хэлу (Улуғ)ни хитойликларга тутиб берганига қарамай Чоч ҳукмдори Шу-жу шад эмас, Ган/Тун тудун хитойликлар назоратчиси сифатида Чоч ҳукмдори қилиб тайинланганди. Шунга қарамай, Чочдаги *Тегинлар* сулоласи номига бўлса ҳам, ўз ҳокимиятини сақлаб қолган кўринади. Чунончи 740-йилларда бир неча бор Хитой-

¹ Исхаков, Камолиддин, Бабаяров, 2009:25.

² Бичурин, II:319

га элчи юборган Чочнинг бош ҳукмдори *тегин* унвонида қайд этилиши бундан дарак беради.

Баъзи бир далиллар истисно қилинса, манбаларда VIII аср биринчи ярмидаги Чоч билан боғлиқ бирор сиёсий воқеада *Тегинлар* сулоласи иштирок этганига доир маълумот учрамайди. Фақат 750 йилда Тан империяси билан ихтилофга бориб, оқибатда хитойликлар томонидан саройига олиб кетилган ва у ерда ўлдирилган Чоч ҳукмдорининг исми ва унвони келтирилмаса-да, уни *Тегинлар* сулоласидан бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Йилномалардан маълум бўлишича, хитойликларнинг бундай муомаласидан кейин улар билан алоқани узиб, Тан империясини асосий душмани деб билган мазкур Чоч ҳукмдорининг ўғли На Гюй Чабиши (Н. Я. Бичуринда Нагюйгюй Биши¹) араблардан ёрдам сўрайди. 751 йили Талас атрофида мусулмонлар ва Тан империяси қўшинлари орасидаги жангда хитойликлар катта зарбага учраган пайтда Чоч ҳукмдори араблар томонида бўлади². К.И. Беквиснинг фикрича, хитой йилномаларида *Чабиши* шаклида учрайдиган мазкур Чоч ҳукмдорининг исми *Чабиш* шаклида тикланади ва у, аслида, исм бўлмай, туркийча *чабиш* (човуш) унвони билан алоқадордир. Тадқиқотчининг фикрича, у Тургаш хоқонлигига алоқадор ҳукмдорликнинг бошқарувчиси сифатида тургаш хоқонларининг Хитойга қарши иттифоқчиси эди³. 751 йилда у ва унинг иттифоқчилари тургаш хоқони ва тибетлик лашкарбошилар хитой саркардаси Гао Сянчжи томонидан қўлга олиниб, пойтахт Чанъанга олиб кетилади ва у ерда император фармони билан пойтахтдаги “Кай-Юан дарвозаси” олдида қатл этилади. Шундан кейин марҳум Чоч

¹ Ушбу Чоч ҳукмдорининг исмини тадқиқотчилар турли шаклларда беришади. Жумладан Э. Шаванна *Na-kiu-kiu-pi-che* (Chavannes, 1903:142) шаклида берган бўлса, Ж.К. Скэфф *Naju Sebisi* шаклида келтириб, унинг иккинчи қисмини туркча *čabuš* (чабыш) унвони билан тенглаштиради (Skaff, 2002:103, п. 23). Ўз навбатида О.И. Смирнова Нацзюйцзюй Биши ва Банцзюйцзюй Биши исмларини келтириб, уларнинг Чоч ҳукмдорининг ўгиллари булганини ёзиб, улардан биринчисини тўнгич ўғил сифатида талқин қилган эди (Смирнова, 1967:287). А. Хўжаев эса ушбу ҳукмдорни Наюю Чебиши, Жабши (Чабиши) шаклларида беради (Ходжаев, 2009:41, 43, 46). Шу ўринда тадқиқотчи ушбу Чоч ҳукмдорида оид хитой манбаларидаги маълумотларни русчага ўғирар экан, хитойча ҳукмдор маъносига *вань* сўзини *хан* (хон) шаклида таржима қилгани кўзга ташланади (Ходжаев, 2009:43, 46). Бироқ, бу даврда *хон* унвони Чоч ҳукмдорлари томонидан қўлланилмаган бўлиб, Чоч каби нисбатан кичик ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг бундай йирик унвонга эга булганига доир маълумотлар мавжуд эмас.

² Бичурин, II:314; Chavannes, 2007:194-195.

³ Beckwith, 1987/1993:137 – 138.

ҳукмдори Чабишнинг угли хитойликларга қарши Самарқанддаги араб гарнизони бошлиғи Зиёд б. Солиҳ ал-Хузайнага ёрдам сўраб мурожаат қилади ва натижада 751 йилда бўлиб ўтган машхур Талас жанги юз беради¹. Ғолиб чиққан араб қўшинлари, ушбу жангга ўзларига ёрдам берган воҳа ҳукмдорликлари қаторида Чочни ҳам ўз қарамоғига олиб, уни тобе ҳукмдорликка айлантирадилар.

Кези келганда шунини айтиб ўтиш керакки, туркий чабиш унвони Чоч воҳасининг VI – VIII асрлардаги бошқарув тизимида кенг ўрин эгаллаган кўринади. Хитой манбаларида қайд этилган мазкур На Гюй Чабишидан ташқари яна бир чочлик амалдор исми *Ши Чебижи* (луғ. “Тош (давлати) Чабиши”) шаклида Турфондан топилган VIII асрга таалуқли хитойча ҳужжатда учрайди². Бундан ташқари, А-14 рақамли суғдий ҳужжатда амалдорлардан бири билан боғлиқ равишда *p'rsyk cp'us* ибораси учраб, тадқиқотчилар уни “форс лашкарбошиси” сифатида талқин қилишади³. Бироқ ҳужжат мазмунидан мазкур шахс Чочга алоқадордек таассурот уйғотади. Чунки ҳужжат (мактуб) Чоч воҳасида ёзилган бўлиб, унда баён қилинган воқеалар тафсилоти, асосан, воҳадаги сиёсий жараёнларга тегишлидир.

Яна Чочнинг ҳукмдор сулоалари билан боғлиқ масалаларга қайтсак. Талас воқеасидан бир неча йиллар олдин ҳам Чоч ҳукмдорлари, хусусан, Чоч тудунлари минтақадаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашган эдилар. Айниқса, уларнинг Хитой империяси ва Турғаш хоқонлиги билан алоқалари анча мустаҳкам эди. Аввало, 746 йилда Чоч ҳукмдори тегиннинг элчилари билан бирга Чоч тудуни номидан ҳам Хитойга элчи боргани ҳақидаги маълумот⁴ буни тасдиқлайди. Дарвоқе, 740 йилда Турғаш хоқонлигининг нуфузли амалдорлардан бири Баға Тархон Фарғона, Кеш ва Чоч ҳукмдорлари билан ҳамкорликда турғаш хоқони Тухосян Кут-чурни Суёб шахрида мағлуб қилиши воқеаларида Чоч ҳукмдори сифатида Баҳодур тудун иштирок этади. Ушбу воқеаларда Чочдан айнан Баҳодур тудуннинг қатнашиши боиси Чоч тегинларининг воҳа сиёсий ҳаётида унчалик ўрни бўлмаганлиги ва ҳокимият жиловини тудунлар

¹ Beckwith, 1987/1993:139.

² Yoshida, 2004:131132.

³ САГМ, II:78.

⁴ Chavannes, 1904:67, 69 – 70.

қўлда тутиши билан боғлиқ бўлса ажабмас. Бундан ташқари, Турғаш хоқонлиги ҳам Хитойга ўхшаб, Чоч воҳасини назоратда тутишда тудунлардан фойдаланишни афзал кўрган бўлиши мумкин. Зотан, келиб чиқиши ашина хонадонидан бўлган Чоч тегинлари сулоласининг Ётисувдаги хоқонлик ҳокимиятини ушбу хонадон вакилларидан тортиб олган турғашлар учун ҳам воҳадаги ишонарли вакил вазифасини бажаришлари даргумон эди. Бинобарин, турғаш амалдори Бага Тархоннинг ёнида жой олган тобе ҳукмдорликлар орасида, бевосита хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига мансуб бўлмай, бироқ келиб чиқиши туркий бўлган Фарғона ҳукмдори Арслон Тархон, Кеш ҳукмдори Ишканд, Чоч ҳукмдори Баҳодур тудунлар қатнашганликлари¹ бежиз бўлмаса керак.

Шу ўринда, Чочнинг сиёсий ҳаётида мавқеи юқори бўлган тудунлар нега ўзларини воҳанинг бош ҳукмдорлари деб эълон қилишмаган, деган савол туғилиши табиий. Ҳар ҳолда, бу ўша даврда Турк хоқонлигида мавжуд анъана билан боғлиқ бўлиб, анъанага биноан *тегин* унвони *тудун* унвонидан анча юқори ҳисобланар ва шу тариқа тудунларнинг ўзларини Чочнинг бош сулоласи, деб эълон қилиши ҳуқуқий жиҳатдан ўзини оқламамас эди. Шунга қарамасдан тудунлар бевосита хоқонлар ноиби бўлишлари Чоч тегинларига нисбатан уларнинг сиёсий жиҳатдан мавқеи юқори бўлишини таъминларди. Ҳаттоки Фарбий Турк хоқонлиги 650 йилларнинг охиридан бошлаб Хитойга қарам ва хоқонлик ҳукмдорлари империя қўл остидаги “қўғирчоқ хоқонлар”га айланиб қолган бир паллада, яъни Чоч бевосита хоқонлик орқали Хитой назоратида бўлиши давомида ҳам хоқонлар бу ернинг бошқарувида тудунларга таянган кўрилади.

Чоч тегинлари сулоласи эса воҳанинг маҳаллий ҳукмдорларига айланиб улгургани учун хоқонлик бошқа вассалларга жорий қилинган усул, яъни маҳаллий ҳукмдорга *элтабар* унвони бериш ва унинг назоратига *тудун* тайинлаш усулидан Чоч бошқарувида ҳам фойдаланганга ўхшайди. Бу фикр, бироз қуйида кўриб ўтиладиган Чоч тегинлари сулоласига тааллуқли тангалардагига ўхшаш тамга билан зарб қилинган тангаларда *c'cyнк ѳѳѳѳ tk'/ynk' ryttyr* - “Чоч ҳукмдори тегин (?) / йанга-элтабар”) жумлаларининг учрай бошлашида ўз тасдиғини топади. Яъни хоқонлар бошқа вассаллар қатори Чоч тегинларига ҳам *элтабар*

¹ Бичурин, I:299300.

унвонини тақдим этган кўринади. Баъзи тадқиқотчилар “Тан шу” йилномасида учрайдиган айрим маълумотлар асосида 714 йилда Хитойга қарашли *Бэйтин* (Бешбалиқ) шахрини эгаллаш учун Қапаған Бекчўр хоқон (Мо-чжо; 691 – 716) томонидан юборилган ўғли шахзода Тўнга Тегин қўмондонлигидаги Турк хоқонлиги қўшинлари бошида Чоч хукмдори *Қабар Элтабар ҳам бўлганини таъкидлайдилар¹. Бундан кўринадики, Чочда анча вақтгача *тегин*, *тудун* каби хоқонликка хос унвонлар билан бирга *элтабар* унвонини ҳам қўлланилишда давом этган. Агар *элтабар* унвонининг вассаллар бошқаруви учун хоқонлик томонидан 620 йилларда жорий қилингани ҳисобга олинса, ушбу унвон Чоч воҳаси бошқарувида қарийб юз йил мобайнида қўлланилган бўлиб чиқади. Шу ўринда, *элтабар* унвонли Чоч тангаларида ушбу унвон олдида жой олган иборанинг ўқилиши мунозарали эканини, уни *tk'* ёки *ynk'* шаклида ўқиш масаласи тўлалигича ҳал этилмаганини айтиб ўтиш зарур. Агар бу тип тангаларда *ynk' ryttyr* (йанга элтабир/элтабар) шаклида қадимги туркча эпитетли унвон акс этганлиги ўз исботини топса², унда биричисини “фил” (ҳайвон) маъносидаги қадимги туркча *јаңа/уаңа* (вар. *јаңан, јаған*) сўзи билан тенглаштириш мумкин. Шу тариқа ушбу атамани қадимги турклар эътиқодича, кучли ҳайвонлар ҳисобланган *арслон*, *буғра*, *бури*, *тўнга* (қоплон), *барс* каби Турк хоқонлиги унвонлар тизимидан жой олган эпитетлар қаторига киритиш мумкин. Дарвоқе, хоқонликнинг унвонлар тизимини деярли тўлақонли давом эттирган Қорахонийлар давлатида ҳам *йаған* “фил” маъносидаги эпитет сифатида учраб, унинг *уаған-һан*, *уаған/уаңа/уаңан-тегин* каби мисоллари мавжуд³.

Энди, нега араб тилли манбаларда Чоч тудунларининг “Шош хукмдори” тариқасида учраши масаласига тўхталсак. Фикримизча, бу масалани икки хил изоҳлаш мумкин: 1) араб истилоси арафасида уларга қарши турган кучларнинг бошида *тудун* турганлиги боис муаллифлар уларни “*тудун малик аш-Шош*” (Шош хукмдори тудун) деб аташган; 2)

¹ Beckwith, 1987/1993:79.

² Бабаяров, 2007:42. Мазкур тангадаги биринчи сўзни муаллиф *tk'* шаклида ўқиган ва нумизмат А.В. Кузнецов билан биргаликда уни *тегин* унвонининг қисқарган шакли, деб ҳисоблаган эди (Шагалов, Кузнецов, 2006:129 – 130). Бирок Н. Симс-Вильямс муаллифларга ёзган электрон хатида унинг палеографик шакли *ynk'* тарзида эканлиги ва қадимги туркий *уаңа* унвони билан алоқадор бўлиши мумкинлигини илгари сурганини айтиб ўтиш зарур.

³ Кочнев, 2006:28.

арабча маълумотлар анча кейинги даврларда ёзилгани сабабли улар учун *тегин* ва *тудун* фарқи билинмаган ёки уларга кўпроқ *тудунлар* ҳақидаги хотиралар маълум бўлган.

Шу ўринда Чоч тудунларининг келиб чиқиши масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Ушбу сулола вакиллариининг туркий бўлганлиги ҳақида ҳеч бир тадқиқотчи шубҳа билдирмайди. Фақат уларнинг Турк хоқонлиги билан алоқадорлик даражаси қандай бўлганини аниқлаш қийин. Шу ҳам борки, *тудун* унвони кўпроқ *Ашина* хонадонига бўйсунувчи туркий уруғлардан чиққан вакилларга бериларди. Бир қатор тадқиқотчилар Чоч тудунлари ичида *Ган тудун* (*Тун тудун*)нинг тўлиқ исми хитой йилномаларида *Ган тутун шэшэти юй кюе чжао му дуду* (*Тун тудун шэшэти Ўга Кул чжао му Тутук) тарзида учрашига ва унинг исми таркибидаги *шэшэти* хитой манбаларида қайд этилган ғарбий турк уруғларидан бирининг номи эканлигига қараб, Чоч тудунларини мазкур уруққа мансуб бўлсалар керак, деб ҳисоблайдилар¹. Бизнингча ҳам, VII аср иккинчи ярми – VIII аср ўрталаригача Чочда хукмронлик қилган тудунлар битта сулолага мансуб бўлишган. Шэшэти уруғи вакиллари эса Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлиб, хоқонликнинг асосий таянчи ҳисобланган “*Ўн Ўқ*” қабила иттифоқини ташкил қилувчи *дулу* ва *нушиби* қабилалар иттифоқидан *дулу* қабиласига мансуб эди. Мазкур уруғ вакиллари Еттисувда истиқомат қилишарди². Эҳтимол, Еттисувга жануби-ғарбдан яқин қўшни бўлган Чоч воҳасида ҳам *шэшэти* уруғи вакиллари яшашгандир. Демак, Чоч тудунларини *Ашина* хонадонига иттифоқчи уруғлардан бирига мансуб, деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда Чочнинг бошқарувчи сулолалари билан боғлиқ яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур. Америкалик тадқиқотчи Ж. К. Скэфф Чоч тудунларининг туркий эканлиги ва бу улардан бир қанчасининг исми туркийлигида ҳам кўзга ташланишини ёзиш баробарида, хитой йилномаларида *Инай тудун Кюелэ* (*Цзюйлэ*) шаклида учрайдиган Чоч хукмдори исмининг туркий эмаслигини таъкидлайди³. Аслида, ушбу исмдаги *Кюйлэ* Турк хоқонлиги иерархиясида кўп учрайдиган эпитет-

¹ Малявкин, 1989:166, 270, к. 638; Skaff, 2002:103, n. 23.

² Бигурин, I:289.

³ Skaff, 2002:103, n. 23.

исм бўлмиш қадимги туркча *külüg* – “шон-шарафли, машҳур, донгдор”¹ сўзининг хитойча берилишидир. Бундан ташқари, бу давр тибет манбалари бўйича йирик мутахассис К. И. Беквис фикрича, ушбу Чоч муовин/ёрдамчи ҳукмдорининг исми туркий бўлиб, унинг асли Инал Тудун Кулуг шаклида тикланади². Хуллас, Чоч тудунаарининг деярли барчаси туркий исмга эга бўлишган, яъни: Ган тутунь (Тун тудун³; 658 й.), Мо-хэду тутунь (Баҳодур тудун; 713 – 740 йй.), Инай тутунь Кюелэ (Инай тудун Кулуг; 740 йй.)⁴.

Бу давр Чоч ҳукмдорлиги бошқарув тизимида мавжуд унвонларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Турк хоқонлиги бошқарув тизимида хос анъаналар воҳа бошқарувида ҳам бирмунча ўз аксини топган. Аввало, ёзма манбалар ва нумизматик материалларнинг бир-бирига мос келиши, яъни воҳада *тегинлар* ва *тудунлар* бошқарувининг мавжудлиги буни тасдиқлайди. Шунингдек, хитой ва араб манбаларидан маълум бўлишича, воҳада хоқонликка хос *шад* ва *тархон* унвонлари ҳам амалда бўлган. Хитой йилномаларидан аён бўлишича, Ғарбий Турк хоқонлигининг сўнги мустақил ҳукмдорларидан бири, Истами ябғунинг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Ашина Хэлу (Улуг) ва унинг ўғли Шиюнь 657 йилда Тан империяси лашкарбошиси Су Дин-фан томонидан тор-мор этилгач, паноҳ истаб *Ши* (Чоч) ҳукмдори Шу-жу шад (Бичуринда: Шу-нэу Ше⁵) ҳузурига сифинишади⁶. Улар Чочда эканлигида Суду (Шутуркат (?)) шаҳрининг ҳокими Инал тархон (*хит.* Инйе Дагань)нинг олдида боришади. Бошида ота-болани яхши кутиб олган Инал тархон кейинчалик уларни ушлаб, Шу-жу шадга топширади. Ўз навбатида, Шу-жу шад Ашина Хэлу ва унинг ўғлини хитой генерали қўлига топширади, генерал эса уларни Хитой императори ҳузурига жўнатади. Ушбу маълумот-

¹ ДТС, 1969:326.

² Beckwith, 1987/1993:124.

³ *Ган тудун* – А. Г. Малявкиннинг фикрича, ушбу исмининг туркийчаси Тон тудун (Малявкин, 1989:270). Ю. А. Зуевга кўра эса Ган тудун исмининг маҳаллий асли Канг-тудун бўлиб, Қанг давлати номи билан алоқадор (Зуев, 2002:101). Бироқ Ю. А. Зуевнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Сабаби бу воқеа Қанг давлатидан анча кейинги пайтга тўғри келганидек, Канг (Қанг) ва Ган (аслида, тон/тун) атамалари хитой йилномаларида бутунлай фарқли иероглифларда ифодаланган.

⁴ Бичурин: II:313 – 314; Chavannes, 1903:140; Малявкин, 1989:270; Смирнова, 1981:431.

⁵ Бичурин, I:292.

⁶ Ogel, 1963:42.

дан кўринадики, *шад* унвонли ҳукмдор Чочнинг асосий бошқарувчиси бўлган, *тархон* эса воҳадаги шаҳарлардан бирининг бошқарувчиси сифатида ушбу ҳукмдорга бўйсунган. Мазкур Шу-жу шад Чочда 605 йилдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган *Тегинлар* сулоласига мансуб бўлганлиги эҳтимоли юқори. Зеро, Турк хоқонлиги даврида *тегин* ва *шад* унвонлари фақат хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига мансуб амалдорларга, аниқроғи, шаҳзодаларга нисбатан қўлланилгани назарда тутиладиган бўлса масала янада ойдинлашади. Масаланинг яна бошқа бир аҳамиятли томони шундаки, Чоч ҳукмдорларининг бу пайтга келиб хоқонлик бошқарувида учинчи ўринда турадиган *шад* ва *тегин* унвонларига эга бўлишидир. Боиси, бу вақтда ушбу унвонлар хоқонликнинг марказий бошқарувидан ташқари, воҳа ҳукмдорликлари орасида фақат Фарғона (?)¹, Тўхористон ябғулиги (620 – 750), Кобул тегиншоҳлари (640 – 843) сулоалари бошқарувида мавжуд эди². Фикримизча, ушбу ҳукмдорликлар бошқарувчилари Ашина хонадонига мансуб бўлганликлари сабабли мазкур унвонларни олиш ҳуқуқига эга бўлишган.

Аслида, Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг марказий бошқарувида хос бўлган *шад* унвони, асосан, хоқонлик хонадонига мансуб шаҳзода – тегинларга нисбатан қўлланилган, улар мустақил ўз қўшинига эга бўлиб, бирор ўлкага ноиб қилиб тайинлангач, *шад* деб атала бошлаганлар³. Демак, Чочнинг бош ҳукмдорлари Ашина хонадонига мансуб бўлганликлари учун ҳам *тегин* ва ундан юқорироқ турувчи *шад* унвонини олишга ҳақли бўлишган.

Кейинги йилларда кўплаб нумизматик материалларнинг топилиши ва уларнинг муваффақиятли равишда ўқиб чиқилиши ҳамда ёзма манбалар билан солиштирилиши Чоч воҳаси илк ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий

¹ Фарғона бошқарувида *тегин* унвони учрашининг далили сифатида кўйидаги маълумотни келтириш мумкин: араб тарихчиси Ибн Халликоннинг "Вафайот ал-азён ва абнау ал-замон" асарида келтирилган шажарада асли фарғоналик Миср Ихшидийлари сулоласи вакиллари исмлари орасида "тегин" ва "хоқон" унвонлари исм сифатида учрайди, яъни Тугуч ибн Чук ибн Йелтегин / Элтегин Ахшид ибн Фурон / Бурон ибн Фури / Бури ибн Хогон / Хоқон (Togan, 1981:178179, 431). шунга асосланиб, Ашина хонадонининг Фаргонани бошқарган тармоғи вакиллари *тегин* унвонига эга бўлишган, деб тахмин қилса бўлади. Дарвоқе, хитой йилномаларида 630- йиллар атрофида Боханна (Фарғона) бошқарувида ашина хонадони вакиллари утирганига доир ишоралар бор (Бичурин, II:319; Chavannes, 1903:148).

² Бобоёров, 2003:3 – 10.

³ Togan, Kara, Baysal, 2006:80.

тарихининг бир қанча масалаларини ҳал қилишда катта ёрдам беряпти. Хусусан, уларга таяниб, VI – VIII асрларда Чочни бошқарган сулоалар, уларнинг этник келиб чиқиши, эга бўлган унвонлари, ҳукмдорларнинг бошқарув йиллари каби масалалар ўз ечимини топа бошлади. Кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилаётган тангаларнинг катта қисмини туркий *тегин*, *элтабар* ва *тудун* унвонли тангалар ташкил қилиши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, олд томонида узун сочли ҳукмдор тасвири, тескари томонида эса суғдий ёзувда *ZNH pny tk'un c'synk ʁwβw* ёки *ZNH pny tkyn c'synk ʁwβ* – “Бу танга Чоч ҳукмдори тегинга оид” (I. Расм, 1 – 2, 3 – 4) ва *pny tk'/ynk' rʁtʁyr c'synk ʁwβw* – “Чоч ҳукмдори тегин (?) /йанга-элтабар тангаси” иборалари акс этган тангаларнинг бир неча вариантлари учрайди (қар. I. Расм, 5 – 6). Шунингдек, унг томонида тож кийган ҳукмдор тас-вири, орқа томонида эса VII – VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларида кўп учрайдиган паншахасимон тамға ва унинг атрофида *stery tδwn c'synk ʁwβ* – “Чоч ҳукмдори Тудун Сатачари” (II. Расм, 1-2) жумлалари акс этган тангалар ҳам воҳа тангаларининг катта бир қисмини ташкил этади. *Тудун* унвонли тангалар сирасига тасвири, бир томонида паншахасимон тамға, бошқа томонида эса *ʁwβ tδwn knwn βγ'nwt* – “Илоҳий қонун таянчи ҳукмдор тудун” (II. Расм, 7 – 8) ҳамда аверсада узун соқолли европоид инсон қиёфасини эслатувчи бош кийим кийган монголоид юзли ҳукмдор ва реверсада паншахасимон тамға ва унинг атрофида *c'synk ʁwβ tδwn* – “Чоч ҳукмдори тудун” (II. Расм, 34) иборалари жой олган тангаларни киритиш мумкин. Ушбу тангаларда *c'synk* (луғ. “Чочнинг, Чочга хос”) сўзларининг учраши уларни зарб қилдирган ҳукмдорлар Чоч воҳасининг асосий бошқарувчилари бўлганидан дарак беради.

Шу ўринда, воҳа тарихи билан боғлиқ яна бир масалага тўхталсак. Аввало, Турк хоқонлиги даврида воҳада *тегин* ва *тудун* унвонли туркий сулоалардан бошқа маҳаллий сулола ҳам бўлганми ёки мазкур сулоалар вужудга келиши билан уларнинг ҳокимиятига барҳам берилганми каби саволлар ҳам ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан биридир. А-14 рақамли суғдий ҳужжатдаги *c'synk ʁwβw* (“Чоч ҳукмдори”) ибораси айнан қайси Чоч ҳукмдорига тегишли – бу ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан. Агар ҳужжатдаги “тудун” ва хитой йилномаларида келтирилган иккинчи даражали ҳукмдор *Shi-guo Fu-Wang t'u-tun* битта

рий айни шу ҳукмдорни “Шош подшоҳи” ва “тудун” деб аташени мисол қилиб келтиради¹. Бироқ юқорида кўриб ўтилганидек, ҳар иккала олимнинг ҳам фикрлари мунозарали бўлиб, айнан сугдий ҳужжат ёзилган пайтда воҳада, асосан, иккита сулола етакчилик қилишган, яъни *Чоч тегинлари* – бош, *Чоч тудунлари* – иккинчи даражали сулола эди. Фақат ҳокимият *Тудунлар* сулоласи қўлида бўлиб, *Тегинлар* эса кўп йиллардан бери қонунан Чочнинг бошқарувчилари бўлганликлари учун бош сулола ҳисобланар, ҳокимиятга даъвогарлик эса номига эди. Шу билан биргаликда, афтидан, воҳанинг хоқонликкача бўлган маҳаллий сулоласи ҳокимияти ҳам сақланган бўлиб, ушбу сулола вакилларининг бошқаруви рамзий маънода эди.

Чочнинг исломдан аввалги ҳукмдор сулолалари ҳақида сўз юритилганда, кўпчилик тадқиқотчилар бирёқламаликка йўл кўйишган, натижада бу воҳа сиёсий тарихига доир бир қатор янглиш фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Жумладан, В. А. Лившиц А – 14 рақамли сугдий ҳужжатни таҳлил қилиш мобайнида Э. Шавани томонидан ўтирилган хитойча маълумотлардаги *Shi-guo Fu-Wang t'u-tun* – “Чоч ҳукмдори муовини тудун” иборасини тўлиқ олган ҳолда, *Shi-guo Wang T'ele*, яъни “Чоч ҳукмдори Тегин” жумласидаги² “тегин” сўзини тушириб қолдирган³. Э. Шаванн томонидан илмий муомалага киритилган ушбу маълумотдан тўлиқ фойдаланган О. И. Смирнова эса ўз тадқиқотининг “VII – VIII асрлар Ўрта Осиё сулолаларининг синхроник жадвали” қисмида Чоч ҳукмдорлари сифатида дэлэ (тегин) ва тудун – “вице-король” ҳақида маълумотга эътибор қаратган⁴. Хитой йилномаларидаги “дэлэ” (тегин) ни 713 – 740 йилларда Чоч ҳукмдори сифатида қайд этилган *Мохэду тунунь* (Баҳодур тудун) билан бир шахс, деб янглиш фикр юритганини ҳисобга олмаганда, О. И. Смирнова ўзининг кейинги ишларида тудун Чочнинг “иккинчи мавқедаги” ҳукмдори сифатида қайд этилганини таъкидлаши диққатга сазовордир⁵. Бироқ олиманинг бу фикрлари анча

¹ Кляшторний, 1964:160.

² Chavannes, 1903:142, n. 1; Chavannes, 1904:67, 69 – 70, 74, 92.

³ САГМ, II:82-84.

⁴ Смирнова, 1970:287.

⁵ Смирнова, 1981:52, 430-431.

йилларгача эътиборсиз қолдирилди ва натижада бу масала ўз ечимини топмасдан келди. Ҳатто кейинги йилларда исломдан аввалги Марказий Осиё тарихига доир ўз тадқиқотларини эълон қилган З. Штарк ҳам Э. Шаванн келтирган мазкур маълумотга тўхталиб, *тудун* ҳақидаги маълумотни тулиқ келтирса-да, *Shi-guo Wang T'ele* иборасидаги *T'ele* (тегин)ни тушириб қолдириб, *Shi-guo Wang* тарзида берди¹. Биз ўз тадқиқотларимизда унинг бу ишини қусурли ҳисоблаб, танқидий ёндашганимиздан сўнг², у ўз тадқиқотида хитой йилномаларида 742 йилда Чоч ҳукмдорларидан бири *тегин* унвони билан учрашини қайд эта бошлади, фақат уни туркий деб ҳисоблашимиз мунозарали экани ва Чоч ҳукмдорининг ушбу унвонга эга бўлиши ўша даврнинг “мода унвон”лари (*Titelmode*) билан алоқадорлигини таъкидлаб ўтди³. Ҳолбуки, 605 йилда Турк хоқонлигининг воҳага *тегин* унвонли бир ноиб юборганлиги (Тегин Тянчжи), VII – VIII асрларда зарб қилинган Чоч тангаларининг катта бир қисмида ушбу унвон ўрин олганлиги (*c'cynk γωβw tk'yn*), улардаги ҳукмдор тасвирининг туркий қиёфадалиги, тамга шаклининг Фарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги тамгага ўхшашлиги ($\text{ᠰ} / \text{ᠰᠡ} - \text{ᠰᠢ} / \text{ᠰᠣ}$) каби далиллар бу даврда воҳада бош сулола сифатида *Тегинлар* сулоласи турганлигини ва улар келиб чиқиши жиҳатидан Ашина хонадонига таалуқли эканини кўрсатади. Қолаверса, хитой йилномаларида ушбу унвонни фақат Турк хоқонлиги бошқарувчи хонадони вакиллари, яъни Ашина сулоласига мансуб шаҳзодалар олиш ҳуқуқига эга бўлгани таъкидланади⁴. З. Штаркнинг мазкур фикри Турк хоқонлиги даврида бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг *тегин* унвонида қайд этилишига таянилган бўлиб, тадқиқотчи шу туфайли ҳам ушбу унвонни “мода унвон”лар тоифасига киритган бўлса керак. Фақат манбаларни синчиклаб ўрганиш шундан дарак берадики, мазкур воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларининг келиб чиқиши хоқонликка алоқадор бўлган тақдирдагина ушбу унвонга эга бўлишган. Бинобарин, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, худди шу даврда Чочдан ташқари Тў-

¹ Stark, 2002:374-375, k. 68.

² Бабаёров, 2007:58; Kamoliddin, Babajar, 2008:72.

³ Stark, 2008:225, k. 1250.

⁴ Бичурин, I:229.

хористон, Кобулистон ва Фаргона каби ҳукмдорликлар бошқарувида тегин унвон ёки ҳукмдор исмининг бир қисми тариқасида учрайди. Қолган ҳукмдорликлар унвонлар тизимида бу ҳолат кўзга ташланмайди. Маълумки, 620–йилларда Тўхористонни дастлаб тегин, кейинчалик ябгу унвонига эга бўлган Ашина хонадони вакиллари бошқара бошлаган¹, 627 – 649 йиллар орасида эса Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳокимиятни эгаллаган², 640– йиллар атрофида эса Кобулда туркий Тегиншоҳийлар сулоласи фаолияти бошланган эди³.

Тегин ва тудун бирлиги масаласида яна бир янглиш мулоҳаза Э. В. Ртвеладзе томонидан билдирилган бўлиб, тадқиқотчи О. И. Смирнованинг юқоридаги янглиш фикрини давом эттиради ва хитой манбаларидаги “тегин”ни Инай тудуннинг отаси бўлган, деб ҳисоблайди. Айни тадқиқотчи Чоч тангаларининг бирида, яъни ўртаси квадратсимон тешик тангаларда (қар. I. Расм, 9 – 10) учрайдиган $un'w'yrkyn\ xw\beta$ – “Ҳукмдор Йенчу эл-тегин” жумлаларини $un'w'yrkyn\ xw\beta$ – “ҳукмдор Инау Ильтегин” тарзида хатоли ўқиб, уни Инай тудунга тегишли танга бўлиши керак, деб ёзади⁴.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Чоч тегинлари ва Чоч тудунларининг мазкур тангалари ўзининг иконографик жиҳатлари билан бир-биридан анча фарқ қилади. Хусусан, уларнинг тескари томони (реверс) даги тамгалар шакл жиҳатидан умуман бир-бирига ўхшамайди (I. Расм, 1 – 4 – II. Расм, 1 – 8: $\text{ㄆ} - \text{ㄇ}$). Бу эса Чоч воҳаси бошқарув тизимида ўзига хос анъана мавжуд бўлганидан дарак беради. Яъни ҳар бир сулоланинг ўзига хос унвонлари, ҳокимият рамзлари, тамғаси ва ҳоказолари бўлган.

Бу даврдаги мавжуд анъаналарга эътибор қаратмаган Э. В. Ртвеладзе, ўз тамғасига кўра мазкур тангалардан бутунлай фарқ қиладиган бошқа типдаги тангалардан ҳам тегин ва тудун унвонини топишга уринади. Хусусан, яқинда нашр этилган асарида у ㄆ шаклидаги тамғали танганинг бирида $kny\text{c}yr\ \text{c}'\text{c}ynk\ \gamma w\beta w$ – “Чоч ҳукмдори Каничур (?)” ёки $\text{c}'\text{c}yn\ \gamma w\beta w\ kny\text{c}yr\ t(\delta wn)$ – “Чачаний ҳукмдори Каничур т[удун(?)]” жумлала-

¹ Бичурин, II:321322; Таşağıl, 2003:88

² Бичурин, II:319.

³ Inaba, Kuwayama, 1999: 53 – 60; Inaba, 2005: 1 – 5.

⁴ Ртвеладзе, 2006:101-102,117.

рини ўқиган бўлса¹, уларнинг бошқа бир типиди эса *tkyn* – “тегин” унвони учрайди, деб ёзади².

Аслида, мазкур тангаларнинг ўнлаб яхши сақланган нусхалари асосида уларда акс этган суғдий жумла юз фоиз тикланди ва уларда умуман *тегин* ва *тудун* сўзлари йўқлиги аниқланди (қар. III. Расм. 1 – 10). Бу эса Чоч ҳукмдорлари танга зарб қилдиришда маълум бир тизимга амал қилганлиги ҳақидаги фикримизни тасдиқлайди.

Чоч воҳасида мавжуд бўлган сулоалар борасида билдирилаётган баъзи фикрлар масалани ойдинлаштириш уёқда турсин, аксинча, янада чигаллаштиришга сабаб бўлаётганини айтиб ўтиш зарур. Айниқса, Чоч тангалари ёзувларининг ногўғри ўқилиши бу борада янглиш талқинларга олиб келаётгани қўйидаги мисолларда кўзга ташланади. Хусусан, Э. В. Ртвеладзе 𐭪 шаклидаги тамға билан зарб қилинган Чоч тангаларининг баъзи типиди *z/ntk twnwknđ xwβ* – “Тунуканд ҳукмдори Z/N(a)t(a)k” ёки *’yrtntkwyn (?)* жумлаларини ўқиб, Тунуканд сўзини воҳанинг ўрта асрларда марказий шаҳарларидан бири бўлган Тункат билан тенглаштирган бўлса³, кейинчалик эса улар бўйича *tkyn[t]wnwkn xwβ* – “[Ту]нуканд ҳукмдори текин” шаклидаги бошқачароқ ўқишни таклиф қилиб, “текин” сўзи тангада тескари ёзилганини олға сурди⁴. Шунингдек, гадқиқотчининг шунга ўхшаш жумлаларни мазкур тангаларнинг бошқа типларида ҳам кўришга ҳаракат қилганига гувоҳ бўламиз. У дастлабки пайтларда *β/ywr ya/črk č̣čynk γwβw* – “Чоч подшоси Биаруирак (?)”⁵ шаклида ўқиган жумлаларни фарқли равишда *č̣čynu γwβw knučyr t(δwn)* – “Чачан ҳукмдори Каничур т[удун?]” ёки *tkyn knučyrty č̣čynk xwβw* – “Чоч ҳукмдори Текин Каничурт” шаклларида ўқийди ва уларда *тудун* ва *тегин* унвонлари мавжудлигини ёзади. Унинг фикрича, ушбу тангаларда ҳам *tkyn* унвони тескари (зеркально) берилган. Бироқ битта тангадаги жумланинг асосий қисми тўғри ёзилиб, фақат 1 та сўз тескари ёзилиши мантиқан ўзини оқламайди. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида ҳам Чочда, ҳам воҳа шаҳарларидан бирида бир хил унвон билан танга зарб қилдирилиши изоҳ талаб қилади. Шунингдек, *те-*

¹ Ртвеладзе, 2006:73, 78.

² Ртвеладзе, 2006:72, 77.

³ Ртвеладзе, 2002:47-48, 2006:71-72, 77.

⁴ Шагалов, Кузнецов, 2006:173.

⁵ Ртвеладзе, 2002:47, 48.

гин унвонли ҳукмдорларнинг биргина воҳанинг ўзида ҳам \mathfrak{Z} шаклидаги тамга билан, ҳам \mathfrak{Z} шаклидаги тамга билан танга зарб қилдириши мумкин эдимиз? Ёки *тудун* унвонини \mathfrak{Z} шаклидаги тамга акс этган тангалардан топишга ҳаракат қилиш қанчалик мангиқли? Агар тадқиқотчининг фикрларига қушиладиган бўлсак, ўша пайтда танга зарбида муайян бир қоидага амал қилинмаган, хоҳлаган ҳукмдор ёки ҳоким истаган унвонини тангада бостираверган бўлиб чиқади.

Аслида, ўша даврдаги бошқарув тизимининг ўзига хосликларини инобатга олмаслик бу каби чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Нафақат Чоч, балки Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм каби минтақадаги барча воҳа ҳукмдорликларининг ўзига хос ҳокимият рамзлари – тамгалари мавжуд бўлиб, улар шаклан бир-биридан фарқ қилган. Ҳатто ягона конфедерация – Суғд таркибидаги Самарқанд, Панжикент, Кеш, Нахшаб каби майда ҳукмдорликларнинг ҳар бирининг ўзига хос тамгалари бўлган¹. Фақатгина танга-пуллар эмас, археологик қазиишмалар туфайли топилаётган сопол буюмлар ва металл идишлар сиртидаги тамгалар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Кейинги йилларда Чоч тангалари орасида *пну tk'(?) / ynk' ryttypy c'syнк yиβw* – “Чоч ҳукмдори тегин (?) / йанга элтабар тангаси”² жумлалари билан зарб қилинган тангалар ҳам аниқланган бўлиб³ (I. Расм, 5 – 6), мазкур тангадаги ёзув бир вақтлар В. А. Лившиц томонидан *y(w) zttypy c'c(n)ynk MYR'Y* – “Чоч ҳукмдори Ўазатпир” тар-зида ўқилган ва унинг бундай ўқиши бир қатор тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган эди⁴. Уларнинг фикрича, Чоч ҳукмдорининг исми сифатида бўлган Ўазатпир сўзини “илоҳга ишонувчи”, “илоҳга иймонли” (В. А. Лившиц) ёки “Ўазатга сизинувчи” (М. Исҳоқов) маъносида изоҳлаш мумкин⁵. Бироқ айнан бу типдаги тангаларнинг кўплаб яхши сақланган

¹ Смирнова, 1981:2050; Бобоёров, 20, 39.


² Бабаяров, 2007:42; Babayar, 2006:63-64.

³ Элтабар унвонли мазкур Чоч тангаларида ушбу унвон олдида жой олган иборанинг ўқиши мунозарали бўлиб, уни *tk'* ёки *ynk'* шаклида ўқиш масаласи тўлалигича ҳал этилмаган. Агар бу типдаги тангаларда *ynk'* гурутруг (йанга-элтабар) шаклида қадимги туркча эпитетли унвон акс этганлиги ўз исботини топса, унда биринчисини “фил” (хайвон) маъносидаги қадимги туркча *јапа/уаја* (вар. *јајап, јауап*) сўзи билан тенглаштириш мумкин.

⁴ Исҳоқов, 2002:57-59; 7-59; Ртвеладзе, 2006:83-84.

⁵ Исҳоқов, 2002:57-59.; Ртвеладзе, 2006: 83 — 84.

нухаларини таққослаган ҳолда тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, В. А. Лившиц томонидан билдирилган мазкур таклиф янглиш бўлиб, уларда $y(w)ztpyr c'c(n)ynk$ MYR'Y сўзлари мавжуд эмас. Шунингдек, Э. В. Ртвеладзенинг бу тип тангалардаги ёзувларни $yr/k nk, [x]βw pyr k$ - "ҳукмдор Пирак" ёки $pyrk$ - "Прик" (?), $[xw]βw s/syrδwk$ - "ҳукмдор Ширдак (?)" шаклларида ўқиши ва Йазатпир, Пирак, Ширдак каби исмларни эроний тилларга хос Чоч ҳукмдорларининг исми шаклида талқин қилишига ҳам қўшилиб бўлмайди¹. Чунки ушбу тангалар синчиклаб текширилганда, улардан бирортасида бундай исмлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Қолаверса, бу даврга тааллуқли бирон-бир ёзма манбада шу ёки шунга ўхшаш бирор Чоч ҳукмдори исми учрамайди.

Нумизмат А. В. Кузнецов фикрича, мазкур тангадан жой олган $py tk' rytpr c'synk γwβw$ - "Чоч ҳукмдори тка ритпир (=элтабар) тангаси" жумласидаги $tk' rytpr$ сўзини "тегин элтабар" шаклида талқин қилиш керак. Унга кўра tk' сўзи туркий "тегин" унвонининг тангалардаги қисқарган шакли бўлиши мумкин. Бизнингча, бир қарашда унинг фикрида жон бордек туюлади. Агар хитой йилномаларидаги Тун ябғу-хоқон ҳукмронлиги даврида Ғарбий Турк хоқонлигига тобе воҳа даваатларининг маҳаллий ҳукмдорларига "элтабар" унвони берилгани ҳақидаги маълумотларга диққат қилинса, Чоч тангаларида маълум муддат $tk' rytpr$ - "тка (=тегин-элтабар)" тарзидаги қўшалоқ туркий унвон акс этган, деб тахмин қилиш мумкин. Бунга $ZNH pny tkyn c'synk γwβ$ - "Бу танга Чоч ҳукмдори тегинга оид" жумалари акс этган тангалардаги тамға билан $pny tk' rytpr c'synk γwβw$ - "Чоч ҳукмдори тегин (?)/йанга элтабар тангаси"даги тамгаларнинг бир хилиги ва иккала танга аверсидаги ҳукмдор тасвирининг деярли бир эканлиги ҳам далил бўла олади (таққосланг.  I. Расм, 1 - 6). Айтиш мумкинки, мазкур $тка$ (=тегин(?)-элтабар) унвонли тангалар Чоч тегинлари сулоласи вакиллари томонидан қисқа бир муддатда (эҳтимол, Тун ябғу-хоқон даврида) зарб этилган бўлиши мумкин. Бироқ бироз қуйида кўриб чиқиладиганидек, $rytpr$ (элтабар) унвонидан олдинги сўзнинг ўқиши ҳозирча муаммоли бўлиб, уни $тегин$ эмас, $йанга$ (қад. турк. $йанга$ "фил" эпитети) шаклида тиклаган маъқулга ўхшайди.

О. И. Смирнова томонидан $γwβw tr'βc, tr'β'$ ёки $tr'/nβ'$ ($tr'/nβc$) шаклида ўқилиб, ёзувнинг иккинчи қисми Тарнавч шаклида тикланган ва

¹ Ртвеладзе, 2006:80 - 84.

жой номи сифатида қаралган¹ ўнг юзасида барс, тес-кари томонида эса паншаха шакли тамга (Ф) акс этган тангаларнинг талқини диққатга сазовордир (I. Расм, 11 – 12). Бу тип тангаларнинг ўқилиши ва талқини шу пайтгача мунозарали бўлиб, олиманинг ўзи 1980- йилларда аввалги ўқишларидан воз кечган ва танга ёзувининг иккинчи қисмини *trnβ'/n*, *tr'β'/n* ёки *trny'* шаклида ўқиш мумкинлигини таклиф қилган, бироқ бу ўқишлардан ҳам арзирли маъно чиқмаслигини таъкидлаган эди². Шунга қарамай, бу типдаги тангаларни Тарнавч ёки шунга яқин шаклда ўқиб, унга унвон ёки исм сифатида қараш (Э. В. Ртвеладзе) ва “Тарнавч тангалари” деб номлаш кўп йиллар давомида тадқиқотчилар томонидан давом эттириб келиняпти³. Яқин йилларда томонимиздан бу тип танга ёзувлари сўроқ ишорати остида *γβw tk'yn* – “ҳукмдор тегин” (?) тарзида ўқилган бўлиб, унда туркий *тегин* унвонининг учраши бу борада бир қатор мунозарали масалаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Чунки Чоч воҳасининг *тегин* унвонли бошқа тангаларидан ўрин олган **ᚾ** шаклидаги тамганинг мутлақо бошқача шаклда эканлиги “нега битта сулола икки хил тамгада танга зарб қилган”, деган саволни келтириб чиқарди. Эҳтимол, Чочнинг бош сулоласи бўлмиш *Тегинлар* ҳокимияти остидаги воҳанинг бирор кичик сулоласи вакиллари тобелик аломати сифатида улар номидан ушбу унвонда танга зарб қилдиргандир. Бироқ атрофлича ўрганимаганлиги боис, ҳозирча бу масала очиқ қолаётир. Кези келганда айтиб ўтиш зарур, А. А. Мусакаева бу турдаги тангалардан бир қанчасининг ёзувидан чизма олган бўлиб, уларнинг палеографияси *тегин* ўқиш мантиқли эканлигини кўрсатади⁴. Аммо тадқиқотчининг ўзи уларни “Трабан ҳукмдори” ёки “Трабн ҳукмдори” шаклида ўқишни маъқул топади ва уни воҳанинг қадимий шаҳарларидан бири Тарбанд⁵ билан тенглаштиришга интилади.

¹ Смирнова, 1963:33.

² Смирнова, 1981:51.

³ Ртвеладзе, 1982:000; 2002:247; 2006:55; Шагалов, Кузнецов, 2006: 235 – 236.

⁴ Богомолов, Мусакаева, 2007:72 – 73.

⁵ Шу ўринда Г. И. Богомолов ва А. А. Мусакаева Тарбандни Утрор воҳасидан эмас, Чоч воҳасидан қидиришни маъқул кўришаётгани ва бу тип тангаларнинг тарқалиш ареалидан келиб чиқиб, уни воҳанинг маркази бўлган, деб ҳисоблашаётганини айтиб ўтиш зарур (Богомолов, Мусакаева, 2007:73). Бироқ нумизматик материаллар бундай кескин фикр чиқаришга имкон бермайди. Чунки Чоч воҳасининг бошқа унвонларда (*тегин*, *тудун* ва ҳк.) бостирилган тангалари ҳам воҳанинг бир неча унлаб шаҳар харобаларидан бу тип тангалар билан бирга топилган. Қолаверса, танга ёзувининг Трабан ёки Трабн тарзида ўқилиши мунозарали бўлиб, уларни Тарбанд шаклида тиклаб бўлмайди.

Шундай қилиб, кейинги йилларда яхши сақланган кўлаб Чоч тангаларининг топилиши ва муваффақиятли равишда ўқиб чиқилиши воҳанинг танга зарби борасидаги турли мунозарали фикрларга барҳам бериш баробарида, Чоч ҳукмдорларининг қандай унвонларга эга бўлгани масаласига ҳам ойдинлик киритмоқда. Таъкидлаш жоизки, Чоч тангалари бўйича узоқ йиллар тадқиқот олиб борган Э. В. Ртвеладзе 1982 йилда эълон қилган мақоласида қуйидагича ёзган ва бу фикр кейинги тадқиқотларида давом этган ҳамда бир қатор тадқиқотчилар ишларида ҳам ўрин олганди: “Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, илк ўрта асрлардаги Чоч ҳукмдорларининг унвонлари, асосан, Суғд ҳукмдорлиги таъсири остида шаклланган. Гарчи Чоч ҳукмдори ёзма манбаларда туркий тудун унвони билан тилга олинганлиги эҳтимоли юқори бўлса-да, ушбу унвон Чоч тангаларида учрамайди. Тўғри, О. И. Смирнова тангаларнинг битта типиди $\gamma w\beta(w)$ сўзидан кейин $t\delta wn$ унвонини ўқиган ва ушбу тангани зарб қилдирган ҳукмдорнинг қўшалок унвон, яъни суғдий-туркий – $\gamma w\beta(w) t\delta wn$ унвонига эга бўлганини таъкидлаган эди. Бироқ унинг бу ўқиши нуқсондан холи эмас, агар бу ўқишлар тўғри чиққан тақдирда ҳам, умумий ҳолатга таъсир қилмайди. Чунки бу тип тангалар истисно тариқасида жуда кам учрайди”¹. Шу ўринда унинг фикрини қўлаб-қувватлаган М. И. Филанович Чоч тангаларида умуман туркий унвон учрамаслигини таъкидлаб ёзганди². Фақат кейинги йилларда Э. В. Ртвеладзе Чоч тангаларида туркий *тегин* ва *тудун* унвонлари учрашини эътироф этиб, бу борада ўз фикрларини билдириши диққатга сазовордир³. Шунга қарамасдан, Чоч воҳаси тарихи билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётган Ю. Ф. Буряков, Г. И. Богомолов, А. А. Мусакаева каби мутахассислар Чоч воҳаси тангаларида кўлаб туркий унвонлар учрашига етарлича эътибор бермасдан, воҳа тарихига доир бошқа тадқиқотчилар томонидан билдирилган эски фикрларни давом эттиряптилар. Ваҳоланки, кейинги йилларда қўлга киритилган нумизматик материаллар ва уларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида Чочнинг илк ўрта асрлар тарихи бўйича собиқ советлар даврида олиб борилган тадқиқотларнинг анча эскиргани ва кўпчилиги янглиш


¹ Ртвеладзе, 1982:38; Rtveldadze, 1997/98:323; 2002:56, 118.

² Филанович, 1995:109.

³ Ртвеладзе, 2006:58, 78-86, 101-102; Кузнецов, Шагалов, 2006:111-113, 116, 122, 125, 211, 264.

экаи аён булди. Жумладан, муаллиф томонидан унлаб типдаги Чоч тангаларида *хоқон, жабгу, жабгу-хоқон, тегин, элтабар, тудун* каби 6 хил туркий унвон аниқланди ва улар етук европалик (Н. Симс-Вильямс, В. А. Лившиц, П. Б. Лурье) ва япон сугдшунослари (Ю. Ёшида) томонидан маъқулланди. Бунга қўшимча равишда хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги маълумотлар асосида Чоч бошқарувида нафақат *тегин* ёки *тудун* унвонлари мавжуд бўлганлигида, балки *шад, тархон, чабиш* каби туркий унвонлар ҳам қўлланилганида ҳам ўз тасдиғини топди. Бирок бу давр Чоч тарихининг мавҳум саҳифаларини ёритишда ва мунозарали фикрларни ҳал этишда муҳим ёрдам берадиган маълумотлар Чоч тарихи бўйича мамлакатимизда эълон қилинаётган тадқиқотларга етарлича жалб этилмапти. Бу эса муаммоларнинг янада чигаллашишига сабаб бўлаётир. Шунингдек, Э. В. Ртвеладзе Чоч тангаларининг ўқилиши бўйича билдириляётган таклифларни рад этишга уриниб, “Г. Бобоёров Чоч тангаларида фақат туркий унвонларни кўришга ҳаракат қилади. Унинг ўқишларига қўшиладиган бўлсак, воҳа тангаларида бирорта сугдий исм ва унвонга ўрин қолмайди” мазмуни муносабат билдириши ва тангалар ўқилиши бўйича ўзининг янглиш талқинларини беришда давом этиши¹ воҳа тарихи бўйича янада чалкашликлар келиб чиқишига олиб келаётир, холос.

Агар, ҳақиқатан ҳам, бу давр Чоч тангаларида бирорта сугдий исм ёки унвон учрамаса, у ҳолда бундай исм ва унвонларни тангалардан мажбуран топиш шартмикан?! Ҳолбуки, томонимиздан туркий унвонлар учрамайдиган баъзи Чоч тангалари аниқланган бўлиб, бу бизнинг бир қатор тадқиқотларимизда ўрин олган. Жумладан, *рny 'krty c'cyнк ywβw z/nyrt* – “Чоч ҳукмдори З/Нирт (зарб) қилдирган танга” ёки “Чоч ҳукумдори (зарб) қилган сариқ (мис) танга” (П. Лурье талқини) шаклида ўқилган танга ва шу типдаги тангалар гуруҳи хорижлик тадқиқотчилар томонидан ҳам маъқулланганини айтиб ўтиш зарур².

Хуллас, нумизматик маълумотлардан аён бўлишича, VI–VIII асрларда Чоч воҳаси ҳукмдорларига тааллуқли тангалар асосан 3 гуруҳдан иборат: воҳанинг бош ҳукмдор сулоласи бўлмиш Чоч тегинлари тангалари, тамгаси – ; иккинчи даражали сулола мавқеидаги Чоч тудунлари

¹ Ртвеладзе, 2007:25-27.

² Бабаяров, Кубатин, 2006:313 – 113; Бабаяров, 2007:73-82.

тангалари, тамғаси – Ү; воҳада нисбий ҳокимиятга эга бўлган маҳаллий сулола тангалари, тамғаси – Ҳ. Бундан ташқари, Тошкент воҳасидан топилаётган айнан шу асрларга тааллуқли тангаларнинг тамғасига қараб таснифлайдиган бўлсак, яна 4 та асосий ва уларнинг вариантлари моҳиятидаги тамгалар билан танга зарб қилингани маълум бўлади. Ўз вақтида Э. В. Ртвеладзе илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларида 6 хил тамға учрашини, бу эса воҳада шунча кичик ҳокимликлар – уделлар мавжуд бўлганидан дарак беришини ёзган эди¹. Шунингдек, тадқиқотчи Чоч тангаларида Кабарна, Банокат, Туноканд (Тункат), Фарнкат ва ҳоказо каби жой номларини топишга ҳаракат қилган ва уларни воҳанинг муайян ҳокимликлари – уделларининг маркаслари сифатида талқин қилган эди. Бугунги кунда Чочда зарб қилдирилган тангалар 7 гуруҳ эканлиги аниқланди ва улардан 3 таси бевосита Чоч сулоаларига тегишли (Ҳ, Ү, Ҳ шаклидаги тамға билан), қолган 3 таси эса Ғарбий Турк хоқонлигига оид бўлиб чиқди (Ҳ шакли тамға ва унинг вариантлари: Ҳ, Ҳ ҳамда П, Е шакли тамгалар билан)². Фақат улардан бир гуруҳи (У шакли тамғали) ёзувлари ҳалигача тўлиқ тикланмаганлиги сабабли айнан қайси сулолага тааллуқли экани номаълум бўлиб қолаётир.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, воҳа тангаларида ҳукмдорлик номи сифатида фақат Чоч номи акс этган бўлиб, уларда бундан бошқа бирор шаҳар ёки ҳокимлик номи учрамайди. Бу эса воҳада кичик ҳокимликларнинг ўз удел номлари билан танга зарб қилдиргани ҳақидаги фикрни шубҳа остига қўяди. Айниқса, воҳа тангаларининг бирортасида шу пайтгача айтиб келинаётган Кабарна, Банокат, Туноканд (Тункат), Фарнкат, Чанак, Банак номлари мавжуд эмаслиги бунга яна бир далил бўлди. Тангаларда ушбу номларнинг учрамаслигига Э. В. Ртвеладзенинг ўзи ҳам амин бўлган, шекилли, кейинги йилларда эълон қилган мақолаларида улардан аксариятини эсламай қўйди ва уларнинг урнига аввалгиларидан мутлақо фарқ қилувчи янги ўқишларни таклиф қилди³. Бироқ тадқиқотчи аксарият ҳолларда ўзининг аввалги ўқишларидан воз кечиб, бошқача талқин бериш жараёнида олдинги талқинларининг ян-

¹ Ртвеладзе, 1982:33 – 18; Ртвеладзе, 2002:242-256.

² Бабаяров, 2007:23 – 24, 45, 55, 6970, 80

³ Шагалов, Кузнецов, 2006:70, 80, 151, 170; Ртвеладзе, 2007:23 – 27; Ртвеладзе, 2008:65 – 71.

глиш эканлигига алоҳида тўхталмагани боис, Чоч тангалари бўйича хато талқинлар ҳалигача давом этмоқда¹.

Чоч тангалари билан боғлиқ бошқа бир масалага тўхталсак. Уз вақтида В. А. Лившиц ва Э. В. Ртвеладзе бу давр Чоч тангаларида оромийча *MR'Y* – “ҳукмдор, подшо” – унвони учрашини таъкидлаган эдилар². Бу фикр мазкур тадқиқотчиларнинг тангалардаги ёзувларни нотўғри ўқиганликлари сабабли келиб чиққан бўлиб, юзлаб тангалар таққосланиши натижасида ушбу талқинларнинг аксинча экани аниқланди. Аслида, Уструшона ва Суғд каби Чочга ҳудудий яқин ҳукмдорликлар тангаларида *MR'Y, MLK'* сўзлари ўрин олган бўлиб, улар *афшин, ихшид* каби маҳаллий унвонларни ифодалаш учун ишлатилгани маълум. Демак, Чоч тангаларида ҳар иккала унвоннинг учрамаслиги бу даврда воҳада ушбу ҳукмдорликлардан фарқли унвонлар тизими амал қилганидан дарак беради.

Шу ўринда исломдан аввалги Чоч нумизматикаси ва воҳа ҳукмдорлари томонидан қўлланилган унвонларга доир Ш. Камолиддин томонидан билдирилган баъзи фикрларга тўхталиб ўтсак. Тадқиқотчи Чочнинг туркий ҳукмдорлари тарафидан зарб қилинган тангаларда *жабғу* унвонидан ташқари, *хоқон, тегин, тудун, тархон, шад, тутуқ* каби туркча унвонлар ва сугдийча *хваб* унвони учрашини таъкидлаб, Чоч ҳукмдорлари тангаларида от, отлиқ ва икки ўркачли туя тасвирлари учрашини ёзади³. Бироқ Ш. Камолиддиннинг мазкур фикрларига қуйидагича сабаблар туфайли қўшилиб бўлмайди. Аввало, Чоч тангаларида *тархон, шад* ва *тутуқ* унвонлари умуман учрамайди. *Жабғу* ва *хоқон* унвонли тангалар эса айнан Чоч ҳукмдорларига эмас, балки воҳада

¹ Алимova, Филанович, 2009:27, 135; Филанович, 2009:50; Гринина, 2009:104.

² Ртвеладзе, 2006:62-63, 66, 73, 101. Мутахассислар томонидан йўл қўйилган бу каби хатолар бевосита соҳа мутахассиси бўлмаган тадқиқотчиларнинг янгилиш хулосалар чиқаришига сабаб бўлади. Жумладан, археолог олим, бироқ нумизмат бўлмаган акад. А. Муҳаммаджонов “Турк ябғу хоқони зарб этган тангаларда эса сугдча “Туркиш чачан хоқон ва мрай”, яъни Турк хоқони ва мири маъносидаги ҳам турк ва сугдча маънодаги ёзувлар битилган” деб ёзади (Муҳаммаджонов, 2009:41). Бироқ бу талқин умуман ўзини оқламайди. Аввало, сугдий ёзуви Чоч тангаларида, шу жумладан, Чочда зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида бундай жумла учрамайди. Иккинчидан, сугдий тил қонуниятларига қўра, жумлалар бу тартибда, яъни “Туркиш чачан хоқон ва мрай” шаклида тузилмайди. Дарвоқе, шу ва шунга ўхшаш мисолларни яна бир қатор тадқиқотчилар нашрларида учратиш мумкин (ҳаранг. Камолиддин, 2009:31; Филанович, Алимova, 2009:27, 135).

³ Камолиддин, 2009:31.

ўз тангаларини зарб эттирган Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларига тааллуқлидир. Иккинчидан, гарчи от, отлик ва туя тасвири тангалар воҳада зарб эттирилган бўлса ҳам, улар Чочнинг туркий ҳукмдорларига эмас, балки асосий танга зарби маркази сифатида Чоч воҳасини танлаган Ғарбий Турк хоқонлигига тегишлидир¹. Чочдаги туркий сулола вакиллари эса ўз тангаларини фақатгина *тегин*, *тудун*, *элтабар* каби туркча ва *хваб/хвабу* сингари суғдий унвонлар билан бостиришган². Кези келганда айтиб ўтиш зарур, Чоч тангаларидаги мазкур унвонларнинг бир қисми (масалан *тегин*) томонимиздан аниқланган ва илмий муомалага киритилган бўлса-да, Ш. Камолиддин бу ҳақда изоҳ (ссылка) бермасдан ўтган.

Илк ўрта асрлар Чоч воҳасида кечган сиёсий жараёнлар ва бу ерда мавжуд бўлган ҳукмрон сулолалар тарихига қисқача назар ташлаш шуни кўрсатадики, бу даврда Чоч алоҳида бир сиёсий уюшма, муайян бир воҳа ҳукмдорлиги бўлган. Агар ушбу ҳукмдорлик VII аср биринчи чорагида Тошкент воҳаси ҳудудини ўз ичига олган нисбатан кичик ҳукмдорлик бўлса, айнан шу асрнинг 40–йилларига келгач кучая бошлайди ва VIII аср атрофларида ўз ҳудудини Ўтрор, Исфижоб (Сайрам) ва Тарозга кенгайтирган йирик ҳукмдорлик сифатида ўзини намоён қилади. Маълумки, 630–йиллар атрофида воҳага ташриф буюрган Сюан Цзян (627/629 – 645) ўз қайдларида Чочни нисбатан кичик тарзда 1000 ли кенгликда тасвирлаб, Исфижоб, Тароз, Ўтрор вилоятларини ундан алоҳида қилиб кўрсатган эди³. Бироқ баъзи хитой манбаларида Чоч ғарбдан *Бола* (Фороб-Ўтрор) билан ҳамҳудудлиги қайд этилган бўлса, “Тан шу” йилномасида VIII аср биринчи ярмида Чочнинг шимолишарқий ҳудуди Тароз ва Мингбулоқни, яъни Ғарбий Еттисувни ўз ичига олган ҳудуд сифатида келтирилиши, суғдий А–14 ҳужжатида эса Чоч тудунига Тарбанд (Фороб – Шавгар) қарашли жой сифатида эслатилганини ҳисобга олсак, бу даврда Чоч ҳукмдорлиги ҳудуди анча кенгайганлиги аён бўлади. Демак, VII асрнинг 40–йилларига келиб бу ерда тудунлар фаолият юрита бошлагач, Чоч ҳукмдорлигининг мавқеи ўсган. Аф-

¹Бабаёров, 2007:12-29.

²Бабаёров, 2005:198-200; Бабаёров, Кубатин, 2006:194-198; Бабаёров, 2007:40-45, 52-55, 64-70.

³Зуев, 2002:269-272.

тидан, Ғарбий турк хоқонлиги марказида ўзаро тахт-талашувлар ҳамда Хитой империясининг хоқонлик устидан айнан шу йилларда устунлик ўрнатиши натижасида юзага келган вазиятдан Чоч ҳукмдорлари фойдаланиб қолган кўринади. Хусусан, Чоч тудунининг 640–йилларда Иби Дулу (Элби Тулу) хоқон буйруғи билан хоқонлик маркази Еттисувга бориб, бошқа бир хоқон бўлмиш *Шаболо Шэху* (Ишбара ябғу)ни ўлдирishi натижасида хоқонлик наздида Чоч ҳукмдорлиги мавқеининг ошишига замин тайёрлаган бўлса керак. Бундан ташқари, Чоч ҳукмдорлари Тароз вилоятига меросий мулк сифатида қараган бўлишлари мумкин. Чунончи, милоднинг бошларидаёқ Тароз шаҳри Қанғ давлатининг мулки бўлганлиги маълум¹. Мазкур давлатнинг марказий ҳудудида ташкил топган Чоч ҳукмдорлиги бу даврга келиб ҳам Тарозга меросий мулк сифатида қараган, деб ҳисоблаш мумкин.

Хуллас, юқорида кўриб чиқилган маълумотлар шундан дарак берадики, илк ўрта асрларда Сирдарё – Амударё оралиги ва унга туташ ҳудудлардаги воҳа давлатлари орасида Чоч воҳаси ўз мавқеига эга алоҳида ҳукмдорлик бўлган. Бу пайтда Чочнинг ўз бошқарувчи сулоалари бўлиб, улар минтақа сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишган ва бир қатор сиёсий иттифоқларда иштирок этишган. Хусусан, Ғарбий Турк хоқонлиги сиёсий ҳаётига сезиларли даражада аралашган, Хитой империяси билан элчилик алоқалари ўрнатган, арабларга қарши коалицияларнинг фаол иштирокчисига айланган Чоч ҳукмдорлиги минтақа тарихида ўзига хос ўрин тутган. Айниқса, Чоч билан Ғарбий Турк хоқонлиги орасидаги муносабатлар жуда қалин бўлиб, бу нафақат воҳада хоқонлик билан алоқали равишда иккита туркий сулола ташкил топгани мисолида кўринади, балки бу ер маълум бир муддат хоқонликнинг бошқарув марказларидан бирига айлангани бундан далолат беради.

Энди, Чоч воҳаси тарихига билвосита боғлиқ яна бир масалага тўхталиб ўтсак. Аввало, исломдан аввалги Чоч воҳаси тарихи билан танишиб чиқиш минтақа тарихининг баъзи муаммоли масалаларини ҳал этишда ҳам катта ёрдам бериши мумкин. Айниқса, Ғарбий Турк хоқонлигининг воҳа ҳукмдорликларни бошқариши билан боғлиқ мунозарали фикрларни ечишда Чоч тарихига мурожаат қилиш муҳим натижалар беради. Маълумки, хоқонлик тарихи билан тадқиқотчилар XX аср бошларидан

¹ Бичурин, I:93.

буен жиддий шугулланиб келишади. Шу уринда таъкидлаш лозим, мана, бир асрдирки аксарият тадқиқотчилар “хоқонлик бутун тарихи давомида ўтроқ ҳукмдорликлардан фақат ўлпон олиб турган ва уларнинг бошқарув ишига аралашмаган” деган фикрни ҳозиргача тақрорлаб келишаётир¹. Аслида, Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврининг фақат бир қисмигагина тегишли бўлган бу фикр, гўё хоқонлик тарихининг бутун даври учун ҳам характерлидек қабул қилинган, шекилли, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, купчилик тадқиқотларда айнан шу фикр устунилик қилади. Шунингдек, хоқонлик бошқаруви билан алоқадор бошқа бир масалага кўра, гўё “хоқонлик даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда бир қатор туркий унвонлар учраши – бу муайян бир тартиб билан боғлиқ эмас, аксинча, баъзи маҳаллий ҳукмдорларнинг туркий унвонларга эга бўлиши “давр модаси” ёки “мода унвонлар” билан алоқалидир”². Бироқ асосан, хитой йилномалари ва қисман бошқа манбалардаги маълумотлар мазмуни VII аср бошларига келгач, бевосита Ғарбий турк хоқонлари воҳа ҳукмдорликларидан бир қанчасининг бошқарувчи сулоласига барҳам бериб, улар ўрнига ўз хонадони вакиллари ташкил тайинлай бошлаганидан дарак беради. Юқорида ҳам бир неча бор тўхталиб ўтилганидек, 605 йилда Ғарбий Турк хоқонлигининг вакилларидан бири Тегин Тяньчжи (Дэлэ Тяньчжи; 605–609)нинг Чоч бошқарувига тайинланиши ва воҳада то 750–йилларгача ҳукм сурган *Тегинлар* сулоласининг қарор топиши, 640–йиллардан бошлаб эса бу ерда хоқонлик билан алоқадор *тудун* унвонли амалдорларнинг кўрина бошлаши ва то 740–йилларгача воҳа сиёсий ҳаётида катта мавқега бўлган туркий *Тудунлар* сулоласининг ташкил топиши бунга яққол мисол бўла олади. Нафақат бугина эмас, балки воҳа сиёсий ҳаётида хоқонликка хос *шад*, *элтабар*, *тархон* ва *чабиш* унвонларининг учрай бошлаши Чоч воҳасининг хоқонлик билан чамбарчас боғланганидан дарак беради. Шу жиҳатдан олганда, Чоч Фаргона ва² Тўхористон каби хоқонликка бевосита алоқадор бошқарувга эга бўлган, деб айтиш мумкин. Дарвоқе, хоқонлик томонидан VII аср биринчи чорагида Тўхористонда ашина хонадонига мансуб *Ябгулар* бошқаруви жорий қилинган бўлса, Фарғонада

¹ Gibb, 1930:4-9; Ҳидоятлов, 1992: 76–78; Асқаров, 1997:65 – 76.

² Gibb, 1930:4-9; Ҳидоятлов, 1992; 76–78; Асқаров, 1997:65 – 76; Stark, 2002:389; 2008: 225, к. 1250.

эса шу асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ашина хонадонининг бошқа бир тармоги бошқарувни қўлга олади. Бу каби далиллар эса “хоқонлик Амударё ва Сирдарё оралигидаги ҳукмдорликларнинг ички ишларига ортиқча аралашмаган, бошқарувда маҳаллий сулоалар қолаверган”, деган мазмундаги фикрларнинг бирёқламали эканини курсатади. Шунингдек, бу ерларда туркий унвонларнинг учрашини “шунчаки, тасодиф” ёки “давр модаси”, ёхуд “тақдид” деб изоҳлаш ҳам асоссиз бўлиб чиқади.

Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида ҳукм сурган сулоалар

Сулола.лар	Сулолавий тамғаси	Мавқен	Қайд этилган манбалар		Ҳукмронлик даври
Чоч тегинлари	☉	Бош сулола	хитой	нумизматик	605 – 750 йиллар
Чоч гудунлари	☽	Иккинчи даражали сулола	хитой, суғдий, араб	нумизматик	640 – 750 йиллар
Чоч ҳукмдорлари	☾	Тобе сулола	хитой, суғдий, араб	нумизматик	V – VIII асрлар

ЧОЧ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМИЙ ТИМСОЛЛАРИ

Қадим даврлардаёқ Марказий Осиёдаги мавжуд ҳар бир воҳа давлати ёки бирор шаҳарнинг ўзига хос тотеми – “рамзий ҳомийси” ёки “рамзий қуриқловчиси” бўлган. Айниқса, илк ўрта асрлар минтақа халқлари тасвирий санъатида бунинг мисоли яққол кўзга ташланади. Хусусан, арслон, туя, от каби ҳайвонлар муқаддас ҳисобланиб, уларнинг тасвирлари илк ўрта асрларга оид деворий расмлар, сопол буюмлар, муҳр, танга ва бошқа моддий ашёларда акс этган. Жумладан, Нахшаб тангаларида от, Бухоро воҳаси тангаларида икки ўрқачли туя тасвири учраб, тадқиқотчилар фикрича, ушбу ҳайвонлар мазкур ҳукмдорликларнинг “рамзий ҳомийлари” ҳисобланган. Шунга ўхшаш Афросиёб деворий расмларида акс этган қанотли шер тасвирини тадқиқотчилар Самарқанд шаҳрининг “рамзий ҳомийси”, деб талқин қиладилар.

Булар қаторида Чочнинг ҳам ўзига хос “ҳомийси” бўлганлигини тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд. Бу аввало, VI – VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларининг аксарият қисмида ўрин олган мушуксимон ҳайвон (арслон ёки барс) тасвирларида кўзга ташланади¹. Ўз вақтида О. И. Смирнова бу тасвири шаҳарнинг ёки халқнинг эмблемаси – рамзий нишони бўлиши мумкин, деб тахмин қилган эди². Дарвоқе, Чоч тангаларининг баъзи типларида олд томонида ўннга (баъзиларида чапга) юзланган арслон тасвири ва тескари томонида эса Ψ шаклидаги тамга ва унинг атрофида *c'synk ywβw* – “Чоч ҳукмдори” жумласи акс этганлиги уларнинг Чоч воҳаси билан алоқадорлигини тўла тасдиқлайди. Бироқ Чоч тангаларидан ўрин олган мушуксимон ҳайвон баъзи тангаларда нисбатан кичикроқ шаклда тасвирланган бўлиб, барс – қоплонни эслатса, баъзиларида эса ҳажман йирик, жанговар ҳолатдаги арслон (шер) шаклида тасвирлангани кўзга ташланади. Айниқса, улар орасида бошқа тангалардан фарқли равишда ўннга эмас, чапга юзланган ёллари ҳурпайган, бақувват мушуксимон арслон тасвири акс этган бўлиб, унинг

¹ Смирнова, 1981:58; Филанович, 1995:109.

² Смирнова, 1970:182.

юқорига гажакланган думи сугдий ёзув билан $\gamma\omega\beta\omega$ – “ҳукмдор” сўзи акс этган варианты алоҳида ажралиб туради (IV. Расм, 9 – 10).

Илк ўрта асрларга оид Чоч тангаларини биринчилардан бўлиб комплекс ҳолда ўрганган О. И. Смирнова воҳанинг мушуксимон тасвири тангалари ҳақида “ушбу ҳайвон бир қатор бошқа ҳайвонлар (туя, от, буғу) каби ўз даврида шаҳар ва халқнинг ҳомийси - илоҳий рамзи, яъни эътиқодий хурмат объекти бўлган”, деб ёзган эди¹. Шу ўринда Чочнинг рамзий белгиларига алоқадор масалага тўхталсак. Хусусан, илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларида от ва туя тасвири учраса ҳам, уларда *с’сунк* – “Чочга оид” сўзи учрамайди. Шунингдек, ушбу тангалар Чочда зарб қилинган бўлса-да, улар Чоч сулоаларига эмас, Ғарбий турк хоқонларига оид тангалардир². Бу ҳам барс тасвири Чочнинг рамзи бўлганини тасдиқлайдиган далиллардан биридир. Жумладан, Тошкент воҳасининг қадимий шаҳар харобалари (Қанқа, Хонобод ва бошқалар) дан топилаётган исломдан аввалги маданий ёдгорликлар – моддий ашёлар орасида мушуксимон ҳайвон тасвири сопол ҳамда металл буюмлар (тақинчоқ, камар безаги, уй-рузғор буюмлари ва ҳоказолар) кўплаб учраши ҳам ушбу мотивларнинг воҳа тасвирий санъатида кенг ўрин эгаллаганини кўрсатади (V. Расм, 4 – 7).

Ғарчи Пойкент (Бухоро), Ўтрор, Тароз каби кичик ҳукмдорликларнинг баъзи тангаларидан барс ёки арслон тасвири жой олган бўлса-да, улардан фарқли равишда Чоч воҳаси тангаларида бундай тасвирларнинг кенг ўрин олганлиги ва уларнинг турли вариантлари мавжудлиги диққатни жалб қилади. Бундан ташқари, нафақат тангаларда, балки археологик қазилмалар натижасида Тошкент воҳаси ва унга яқин ҳудудлардан топилаётган турли моддий ашёлар: сопол буюмлар, муҳр, узук ва бошқа буюмлар сиртида мушуксимон ҳайвон тасвириларининг учраши уларнинг Чочга алоқадорлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Қолаверса, бу даврда Ўтрор ва Тароз каби кичик ҳукмдорликларнинг Чоч таркибида бўлганини назарда тутиш лозим. Чунончи, бир қатор тадқиқотчилар мазкур ҳукмдорликлар тангасида арслон тасвирининг ўрин олишини уларнинг Чочга тобелигига ишора ёки Чоч танга зарби аъъанасининг таъсири, деб ҳисобласалар, баъ-

¹ Смирнова, 1981:58.

² Бабаёров, 2007:12-13, 20.

зи тадқиқотчилар бундай тасвирлар Утрор, Тароз ва Еттисувнинг бир неча жойларида қадимдан мушуксимон ҳайвон тасвири кенг учрашига асосланиб, улар ўзига хос маҳаллий анъаналардан келиб чиққан, деб изоҳлайдилар. Шунингдек, Бухоро воҳаси тангаларида барс тасвирининг учраши ҳам ўз изоҳига эга. Хусусан, О. И. Смирнова фикрича, илк ўрта асрларда айнан Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида истиқомат қилувчи туркий этносларнинг бир қисми Бухоро воҳасига кўчган ва ўзларига хос анъаналарни олиб боришган¹. Фақат шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир вақтнинг ўзида бир неча жойда айнан ёки ўхшаш тасвирларнинг учраши ва уларнинг “ҳомий” ҳисобланиши гоят табиий ҳол.


Барс ёки қор қоплони Марказий Осиёнинг тоғли регионларида, асосан, Тангритоғ (Тяншан) тоғ тизмаларининг энг ғарбий чеккаларидан бири бўлиш Чотқол тоғида учрайди. Қизиғи шундаки, шу ҳудудда илк ўрта асрларга тааллуқли жой номлари орасида айнан мазкур ҳайвонлар номи билан боғлиқ топонимлар қайд этилган. Жумладан, араб географлари асарларида Барскат, Ардланкат каби аҳоли масканлари зикр қилинган бўлиб, сўғдишунос олим П. Б. Лурье фикрича, *Барскат* – “барс+қишлоқ”, *Ардланкат* – “арслон+қишлоқ” каби туркий сўزلардан ташкил топган топонимлар бўлиши мумкин². Эҳтимол, ушбу ҳайвонлар Чоч воҳаси аҳолиси наздида қадимдан муқаддас ҳайвон сифатида билиниб, ҳомийлик сифатига эга, деб қаралгани боис, улар билан боғлиқ жой номлари вужудга келгандир. Балки, Чотқол тоғига яқин бўлган Барскат ва Ардланкат мавзелари бир вақтлар барс ва арслонлар макони бўлиб, ушбу топонимларнинг пайдо бўлишига замин яратгандир.

Бу ерда табиий равишда савол туғилиши мумкин. Яъни, “Чоч тангаларидан ўрин олган барс ва арслон тасвирларидан қайси бири Чоч воҳасининг рамзи бўлган, ахир, уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида тангаларда учратилади-ку”, деган саволга жавоб топиш керак бўлади. Аслида, Чоч воҳаси тангаларининг аксариятидаги мушуксимон ҳайвон тасвири барсни эслатади. Хусусан, ўнга юзланган мушуксимон ҳайвон тасвири тангаларнинг 3 типиди барс тасвири ўрин олган

¹ Смирнова, 1970:182-185; 1981:51-53.

² Lurje, 2003:193-194.

(I. Расм, 9 – 10; IV. Расм, 11 – 12). Фақатгина мушуксимон ҳайвон чап томонга юзланган тангаларда баъзи тасвирлар барсни, баъзилари эса арслонни эслатади (V. Расм, 11 – 13). Эҳтимол, мушуксимон ҳайвон тасвири Чоч тангаларида дастлаб барс тасвирланган бўлиб, кейинчалик танга зарб қилувчи усталар томонидан бу тасвир янада бадийлаштирилиб бўрттирилган ва у арслонга ўхшаш кўриниш олган бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса, тасвирлар орасидаги бундай тафовут уларни зарб қилдирган ҳукмдорлар мавқеига ишорадир, эҳтимол.

Кўп йиллардан бери Тошкент воҳаси тарихи билан шуғулланиб келаётган археолог олима М. И. Филановичнинг фикрига кўра, Чоч ҳукмдорлари тангаларида бундай тасвирларнинг пайдо бўлиши воҳанинг хоқонликка маъмурий жиҳатдан тобелигининг аломати бўлиши керак. Унинг фикрича, арслон ёки барс илк аждод-тотем сифатида туркийлар орасида кенг тарқалган бўлиб, ушбу тасвирларнинг Чоч тангаларида ўрин олиши воҳада туркий тудунлар сулоласининг ташкил топиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни арслон ёки барс тудунлар мансуб бўлган уругнинг рамзий белгиси бўлиши эҳтимоли ҳам бор¹. Шунингдек, олиманинг ёзишича, Тарбанд-Ўтрор тангалари бутунлай туркийларга хос рамзларни – арслон ва ёй тасвирларини ўзида акс эттирганки, улардаги танга зарбини ҳам туркий ҳукмдорлар (эҳтимол, тудунлар) билан алоқадор ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотчининг бу каби фикрларига қисман қўшилиш мумкин. Айнан Турк хоқонлиги даврига келиб, мазкур тасвирларнинг Чоч тангаларидан жой ола бошлаши буни тасдиқлайдиган моҳиятдадир. Бироқ Чоч воҳаси ва унга шимолдан қўшни ҳудудларда яшовчи этнослар орасида бундай тасвирларнинг кенг ёйилиши милонинг илк асрларига бориб тақаладики, бу эса уларнинг илдизи анча қадимийлигидан дарак беради. Шу билан биргаликда, гарчи воҳа тангаларига хос паншахасимон  шаклидаги тамга ҳам барс тасвири тангаларда, ҳам “Чоч тудуни” унвонли тангаларда жой олган бўлса-да, ушбу ҳайвон тасвирининг *тудун* унвонли тангаларда учрамаслиги олиманинг фикри ҳали исботталаб эканлигини кўрсатади. Шунга қарамай тангалардаги тамгаларнинг бир хиллиги *тудун* унвонли тангалар билан барс тасвири тангалар орасида муайян яқинлик борлигидан дарак беради.

¹ Филанович, 1995:109.

Илк ўрта асрларда Сирдарё ҳавзалари ва Еттисувда яшовчи туркий қабилалар этникодича, арслон (ёки барс) куч-қувват, ҳокимият ва улуғлик тимсоли сифатида қадрланган¹. Ҳатто бу ҳудудларга ислом кибриб келгандан кейин ҳам бадиий санъатда мазкур ҳайвон тасвири анъанавий тарзда сақланиб қолаверган.

“Барс” ва “арслон” сўзлари қадимги турклар орасида кенг тарқалган исмлар бўлиб, улар кўпинча ҳукмдор исми ёки эпитети (лақаби) сифатида манбаларда кўп учрайди. Шуниси диққатга сазоворки, ёзма манбаларда *арслон* ҳукмдор номи ёки унвони сифатида илк бора Турк хоқонлиги даврида учрай бошлайди. Дарвоқе, Турк хоқонлиги ва у билан алоқадор сулолалардан бир нечасида Арслон исми ҳукмдор номлари мавжуд бўлган. Бинобарин, византиялик Менандрнинг (VI аср охири) “Тарих” асарида келтирилган “турклар улуғ ҳукмдорини арсила деб атайдилар”² мазмунидаги маълумотдан келиб чиқиб, К. И. Беквис, арсила сўзини арсилан шаклида тиклайди ва маъносини туркийча *арслон* сўзидан излашга ҳаракат қилади³.

Шунингдек, илк ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё оралиги ҳамда унга туташ ҳудудлардаги воҳа ҳукмдорликларидаги мавжуд туркий сулола вакилларида бир нечасининг исми Арслон бўлган. Муҳими шундаки, ушбу исмининг бу ерларда учрай бошлаши ҳам айнан Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Жумладан, Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида қайд этилишича, Бухоро воҳасида Абруй бошчилигида кўтарилган қўзғолонни бостириш учун Ғарбий турк хоқони Қорачурин турк ўз ўғли Шер-и Кишварни юборади⁴. Тадқиқотчилар форсий Шер-и Кишвар исмини туркий Эл-Арслоннинг муқобили, деб қарайдилар. Шунингдек, ушбу воҳадаги мавжуд Бухорхудотлар сулоласи вакилларида бири, ҳукмдор Туғшода II нинг 726 йилда Хитойга элчи қилиб юборилган биродарининг исми *Асилан* (*Арслон*) *Дафодан* *Фали* тарзида учрайди⁵. Хитойча “Тан шу” йилномасида 740–йилларда *Боханна* (Фарғона)ни *Асилан даган* (Арслон тархон) исми ҳукмдор бошқаргани

¹ Бурнашева, Смагулов, 1981:67; Смирнова, 1981: 57 – 58.

² Moravcsik, 1958:72.

³ Golden, 1992:121.

⁴ Наршахий, 1966:6.

⁵ Бичурин, II:312; Chavannes, 1903:138.

таъкидланади¹. 742 – 745 йилларда Кумед ҳокимлигини бошқарган туркий ҳукмдор исми эса ушбу йилномада *Исилан сыгин* (Арслон(?)) эркин тарзида келтирилади². Бундан ташқари, ғарбий турк хоқони Тун ябгу-хоқон томонидан 629 йилда Сосонийлар Эрони тахтига ўтқазилган Хархоннинг отасининг исми Арслон ибн Бўйунчур шаклида туркий васфда учраши ҳам диққатни жалб этади³.

Турк хоқонлиги тасвирий санъатида арслон тасвири кенг ёйилган мотивлардан бири эди. Мўғулистондаги Ўрхун дарёси ҳавзаларида ҳозиргача сақланиб қолган хоқонликка тааллуқли турли тош ёдгорликлар орасида арслон тасвири ҳайкаллар кўп учрайди. Жумладан, Шарқий Турк хоқонлигини қайтадан тиклаган машҳур ҳукмдорлардан бири бўлмиш Қутлуғ Элтариш хоқон (681–691) шарафига барпо қилинган мақбара (Шивет-Улан/Мўғулистон) ёдгорлиги атрофида кўплаб арслон тасвири ҳайкаллар топилган. Аҳамиятлиси, ушбу арслон ҳайкалларининг чап оёғида Турк хоқонлигига хос – архарсимон тамга кўзга ташланади⁴. Бу эса мазкур ёдгорликларнинг хоқонлик билан алоқадор эканлигига шубҳа қолдирмайди. Шунга ўхшаш арслон ҳайкаллари Уйғур хоқонлиги (746 – 848)нинг Урдубалиқ номи пойтахти харобаларидан ҳам кўплаб топилган.

Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Турк хоқонлигининг ҳукмдорлари орасида Арслон исми хоқонлар учрай бошлаши Таспар хоқон (572 – 580) даврига тўғри келади. Санъатшунос олима Э. Эсин арслон тасвирининг туркий давлатчилик анъаналарида учрай бошлашини улар орасида буддизм тарқалиши билан алоқали, деб ҳисоблайди⁵. Шу билан биргаликда, олиманинг таъкидлашича, тўнча (қоплон), барс, ирбис каби ҳайвонлар хоқонлик даврида “алплик, жасурлик” тимсоли сифатида эътироф этилган ва ушбу ҳайвонларнинг номлари ҳукмдорларнинг исми ёки унвони тариқасида билинади. Шу билан бирга, у Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ санъатида арслон тасвирининг пайдо бўлишини Синд ва Ҳинд водийси аҳолиси маданияти билан алоқали бўлиши ҳам

¹ Бичурин, II:319; Бернштам, 1952:193.

² Бичурин, II:324-325.

³ Togan, 1981:73.

⁴ Esin, 1988:571.

⁵ Esin, 1988: 575 – 576.

мумкин, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг эътирофига кўра, арслон Марказий Осиё, Хитой ва Узоқ Шарқда яшамаганлиги сабабли қадим даврларда арслон мотиви мазкур минтақалар халқлари санъатида кўзга ташланмайди. Фақат бу ерларда буддизм тарқалиши билан Будда мансуб бўлган уруғнинг тотем (онгон)и сифатида билинган арслон тасвири ҳам кенг тарқалади¹. Мугулистондаги Шивет-Улан мавзесидан топилган арслон ҳайкаллари, Э. Эсиннинг эътирофича, Синд минтақасидан топилган арслон тасвирларига шакл жиҳатдан жуда ўхшаш. Айниқса, улар ташқи кўринишидан ҳинд буддист санъати намуналаридан бўлмиш Сарнат (Sarnath) ёдгорлигидаги устунларда акс этган арслон тасвирларига яқин келади. Шу ўринда, Тошкент воҳасидан топилган металл безаклардаги арслон тасвири Турк хоқонлигига алоқадор Шивет-Улан тош ёдгорликларидagi арслон тасвирлари билан яқин ўхшашликка эгаллигини айтиб ўтиш зарур (қар. V. Расм, 5 – 6).

Дарвоқе, барс ва у билан битта турдаги арслон, қоплон каби йиртқич ҳайвонларга хос тасвирлар қадимдан дунёнинг кўплаб халқларида кучқудрат ва мардлик тимсоли сифатида эъзозланиб, кўпроқ бадий санъатда ўз аксини топган. Хусусан, антик давр Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё бадий санъатида, шу жумладан, танга зарби анъаналарида ҳам арслон тасвирининг кенг ўрин олгани бунга мисол бўла олади. Бу каби ўхшашликлар бир минтақанинг иккинчисига таъсири орқали пайдо бўлганми ёки ҳар бир жойнинг ўз муҳитидан келиб чиққанми, деган масала алоҳида мавзу эканлигини таъкидлаш билан бирга, бу даврда қўшни худудларга нисбатан арслон ва барс тасвирлари Чоч аҳолиси тасвирий санъатида кенг ёйилганлигини таъкидлаш жоиз.

Хулоса қилган бўлсак, илк ўрта асрларда Чоч воҳаси аҳолиси қадимий эътиқодлари ва қарашларининг ифодаси сифатида ўзининг рамзий тимсолларига эга эди ва бу нафақат уларнинг бадий санъатида, балки ҳокимият рамзларидан бири бўлмиш танга-пулларида ҳам ўрин олганди.

¹ Esin, 1988:575.

ИЛК ҰРТА АСРЛАР ЧОЧ АҶОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Марказий Осиё қадимдан турли халқ ва элатлар маданиятининг ўзаро қоришуви фаол кечган ҳудуд сифатида дунё халқлари тарихида алоҳида ўрин тутади. Минтақа ўзининг географик жойлашувига кўра, дунёнинг турли тарафларида яшаган этник жиҳатдан ранг-баранг этносларни ўзига жалб қилиб келди. Шунингдек, Марказий Осиё тарихи турфа тил оилаларига мансуб этносларнинг айнан минтақа орқали доимий равишда дастлаб ғарбдан шимоли-шарққа, кейинчалик эса шарқдан ғарбга ва жануби-ғарбга силжиб, ўзларига янги макон тутганликларига гувоҳ бўлди.

Айниқса, археологик топилмалар ва ёзма манбалар янада аниқроқ шохидлик бера бошлаган милоддан аввалги минг йилликдан бошлаб, ўтган қарийб уч минг йил мобайнида минтақада рўй берган этносиёсий жараёнларда бошқа этнослардан фаркли ўлароқ, туркий ва эроний тилли этносларнинг фаол иштирок этганликлари кўзга ташланади. Марказий Осиёнинг қай бир ҳудудларида ушбу этнослардан бири янада кенг ёйилган ва этносиёсий жараёнларда нисбатан фаолроқ қатнашган бўлсалар, бошқа бири эса минтақанинг қолган бир қисмида худди шундай роль ўйнагани тарихдан маълум. Хусусан, Марказий Осиё минтақасининг шимоли-шарқий қисмларида туркий этнослар анча катта салмоқни ташкил этган бўлсалар, минтақанинг жануби-ғарбий қисмларида эса эроний тилли этнослар ўз нуфузига эга бўлишган. Шу билан биргаликда, Марказий Осиёнинг ҳар иккала қисмида мазкур этносларнинг ўзаро қоришган ҳудудий контакт зоналари бўлиб, бундай ҳудудлар минтақанинг, асосан, ўтроқ аҳоли яшаган воҳаларига тўғри келади. Жумладан, Хуросон, Шимолий Афғонистон, Амударё ва Сирдарё оралиғи, Етисув ҳамда Шарқий Туркистондаги воҳалар минтақанинг аҳолиси қадимдан ўтроқ яшаган қисми ўлароқ эроний ва туркий халқларнинг кўп асрлардан буён ўзаро мунтазам алоқада бўлиб келган ҳудудлари сифатида маълум. Ўтмишнинг қай бир даврларида ҳар

иккала этнос мансубларининг ушбу ҳудудлардан бирида фаоллашганлиги кузатилса, баъзан эса бирининг иккинчисига нисбатан сон ва нуфуз жиҳатдан мавқеи ошиб боргани кўзга ташланади.

Ана шундай ўтроқ ҳудудлардан бирининг муайян бир узви ўлароқ, Чоч воҳаси ҳам қадимдан тигиз этник алоқаларга майдон вазифасини бажарган. Ёзма манбалар, нумизматик материаллар ва топонимик маълумотлар шундан дарак берадики, илк ўрта асрларда воҳа маҳаллий аҳолисининг бир қисмини ўтроқ туркийлар ва сугдийлар ташкил этган. Шунингдек, Чоч воҳасига доимий равишда яқин қўшни ҳудудлардан, яъни Марказий Осиё минтақасининг шимол ва шимоли-шарқий қисмларидан кўчманчи қабилалар кириб келиши кузатилаган бўлиб, улар орасида туркий қабилаларнинг нуфузи баланд эди. Турк хоқонлиги даврида эса Чочда туркий сулолаларнинг ташкил топиши ва воҳанинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши натижасида турк тилли қабилаларнинг бу ерга келиб жойлашиши кучайиб, мавжуд туркий қатламнинг янада ошишига сабаб бўлди. Айнан хоқонлик даврида воҳанинг туркий нуфуси ўсишини кўрсатадиган омиллардан бирини бу ерда туркийча асосли ўнлаб жой номларининг пайдо бўлиши мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, илк ўрта асрларга тааллуқли моддий-маданий ашё ва буюмларда акс этган инсон тасвирларида ҳам туркийларга хос қиёфа етакчилик қила бошлагани яққол кўзга ташланади. Жумладан, VI – VIII асрларда зарб қилинган Чоч тангаларининг аксариятида кўпроқ шарқий турк-ларга хос қиёфа: бодомсимон ёки қисқ кўз, соқолсиз, кенг юмадоқ юз, жингалак бўлмаган соч шакаллариининг акс этганлигига гувоҳ бўламиз (I. Расм, 1 – 4 – II. Расм, 1 – 6). Шунингдек, маданий-мафкуравий ҳаётга алоқадор турли хил буюмлардан, ҳайкалча, муҳр ва бошқа ашёлардан ўрин олган инсон тасвирларида ҳам юқорида санаб ўтилган аломатлар кўринади. Воҳанинг қадимги аҳоли манзилларидан бўлиши Қанқа ва Сигиртепа харобасидан топилаган отлик тасвири камар тўқаларида бунинг мисолини кўриш мумкин (V. Расм, 1 – 2)¹. Гарчи воҳанинг туркий ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалар тили сугдий бўлса-да, Тошкент вилояти ва унга яқин ҳудудлардан топилаётган қадимги турк-рун ёзуви сопол буюмлар туркий тилнинг бу ерда ўзига хос мавқеи бўлганини кўрсатади. Воҳада қадимдан туркий тил

¹ Богомолов, 1986:69 – 79.

мавжуд бўлганлигини тасдиқлайдиган омиллاردан бири – бу воҳанинг бош номи бўлмиш “Чоч” сўзининг туркий асосли эканлигидир¹. Шунингдек, илк ўрта асрларда воҳанинг катта бир қисми номи бўлмиш Илоқ (ҳозирги Оҳангарон водийси) ва унинг марказий шаҳри Тункатнинг ҳам туркий ном сифатида изоҳланиши² Чоч воҳасининг муҳим бир қисмини туркий аҳоли ташкил қилганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда воҳада *Жабзукат*, *Хотункат*, *Итлик*, *Сойлик*, *Абрлик* / *Арналиг*, *Барс-кат*, *Ардланкат*/*Арслонкат*, *Намудлик* / *Йагузлиг*, *Некалиқ* / *Йақалиқ*, *Ажиг* / *Ачиг*, *Жадгал* / *Чатқал* ва бошқа ўнлаб жой номларининг туркий асосдалиги бу даврда Чоч аҳолисининг муҳим бир қисмини туркийлар ташкил қилганини кўрсатади. Дарвоқе, ушбу топонимларнинг катта бир қисми илк ўрта асрларда пайдо бўлганлиги ўз тасдиғига эга. Бироқ воҳанинг бош номи бўлмиш “Чоч” топонимининг айнан қачон ва қай муҳитда шакллангани масаласи ҳалигача очик қолаётир. Шунга қарамай, баъзи далиллар унинг милоддан аввалги мингйилликнинг сўнги асрларида пайдо бўлганини тасдиқлайдиган моҳиятадир. Танга, муҳр, сопол ва кумуш идишлар сиртидаги сугдий ёзувлар билан биргаликда, ёзма ёдгорликларда ушбу ном милоднинг илк асрлари, асосан, II – III асрлардан бошлаб учрай бошлайди. Фақат бу “Чоч” сўзи айнан шу даврда пайдо бўлганини кўрсатмайди. Балки бу ном анча олдинги даврларда, эҳтимол милоддан аввалги асрларда ҳам мавжуд бўлгандир. Чунки юқорида келтирилган “Чоч” сўзи акс этган эпиграфик ашёларнинг санаси тахминий қўйилган. Шу ўринда бир савол туғилади. Агар “Чоч” сўзи туркий экан, у қандай тарихий асосларга эга ва қайси жараёнлар билан боғлиқ? Маълумки, ушбу ном учрай бошлаган эпиграфик ёдгорликлар, асосан, милодий II – III асрларга тааллуқли бўлиб, хитой йилномаларидан аниқ бўлишича, бу даврда воҳада Қанг (Кангюй) давлати ёки Юни ҳукмдорлиги мавжуд эди. Ушбу давлатлар аҳолисининг қайси тил гуруҳига мансублиги ҳануз ҳал қилинмаган бўлса-да, “Чоч” сўзининг чач – “қимматбаҳо тош, феруза” тарзида туркийча изоҳланиши ва шунга ўхшаш бошқа омилларга таяниб айтиш мумкинки, милоднинг илк асрларида воҳа аҳолисининг бир қисми туркий

¹ Бобоёров, 2005:123 – 124; Буряков, 2007:8-9; Максудов, Бабаяров, 2009:203 – 205.

² Умаров, 2002:114.

тилли эди¹. Воҳанинг шарқидаги тоғларда феруза конлари бўлиб, ушбу маъдан атрофдаги халқларга машҳур бўлганлиги сабабли воҳа номи келиб чиққан бўлиши мумкин. Дарвоқе, воҳанинг катта бир қисмидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг қадимги номларидан бири Сил(ис) сўзининг негизида ҳам туркий асос ётганлиги фикримиз далили бўла олади. Яъни Сирдарёнинг энг қадимги номларидан бири Яксарт/Яхшарт сўзи эроний тилларда “ҳақиқий марварид, инжу” маъносини берганидек, Рим тарихчиси Плиний асарида (мил. I аср) зикр этилган мазкур дарё номи Силис / Сил(ис) шаклида берилган бўлиб, баъзи тадқиқотчилар уни қадимги туркий тилларда мавжуд бўлган ва ҳозирда эса чуваш тилида сақланиб қолган *селем / сел(ем)* – “инжу, марварид” сўзи билан алоқали ҳисоблайдилар. Ҳатто, баъзи олимларнинг фикрича, ўрта асрларда Сир деб аталган ҳозирги Сирдарё сўзи ҳам ушбу Сил(ис) билан алоқали бўлиб, уни туркий асосда изоҳлаш мумкин².

Илк ўрта асрларда воҳа аҳолисининг салмоқли бир қисмини туркий аҳоли ташкил этганини тасдиқлайдиган маълумотлар мусулмон манбаларида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Абу Жаъфар ат-Табарий “Тарих ар-русул ва-л мулук” (IX аср) номи асарида 806 йили Самарқандда содир бўлган Рафеъ ибн Лайс қўзғолонига ёрдамга келган асосий кучлар орасида чочликлар ҳам бўлганини таъкидлаб ўтар экан, “Шош ҳукмдори ва унинг турклари” иборасини ишлатади³. Шунингдек, халифа ал-Маҳдий (775 – 785) замонида “турклар малиги Тархон” ҳақида маълумот сақланиб қолганки, В. В. Бартольд уни Чоч ҳукмдори бўлган, деб қарайди⁴.

Бу даврда Чоч воҳасининг шимолий қисми, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидаги аҳоли масканларида туркий тилнинг мавқеи юқори бўлган. Гарчи бу ҳудуд аҳолисининг бир қисмини қадимдан кўчиб келиб, бу ерларда ўз шаҳар ва қишлоқларини барпо қилган суғдий аҳоли ташкил қилган бўлса-да, туркий тилнинг нуфузи нисбатан юқори бўлганини кўрсатадиган баъзи далиллар мавжуд. Хусусан, 630-йилларда бу ҳудудлардан ўтган хитой роҳиби Сюан Цзан *Чже-ши* (Чоч)нинг

¹ Максудов, Бабаяров, 2009:199-205.

² Абдурахманов, 1975:162-163; Шоннёзов, 1990:22-23.

³ Табари, 1987:369; Буряков, 1982:31.

⁴ Буряков, 1982:29.

шимолий ҳудудларидаги қишлоқлар орасида хитойликлар асос солган бир аҳоли манзили борлиги ҳақида ёзиб, гарчи улар ўз тилларини сақлаган бўлса-да, кийим-кечаги ва бошқа одатлари туркларникига ўхшаб қолганини таъкидлайди⁵. Бу эса уларнинг ҳукмрон сиёсий ва лисоний жиҳатдан устун туркий муҳитда турклаша бошлаганини кўрсатади. Маҳмуд Кошғарий ҳам айнан Чочнинг шимолидаги Исфижоб (Сайрам)дан то Тароз ва Баласоғун (Егтисув)гача бўлган ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳам суғдийча, ҳам туркча, яъни икки тилда сўзлашиши ҳақида гапириб, уларнинг Самарқанд ва Бухоро орасидан кўчиб келганликларини таъкидлаши бежиз бўлмаса керак⁶. Гарчи ушбу маълумот анча кейинги даврга – XI асрга тааллуқли бўлса ҳам, суғдийларнинг кучли туркий муҳитга тушиб қолиб, турклашув жараёнига тортилиш палласи илк ўрта асрларга, асосан, Турк хоқонлиги даврига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, Кошғарий келтирган маълумотлар айнан шу даврларга тааллуқли бўлиб қақади. Чунончи, суғдийларда турклашув жараёнининг кучайиши айнан илк ўрта асрларга тўғри келишини тасдиқлайдиган маълумотлар баъзи хитой йилномаларида учрайди. Йилномаларда баъзан суғдийлар туркларнинг бир қабиласи сифатида тилга олинishi⁷ ҳам шу каби жараёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

723 – 726 йилларда ғарбий улкаларга, яъни Марказий Осиёнинг маълум бир қисми (асосан, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон)га сафар қилган хитой сайёҳи Хой Чао Ҳу халқларидан шимолда то “Шимолий денгиз”гача, ғарбда “Ғарбий денгиз”гача, шарқда эса Хитойгача бўлган ҳудудда кўчманчи туркийлар яшашини қайд қилади⁸. У келтирган маълумотларни таҳлил қилган А. Н. Берштам, сайёҳ Ҳу атамаси остида минтақанинг ўтроқ аҳолиси назарда тутганини, “Шимолий денгиз” – Орол денгизи, “Ғарбий денгиз” эса Каспий бўлиши мумкинлигини ёзиб, Хой Чао келтирган маълумот, асосан, Сирдарё ҳавзаларида яшовчи кўчманчи туркийлар билан алоқали эканини

⁵ Екрем, 2003:117.

⁶ Кошғарий, I:66; DLT, I:30.

Хўжаев, 2002:40-43; 2004:52-61.

⁸ Берштам, 1952:194.

таъкидлайди¹. Худди шу даврларга тааллуқли бошқа бир маълумот Табарий томонидан қайд этилди. Унга кўра, Хоразм ҳукмдори 712 йилда шимолга қочиб, туркларга сиғинади ва 728/729 йилларда улар ёрдамида мусулмонларга қарши кураш олиб боради². Тадқиқотчилар фикрича, ушбу маълумотда келтирилган турклар Хоразмга яқин ҳудуд бўлиши Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларида яшовчи аҳоли бўлиши керак³. Бундан кўринадики, нафақат Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, яъни Утрор – Кангу-Тарбан аҳолиси, балки ундан анча ғарбдаги ҳудудлар аҳолисининг ҳам катта қисми туркийлардан ташкил топган эди. Шунингдек, илк ўрта асрларга тааллуқли воҳанинг шимолий қисми топонимиясининг муҳим бир қисмини туркий номлар ташкил қилиши ҳам бу ҳудуд аҳолисининг салмоқли қисми туркийлардан иборат бўлганини тасдиқлайди. Булар сирасига Сайрам, Янгикент, Утрор (Турарбанд), Сутканд, Қорачуқ, Сузнақ, Хурлуғ, Жумишлағу, Атлах, Талас, Бинг-йул (Минг-булоқ) ва бошқа жой номларини келтириш мумкин⁴.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи тадқиқотчилар юқоридаги тарихий далилларга қарамасдан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари аҳолисининг этник таркиби ҳақида бирёқламали фикрлар билдираётган ҳоллар ҳам учраб туради. Жумладан, А. Акишев Чочнинг шимолидаги ҳудудларни, яъни Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида яшовчи аҳоли масканларини илк ўрта асрларда туркий нуфусдан холи ҳудуд сифатида талқин қилади. Унинг ёзишича: “Бу ерга (Сирдарёнинг ўрта ҳавзасига демокчи – муал.) алоқали равишда Кангу Тарман шаклида Ўрхун битиктошларида тилга олинган жой туркийлар маскани эмас, К. Байпаков С. Г. Кляшторныйнинг нуфузига таянган ҳолда бу жойларни туркийлар яшаган ҳудуд, деб нотўғри фикрга борган”. Унга кўра, битиктошлардаги маълумотлар Кангу Тарманнинг туркийлар маскани эмаслигини аниқ кўрсатади⁵. Бироқ А. Акишевнинг бу фикрларига қушилиб бўлмайди. Аввало, бу ҳудуд ва унга ғарбдан қўшни минтақаларда илк

¹ Бернштам, 1952:192 – 195.

² Табарий, 1987:143, 217 (1253, 1525).

³ Stark, 2002:386, п. 133.

⁴ Байтанаев, 2003:38-40; Бобоёров, 2005:124-125; Камолиддин, 2006:80.

⁵ Аальто, 2005:109; Байпаков, 1998:39-42.

урта асрлардагина эмас, балки милоддан аввалги мингйиллик ва милодий мингйилликларда ҳам туркий этнослар яшаганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд. Хусусан, В. В. Бартольд милодий II асрга оид юнон манбаларида Волга дарёси ҳавзалари аҳолиси тили билан алоқали ўлароқ, дарё номи сифатида *Дайх* сўзи учраши ва унинг ўрта асрларда Урол дарёсига нисбатан ишлатилган туркий *Йайиқ* гидроними билан алоқадор эканлигини ёзади⁶.

Айниқса, милодий IV – VI асрларда Каспий ва Қора денгиз ораллигидаги кенгликларда *утигур* (ўттиз ўғур), *қутригур* (тўққиз ўғур), *хун*, *барсил*, *савир*, *булгор*, *хазар* каби туркий қабилалар яшаган бўлиб, уларнинг тили туркий тилларнинг қадимий ёндош тармоғи бўлмиш *оғур* (ўғур) туркчаси эканлиги борасида аксарият тадқиқотчилар яқдилдиллар⁷. Бу эса нафақат Сирдарёнинг ўрта ёки қуйи ҳавзаларида, балки ундан анча ғарбдаги ҳудудларда ҳам ўрта асрлардагина эмас, ундан анча олдин ҳам туркий этнослар гавжум яшаганини кўрсатади. Қолаверса, Кул Тегин битиктошида “*қуриғару Кангу Тарманқа теги турк будуну* анча *қунтуртимиз* – ғарбда, Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда *қундирдик* (жойлаштирдик)” мазмунидаги маълумотни⁸ “бу ерда туркийлар яшамаганини аниқ кўрсатадиган далил” тариқасида талқин қилиб, кескин хулоса чиқариш ярамайди. Шуни эътиборга олиш керакки, битиктошларда “турк” ёки “турк будун” (турк халқи) ибораси остида ҳар доим ҳам барча туркий этнослар тушунилмаган, аксинча, асосан, Турк хоқонлигига асос солган уруғ ва унга яқин туркий қабилалар назарда тутилган. Шу боис юқорида битиктошлардан келтирилган “ғарбда, Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда *қундирдик*” шаклидаги маълумотдан бу ерларда туркий халқлар яшамаган, деган мазмун келиб чиқмайди. Қолаверса, илк ўрта асрларда айнан Чочнинг шимолида, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Арис дарёси ҳавзасида туркий *Теле* (Тегрег) қабилалар иттифоқига мансуб ўнлаб уруғлар яшагани қайда этилади. Жумладан, хитойча “Тундяң” асарида бу ҳақда қуйидагича маълумот учрайди:

⁶ Barthold, 2004:29.

⁷ Golden, 2002:8187; Комар, 2009:100 – 101.

⁸ Абдурахмонов, Рустамов, 1982:106.

“(Теле (Тегрег)ларнинг) Канцзюй (Кангюй/Канг)дан¹ шимолий тарафда, Атие (Арис(?)) дарёсининг атрофида аде (адиз), хэже, бо-ху, бэйган, жюйхай, хэбэйси, хэясо, суба, емо, кэда ва бошқа уруғлари бор. Уттиз мингдан ортиқ мукамал қўшинга эга”².

Хуллас, мазкур далиллар А. Акишевнинг фикрлари асоссиз эканлигидан дарак беради.

Чоч аҳолисининг яна бир қисмини қадимдан сўғдий тилли аҳоли ташкил этган бўлиб, уларнинг воҳага қайси даврларда кириб келганлиги масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Бироқ илк ўрта асрларга тааллуқли жой номларининг муҳим бир қисмини сўғдий асосли топонимлар ташкил қилиши ва уларнинг бутун воҳа ҳудудида учратилиши сўғдийларнинг бу ерда анчадан бери муқим яшаганлигидан дарак беради. Бир қатор тадқиқотчилар воҳада сўғдийларнинг кенг кўламда жойлашуви илк ўрта асрларга, яъни Сугд воҳаси бир қисм аҳолисининг Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Еттисувга кўчиши даврига тўғри келишини таъкидласалар³, баъзи тадқиқотчилар уларнинг воҳада тарқалишини милоддан аввалги бир мингйилликнинг охирлари – милоднинг дастлабки асрларида рўй берганлиги тарафдоридир. Бизнингча, иккинчи фикр асослироқ. Чунки милоднинг илк асрларига тааллуқли эпиграфик материаллар (танга-пуллар, сопол лавҳалар ва кумуш идишлар сиртидаги ёзувлар)нинг тили сўғдий эканлиги⁴ Чочда бу тил вакилларининг анча илгарироқ тарқалганига гувоҳлик беради. Айниқса, яқин йилларда археологик қазишлар натижасида Арис дарёси ҳавзасидаги Култобе харобасидан топилган сопол лавҳанинг тили сўғдий эканлиги ва ушбу лавҳа Чоч лашкарбошиси томонидан ўрнатилганлиги бу масалага анчагина

¹ Хитойча “Тундяи” асарида Канцзюй (Kang-chü) шаклида келтирилган ушбу жой номини айрим хитойшунос олимлар, шу жумладан, туркиялик А. Ташагил ва ўзбекистонлик А. Хўжаевлар Самарқанд билан тенглаштиришади ва мазкур уруғларни Самарқанднинг шимоли ва Сирдарё ҳавзаларида яшаган туркий этнослар сифатида кўрсатишади (қар. Таşağil, 2004:45, 131; Хўжаев; 2001:16, 30 – 31). Бироқ хитой манбасидаги мазкур маълумотлар контекстидан Канцзюйдан мақсад маркази Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларини ўз ичига олган қадимги Канг (ҳоз. хитойча ўқилиши Канцзюй, Бичурин таржимасида Кангюй) тушунилгани ва у “Тундяи”да янглиш улароқ ўша даврда Самарқандни ифодалайдиган Канго (Кангго, қадимги ўқилиши Кангкуэк) билан аралаштириб юборилгани маълум бўлади.

² Таşağil, 2004:45, 131; Хўжаев; 2001:16, 30 – 31.

³ Бернштам, 1940:34 – 43.

⁴ Кубатин, 2008:105.

ойдинлик киритади. Қадимги ёзувлар билимдони Н. СимсВильямс фикрича, мазкур лавҳа милоднинг дастлабки асрларига мансуб¹. Бу эса мазкур тилнинг воҳа ҳудудида кенг тарқалганлиги ва узоқ йиллар давомида Чочнинг анъанавий маъмурий тили вазифасини бажарганлигидан дарак беради. Бу анъананинг илк ўрта асрларда ҳам давом этганини кўрсатадиган жиҳатлардан бири эса воҳада ҳукм сурган туркий сулолалар тангапуллари тили суғдий эканлигида намоён бўлади. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда Чоч ва унинг шимолида жойлашган тарихий вилоятлардаги топонимларнинг муҳим бир қисмини суғдий номлар ташкил қилиши ҳам ушбу регионда суғдий тили аҳолининг нуфуси сезиларли бўлганидан дарак беради. Жумладан, *Бинкет*, *Фарнкет*, *Нукат*, *Динфагнкет*, *Фороб*, *Шавгар*, *Исфижоб* ва бошқа ўнлаб жой номаири асл суғдийча эди.

Шу ўринда, суғдшунос олим А. Отахўжаевнинг Чоч воҳасида суғдий аҳолининг ёйилиши ҳақидаги куйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: “Суғд тужжорлари, ишбилармонлари, ҳунармандлари ва деҳқонлари қуйидаги тарихий даврларда: 1) мил. авв. VI асргача; 2) мил. авв. IV – мил. III асрлар; 3) мил. III – VIII асрлар ва 4) VIII – IX асрлардан кейин Чочга кириб келганлар”².

Бу даврга хос хусусиятлардан бири шуки, бир вақтнинг ўзида бирор аҳоли маскани ёки тоғ, дарё ва шунга ўхшаш жойларнинг номи муайян жойда яшаган этносларнинг турфа хиллигидан келиб чиқиб турлича аталган. Шунингдек, бир тилдаги атаманинг икинчи бир тилга айнан мазмунига қараб муқобиллаштирилиши (калька қилиниши) ўша пайтга хос хусусият эди. Хусусан, Утрорнинг шимолидаги тоғлар суғдийча *Шавгар* (луг. “Қора тоғ”), туркий тилда эса *Қорачуқ* деб юритилган. Шунга ўхшаш *Сайрам* шаҳри туркий тилда *Сайрам* / *Сарйам* (луг. “Сийрак сув ёки оқ сув”) деб юритилганидек, суғдий тилда ҳам *Исфижоб* (луг. “Оқ сув”) номланган³. Талас водийсидаги юзлаб булоқларга эга жой хитой манбаларида бир вақтнинг ўзида туркий *Бинг-йул* (луг. “Минг-булоқ”) номи баъзан таржима қилинмасдан, аслиятга яқин *Бин-йу* тариқасида, баъзан ва *Цянь-цюань* (“Минг-булоқ”) шаклида хитойча-

¹ Sims-Williams, Grenet, 2006:95-99.

² Отахўжаев, 2009:17.

³ Байтанаев, 2003:5 – 7.




I. Расм. "тегин" (1 – 2, 7 – 10) ва "элтабар" (3 – 6) унвонлари билан зарб қилинган Чоч тангалари



II. Расм. "Тудун" унвони билан зарб қилинган
Чоч тангалари



III. Расм. "Чоч ҳукмдори" унвони (1 – 4) ва **☩** шаклли тамға билан зарб қилинган Чоч тангалари



IV. Расм. "Чоч хукмдори" унвони (1 – 4, 7 – 8) ва Ψ шаклли тамға билан зарб қилинган Чоч тангалари



1 2 3



4 5 6




7 8 9 10




11 12 13

V. Расм. Тошкент воҳасидан топилган от, отлик, арслон ёки барс тасвирли VI – VII асрга оид топилмалар (хайкалча, камар тақинчоғи, тангалар ва б.)



VI. Расм. Чочда зарб этилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари



Тоғ эчкиси шаклидаги Ашина сулоласи “хонлик
тамғаси” акс этган тангалар



VI – VIII asrlar Markaziy Osiё siёсий xaritasi chizmasi
(Э. де ла Вессьер асаридаги харита асосида)

га ўтирилган ҳолатда қайд этилган бўлса, араб географлари асарларида худди шу ер **Азар-хах*¹ тарзида зикр этилган бўлиб, унинг лугавий маъноси ҳам суғдий тилда *азар* – “минг” ва *хах* – “булоқ”, яъни “Минг-булоқ” бўлган². Бу эса илк ўрта асрларда ушбу ҳудудларда ҳам туркий, ҳам суғдий аҳолининг истиқомат қилганлиги билан изоҳланиши билан бирга, бу ерда икки тиллилик мавжуд бўлганидан дарак беради.

Чоч воҳасининг қадим ва ўрта асрлар тарихи бўйича анча йиллардан бери тадқиқот олиб бораётган олима М. И. Филанович бу даврда чочликларнинг ўз тили, ёзуви ва маданиятини сақлаб қолганини таъкидлаш билан бирга, воҳанинг расмий тили суғдий тил лаҳжаларидан бири бўлганини, шунингдек, айтиш пайтда, туркий тил ҳам муомалада бўлиб, тобора кенг ёйилиб борганини ёзади³. Олиманинг бу борадаги баъзи фикрларига қўшилган ҳолда, воҳада суғдий тил лаҳжаси ёки унга яқин лаҳжалардан бири расмий тил вазифасини бажарганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигини ҳам айтиш ўтиш лозим. Аксинча, бу ерда суғдий тилнинг айнан ўзи расмий тил мақомида бўлган. Агар “чочликлар тили” деганда суғдий тилнинг бирор лаҳжаси назарда тутилаётган бўлса, буни ҳам тасдиқлайдиган маълумотларни келтириш зарур бўлади. Модомики, Чоч суғдий тил мутлоқ ҳукмрон бир ҳудуд ёки суғдийлар асосий кўпчилиликни ташкил қилган ўлка бўлса эди, у ҳолда воҳа Самарқанд ва Бухоро каби суғдийлар макони сифатида ўша давр манбаларида тилга олинган бўларди. На араб географлари, на Маҳмуд Кошғарий суғдийларнинг ватани хусусида тўхталар экан, бу ҳақда бирор оғиз гапиришмайди. Аксинча, Муқаддасий чочликларнинг маҳаллий тилини минтақанинг алоҳида бир тили сифатида кўрсатиб ўтади⁴.

Бундан ташқари, воҳа нумизматикаси бўйича тадқиқот олиб борган тангашунослар ишларига таянган ҳолда, М. И. Филанович воҳа тангаларида суғдий унвонлар кенг ўрин олганлиги ва уларда *Артачак*, *Са-чак*, *Шчаниябг*, *Тарнбагч*, *Африг* каби суғдий шахс номлари учрашини

¹ Ушбу жой номи баъзи араб географлари асарларида Абаржож, Абаржох шаклларида қайд этилади. Бу ҳолат араб графикасида нукталар ўрни алмашиб қолганлиги билан изоҳланади.

² Дурье, 2005:82.

³ Муқминова, Филанович, 2001:33.

⁴ al-Moqaddasi, 1967:335

таъкидлайди¹. Шунга ўхшаш фикрлар нумизмат олим Э. В. Ртвеладзе тадқиқотларида ҳам жой олган. Жумладан, у Чоч тангаларида *Йазатиш*, *Пирак*, *Шаниабаг*, *Кавирадн*, *Вийартфарнук* ва бошқа исмлар мавжудлиги ҳамда уларнинг келиб чиқиши шарқий эроний тилларга оидлигини таъкидлайди². Бироқ бу даврга тааллуқли Чоч воҳаси тангаларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу исмлардан бирортаси мазкур тангаларда учрамайди³. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотчилар билдирган фикрнинг аксига *хвабу* – “ҳукмдор” унвонини ҳисобга олмаганда, воҳа тангаларида бошқа суғдий унвонлар учрамаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Чоч аҳолиси тили масаласига хитой йилномаларидаги баъзи маълумотлар аниқлик киритиши мумкин бўлса ҳам, бироқ уларда айрим англашмовчиликларнинг мавжудлиги бу масаланинг тўлақонли равишда ўз исботини топишига имкон бермайди. Жумладан, хитой роҳибни Сюань Цзан (627/629 – 645) минтақага ташрифи мобайнида “*Суйе-шуй (Суёб) шаҳридан Цзешуанна (Кешания/Кеш) мамлакатигача чўзилган ўлкага Сули (Суғд) номи берилган. [Ушбу ўлка] аҳолиси ҳам худди шу ном билан аталади. Ёзув ва тили ҳам ушбу ном билан юритилади*” мазмунидаги маълумотни қайд этган бўлиб⁴, агар мазкур маълумотдан келиб чиқилса, Етисувдан то Кеш (Шаҳрисабз)гача бўлган ҳудуд Суғд деб тушуниларди ва Чоч ҳам улар орасидан жой олган бўлиб чиқарди. Фақат баъзи далиллар хитой роҳибининг мазкур маълумотини том маънода тушунишга йўл қўймайди. Чунончи, мазкур географик тушунча остида Чоч билан бир қаторда Фаргона ҳам тушунилиши керак эди. Бунинг аксига фарғоналиклар тили ҳақида Сюан Цзаннинг ўзи: “[*Фейхан мамлақати аҳолиси*] тили бошқа мамлакатларникидан фарқлидир”, шаклида маълумот келтириши, ундан қарийб юз йил кейин минтақага ташриф буюрган бошқа бир хитой сайёҳи Хой Чао (723 – 726) ҳам Фарғона ҳақида: “*Тили бошқача бўлиб, ўзга мамлакатликларникига ўхшамайди*”, деб ёзиши масалани чигаллаштиради⁵. Бундан келиб чиқадики, фарғоналиклар тили

¹ Мукминова, Фианович, 2001:33.

² Ртвеладзе, 2005:99; 2006: 83 – 84.

³ Шагалов, Кузнецов, 2006:76, 129, 151; Бабаяров, 2007:15, 49 – 50.

⁴ Ekrem, 2003:113; Vaissière, 2005:116.

⁵ Бернштам, 1952:193; Ekrem, 2003:123.

суғдий тилдан губдан фарқ қилган. Акс ҳолда, юқорида келтирилган маълумот Еттисув ва Жанубий Суғд (Қашқадарё) воҳаси оралигида жойлашган барча ўлкалар учун ҳам тааллуқли бўлиб, битта манбанинг ўзида бу каби тафовутли фикрлар баён қилинмасди.

Демак, фарғоналикларга ўшаб чочликларнинг маҳаллий тили ҳам суғдий тилдан фарқ қилган. Ҳарҳолда, Сюан Цзан муайян бир ўлка, аҳоли, ёзув ва тил номи сифатида эътироф этган Сули (Суғд) ибораси, асосан, Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларини ўзи ичига олган асл Суғд ўлкаси ва суғдийлар кейинчалик кучиб бориб, аҳолининг муайян қисмини ташкил қилган Еттисувнинг бир қисм ўтроқ аҳолиси учун қўлланилган бўлиб, ушбу атама мазкур иккала ҳудуд оралигида жойлашган баъзи бир воҳалар аҳолисига нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Шу ўринда бир қатор эроншунос лингвистлар томонидан билдирилган: “Сюан Цзан Сули аҳолиси ва сулиликларнинг тили деганда асл Суғд (Зарафшон – Қашқадарё ҳавзалари) воҳаси, Еттисув, Исфижоб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Чочнинг муҳим бир қисмини ташкил қилган суғдийлар ва уларнинг тили тушунилган”, мазмунидаги қарашларни келтириб ўтиш лозим¹.

Суғдийларнинг айнан айтиб ўтилган мазкур ҳудудларда тарқалиши билан боғлиқ яна бир масала. Аввало, ўша давр демографик вазияти ва шарт-шароитлари ҳисобга олинса, бу масала бирмунча ойдинлашишини айтиб ўтиш лозим. Маълумки, қулай табиий шароитга эга Фарғона водийси ва Чоч воҳасидаги тоғ этаклари ҳамда дарё ҳавзалари қадимдан аҳолиси зич жойлар бўлиб, бу ерга бошқа бир аҳолининг тинч йўллар билан келиб жойлашуви анча мушкул бўлган. Суғдийларнинг нисбатан аҳолиси сийрак, бироқ ўтроқ ҳаёт учун мос ҳудудлар бўлган Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларига кўп миқдорда бориб жойлашувининг сабабларидан бири ҳам шу каби омиллар билан боғлиқ бўлса керак. Эҳтимол, мазкур ҳудудларнинг Буюк Ипанк йўли шимолий тармогида жойлашган асосий масканлар бўлганлиги боис ҳам, табиатан тижоратга моҳир суғдий аҳоли учун бу ерлар жозибали кўринган бўлса, ажаб эмас.

Хуллас, чочликларнинг қадимги маҳаллий тили қандай бўлгани, қайси тил гуруҳига мансублиги ва минтақанинг қайси тиллари билан қариндош эканлиги масаласи ҳалигача очиқ қолмоқда. Чунки воҳа

¹ ОИЯ. СЯ, 1981: 347 – 350.

аҳолисининг тили ҳақида ёзма манбаларда акс этган маълумотларнинг камлиги ёки қадимги Чоч аҳолиси маҳаллий тилида битилган бирор ёзма ёдгорликнинг мавжуд эмаслиги бу масалага ойдинлик киритишга тўсик бўлаётир. Шу ўринда, “қадимги ва ўрта асрларга таллуқли эпиграфик ёдгорликларнинг тили сугдий-ку, балки Чоч маҳаллий аҳолисининг тили ушбу тил билан қариндош бўлгандир”, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, Култобе ёдгорлиги, танга-пул ва турли уй-рўзгор буюмлари сиртидаги ёзувларнинг тили сугдий. Лекин бу ўша даврда воҳанинг расмий-маъмурий тили сугдий бўлганлиги билан изоҳланади. Яъни воҳада мавжуд ҳукмдор сулоалалар ўзларининг этник келиб чиқиши қандай бўлганидан қатъий назар, сугдий тилдан ўз бошқарувида ёзма тил сифатида фойдаланишган. Бу худди Турк хоқонлигининг деярли барча ҳудудида, ҳатто сугдий муҳитдан узоқ жойларда ҳам туркий тил билан барабар сугдий тил ҳам кенг истеъфода этилганига¹ ўхшаш бир ҳол. Маълумки, Турк хоқонлигининг расмий ёдномалари бўлимиш 588 йилда ўрнатилган Бўғут (Муғулистон) битиктоши ва Шарқий Туркистондан топилаган 599 йилга тааллуқли Или битиктошларининг тили сугдий бўлиб, улар хоқонлар тарафидан махсус ўрнатилган². Айнан Турк хоқонлиги билан алоқали равишда Еттисувда, Фарғонада ва Шимолий Тўхористонда сугдий тил ва ёзув кенг тарқала бошлаганини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этадилар³. Бундан ташқари, исломдан аввалги даврларда минтақадаги мавжуд воҳа давлатларининг аксариятида сугдий тил ва ёзувнинг маъмурий-бошқарув тили сифатида қўлланилгани маълум. Бу ҳолат ўша даврда сугдий тилнинг Буюк Ипак йўли манзиллари бўйлаб “халқаро муомала тили” (*lingua franca*) ёки “тижорат тили” бўлгани билан изоҳланиши мумкин. Сугдий тилнинг бу қадар мавқе эгаллашида, албатта, Шимоли-Ғарбий Хитой ва Шарқий Туркистонга бориб жойлашган сугдий савдогарлар гуруҳи ёки сугдий аҳоли маскан (колония) ларининг хизмати ҳам беқиёс. Демак, ушбу тилнинг Чоч воҳасида давлат миқёсида ўрин эгаллашини ҳам худди шу каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

¹ ОИЯ.СЯ, 1981:369–370.

² Кляшторный, Лившиц, 1971:121-146; Osawa, 2002:79-88.

³ Лившиц, Луконин, 1964:173–174; Кляшторный, Лившиц, 1971:136; Бабаёров, Кубатин, 2009:80 – 83.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, гарчи баъзи тадқиқотчилар ўзлари бу масалада жиддий шуғулланмаган бўлсалар-да, Чочнинг маҳаллий тили ёки Чоч тилининг сугдий тил бўлганини олға суришган. Жумладан, А. Муҳаммаджонов Чоч воҳаси аҳолисининг маҳаллий тили сугдий эканлигини, “чоч” сўзи сугдий тилда “тош” ва “тоғ” маъносини билдиришини таъкидлайди¹. Бироқ сугдий сўзлар бўйича тузилган барча лўғатларда “тош” маъносини билдирган сўз бошқа эроний тилларга яқин шаклда *sng/snk* тарзида келтирилишини ҳисобга олиш зарур². Шунингдек, сугдшуносликка оид тадқиқотларнинг бирортасида “Чоч” сўзи сугдий тилда “тош” маъносида эканлиги ҳақида бирор фикр мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунга қарамасдан баъзи тадқиқотчилар ўз асарларида А. Муҳаммаджоновнинг юқорида келтирилган қарашларини давом эттириб, “чоч” сўзи сугдий тилда ҳам “тоғ” ва “тош” маъноларини билдирган, деб ёзмоқдаларки³, бунга юқоридаги сабаблар туфайли қўшилиб бўлмайди.

Қадим Чоч аҳолиси тилининг сугдий тилдан фарқли бўлганини тасдиқловчи айрим ёзма маълумотлар сақланиб қолган бўлиб, улар бу иккала тилнинг яқин ўхшаш ёки қариндош тил бўлгани ҳақидаги фикрларнинг ўз тасдигини топишига имкон бермайди. Жумладан, юқорида ҳам келтириб ўтилганидек, араб географи Муқаддасий (X аср) Чоч аҳолиси тилининг бутун ҳайтал тиллари орасида энг чиройлиси эканини таъкидлаш билан бирга, минтақанинг бошқа тилларидан, шу жумладан, Суғд (Самарқанд) аҳолиси ва уларга тили яқин бўлган қўшни Бухоро рустоқ (туман)лари аҳолиси тилларидан алоҳида эканлигини ёзади⁴. Бу эса чочликларни сугдий тилли, деб ҳисобловчи А. Муҳаммаджонов, М. И. Филанович каби тадқиқотчиларнинг фикрлари етарли асосга эга эмаслигини кўрсатади.

Шу ўринда Муқаддасий келтирган “ҳайтал тиллари” масаласига тўхталасак. Маълумки, араб манбаларидаги ҳайтал атамаси, асосан, эфталитларга нисбатан ишлатилган бўлиб, Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисми маълум муддат (V – VI асрлар) ушбу давлат таркибида

¹ Муҳаммаджонов, 2002:54.

² Garib, 1995:357.

³ Камолидин, 2007:47.

⁴ al-Moqaddasi, 1967:335; Şeşen, 2001:269.

бўлган, VI асрнинг иккинчи ярмига келиб минтақада Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилгач, мағлуб эфталитлар фақат Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда хоқонликка тобе сулолаар сифатида бир муддат ўз бошқарувини давом эттиришган. Шу сабабли араб тилли манбаларга эфталитлар минтақанинг ҳоким бир тоифасининг номи ўлароқ, сиёсий маънога эга ҳудудий тушунча сифатида кириб қолган. Демак, Муқаддасийда учрайдиган “ҳайтал тиллари” иборасини нисбий маънода тушуниш лозим. Чунки хитой йилномаларида *йеда* (эфталит)-ларнинг тили *жужан*, *гаогюй* (уйғур), *ху*¹ (сугдийлар ёки минтақанинг ўтроқ аҳолиси) тилларига ўхшамайдиган алоҳида тил сифатида қайд этилади². Эфталитларнинг тили қайси тил гуруҳига мансублиги масаласи ҳалигача узил-кесил ҳал қилинмаган. Баъзи тадқиқотчилар уларнинг тилини эроний тиллар гуруҳига³, баъзилар эса туркий ёки мўғул тиллари гуруҳига мансуб бўлган⁴, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, кўпчилик олимлар ўрта асрларда Афғонистон ҳудудида яшаган *ҳалаж* турклари эфталитларнинг кейинги авлодлари сифатида қарайдилар⁵. Таниқли тилшунос олим Г. Дёрфер ҳозирда Эронда яшовчи кам сонли этник гуруҳлардан бири бўлмиш *ҳалажлар* тилининг архаик бир туркий тил эканини ва ушбу тилнинг Турк хоқонлиги даврида расмий тил сифатида қўлланилган *Ўрхун-Энасой* битиктошлари тилига яқинлигини исботлаб берди⁶. Бу эса эфталитларнинг кимлиги масаласининг янада чуқурроқ тадқиқ этилишини шарт қилиб қўяди. Чунки бир этнос (эфталитлар)ни ҳам эроний тилли ҳисоблаб, ҳам уларнинг авлодлари (*ҳалажлар*)ни туркий, деб таққин қилиш кишини ўйлантириб қўяди.

¹ Аслида, манбаларда Хитойдан гарбда яшовчи, асосан, марказий осийёлик ўтроқ халқларни ифодалаган “ху” атамасини Н. Я. Бичурин “тюрк” тарзида берган (Бичурин, II:268). Бичуриннинг таржималаридан фойдаланган кўпчилик тадқиқотчилар ушбу сўзни “туркий”, “турклар” маъносида қабул қилишган (Албаум, 1975: 34-35; Зиё, 2001:85; Шониёзов, 2001:135). Бу эса бир қатор англашмовчиликларга сабаб бўлиб келди. Шунинг назарда тутиш керакки, “турк” ёки “турклар” маъносидаги атама хитой манбаларида “тукюе” тарзида берилади ва у Бичурин таржималаридаги “тюрк” дан мазмун жиҳатидан фарқ қилади (муаллиф).

² Бичурин, II:268.

³ Епoки, 1959:23, 34-40; Исoматов, 2006:82-85.

⁴ Бернштам, 1951:200; Шониёзов, 2001:136; Зиё, 2001:73; Heršak, 2002:642; Vaissière, 2003:119-132.

⁵ Inaba, 2005:10-16.

⁶ Doerfer, 1987:410-420.

Таъкидлаш жоизки, Чоч аҳолисининг тилини қадимги эроний тиллардан бири ҳисобловчи тадқиқотчилар кўпчиликни ташкил этади. Бироқ уларнинг бу тариқа фикрга келишига асос берадиган ёзма маълумотлар ёки қадимги чочликлар тилидан қолган бирор сўз намунаси (атама, ибора ёки жумла) ҳалигача мавхум бўлиб қолмоқда. Оз миқдорда сақланиб қолган киши исмлари ва топонимлар эса бу ҳақда муайян бир ҳулоса чиқаришга имкон бермайди. Хусусан, хитой йилномаларида келтирилган Чоч ҳукмдорлари ёки чочлик савдогарларнинг исми хитой тили ва ёзуви қонуниятларига кўра берилганлиги боис, уларнинг асли қандай бўлганини аниқлаш қийин. Воҳа аҳолиси тилини аниқлашга ёрдам берадиган восита – жой номлари эса, асосан, туркий ва суғдий асосда бўлиб, улар Чоч аҳолисининг фақат бир қисмини ташкил қилган аҳоли қатлами билан боғлиқдир. Дарвоқе, хитой йилномаларида VII – VIII асрларда ҳукм сурган Чоч ҳукмдорлари исми тариқасида келтирилган *Ган/Тун, Мохеда, Кюйлэ, Инйе, Чабиши* исмларини тадқиқотчилар *Тун, Баҳодур, Кулуг, Инал, Чабиш* шаклида туркий асосда тиклаб, уларга эпитет ёки унвон сифатида қарашади¹. Ҳатто 605 йилда воҳада туркий сулола ташкил топгунга қадар Чоч ҳукмдори бўлган Нйе исмини ҳам Ю. А. Зуев [И]нел (Инал) шаклида туркий асосда тиклайди². Агар бунга асосланадиган бўлсак, воҳада туркий сулолалар ҳукмронлиги ўрнатилмасдан олдин ҳам Чоч ҳукмдорлари орасида туркий исмлар тарқалган бўлиб чиқади.

Чочнинг маҳаллий тили ҳақида гап кетганда воҳада тахминан милoddан авалги III – милодий III асрларда ҳукмронлик қилган Қанг сулоласи асосчилари бўлмиш “қанглар” ёки хитой манбалари таъбири билан айтганда “кангюйлар”нинг тили масаласига ҳам тўхталиб ўтиш зарур бўлади. Уларнинг тили ҳақида ҳам тадқиқотчилар орасида, асосан, икки хил қараш мавжуд бўлиб, бир гуруҳ олимлар³ “қанг тили” эроний тиллар гуруҳига мансуб, деб ҳисобласалар³, бир қисм олимлар эса бу тилни туркий тилларга тааллуқли, деб қарайдилар⁴. Жумладан, М. И. Филанович кангюйларни милoddан аввалги бир мингйилликнинг сўнгги асрларида

¹ Chavannes, 1903:140-142; Skaff, 2002:103, n. 23; Бабаёров, 2007:59 – 60.

² Зуев, 2002:94.

³ Филанович, 2001:22-23.

⁴ Малявкин, 1989:201.

Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва шимоли-шарқий Оролбўйидан Чоч воҳасига кўчиб келиб, бу ерда ўз давлати (Кангюй)ни курган сарматларнинг авлоди бўлган, деган фикрни олға суради¹. Маълумки, фанда сарматларни эроний тилли қабилалар гуруҳи сифатида талқин қилиш кенг ёйилган. Бироқ қанғларнинг сарматлар билан алоқадорлиги масаласи хали тўлақонли ўз исботини топганича йўқ.

Қанғларни туркий тилли деб қаровчи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра эса, воҳада туркий тилнинг кенг ёйилиши айнан Қанғ давлати ҳукмронлиги пайтига тўғри келади. Жумладан, дастлабки тадқиқотларида уларни “бошланғичда эроний тилли бўлиб, кейинчалик туркийлашиб кетган этнос” сифатида талқин қилган К. Шониёзов ўзининг кейинги ишларида уларни милод бошларидаёқ туркий тилли қабила бўлганини эътироф этади². Хусусан, у ўзининг “Қанғ давлати ва қанғлилар” номли монографиясида улар ҳақида шундай ёзади “Туркий тилнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларига кенг тарқалишида қадимги хун ва усун қабилалари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи бир қанча бошқа туркий қабилаларнинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Бу қабилалар таъсирида милоддан олдинги I аср ва милодий II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи шак қабилаларидан бири – қанғлар тил жиҳатидан турклашганлар”³. Ҳатто қанғларни эроний тилли этнос сифатида қаровчи М. И. Филанович ҳам уларнинг тез орада турклашиб кетгани ва кейинчалик Кангуй давлати туркий тилли давлат сифатида намоён бўлганини таъкидлайди⁴. Шу билан бирга, баъзи тадқиқотчилар ушбу давлатга асос солган этнослар хитой манбаларида *кангюй*, *кангуй* шаклларида тилга олинганини таъкидлашадики, эҳтимол ушбу этноним *гаогюй* ёки *гаоче* этнонимлар билан алоқали бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, сўнгги этнос хитой йилномалари мазмунидан туркий тилли қабила эди⁵. Тадқиқотчилар фикрича, *қанг* этноними қадимги туркча “арава” маъносига “қанг” сўзи билан алоқали бўлиб, *гаоче* сўзи ҳам хитой тилида “баланд арвалилар” маъносини билдирган ва ушбу сўз

¹ Филанович, 2001:16, 22.

² Шониёзов, 1990:154; 2001:84-85.

³ Шониёзов, 1990:154.

⁴ Филанович, 2001:23.

⁵ Бичурин. I:214.

туркий “қанг” (арава) ёки “теле” (тегрек – “арава”) сўзларининг хитойча муқобили бўлган¹. Шу ўринда А. Муҳаммаджоновнинг Қанг давлати ва унинг номи ҳақида айтган “қадимги тоҳарлар тилида “қанг” сўзи ҳам “тош” билан бир қаторда “баланд гилдиракли тошдек мустаҳкам арава” маъносини англатган” мазмунидаги фикрлари² мунозарали эканини таъкидлаш лозим. Аввало, деярли барча тадқиқотчилар бу атамани қадимги туркча сўз ҳисоблашади³. Шунингдек, қадимги тоҳар (аслида, тўхор)лар тилида бу сўз айнан “арава” маъносида ишлатилганини тасдиқлайдиган на ёзма маълумотлар ва на лингвистик далиллар учрайди.

Ўрта асрларда туркий қабила сифатида намоён бўлган қанглиларни қадимги турк уруғларидан бири сифатида талқин қилиб, ушбу этнонимга туркий асосда изоҳ берган муаррихлар учрайди. Жумладан, Абулғози Баҳоурхон (XVII аср) ўзининг “Шажарайи турк” асарида “қангли” сўзининг келиб чиқишини арава билан боғлаб: “(арава) юруганда қаниқ-қаниқ овоз қилур, ани ясаган кишини қаниқли тедилар”, – деб ёзади⁴. Гарчи қанглиларнинг ўрта асрларда туркий тилли қабила бўлгани шубҳасиз бўлса-да, бу уларнинг қадимги қанглар билан этник алоқадорлиги ёки қангларнинг тили туркий бўлгани ҳақида кескин хулоса чиқаришга имкон бермайди. Қадимда бутунлай бошқа тил гуруҳига мансуб бўлган бирор этноснинг этник номи ҳеч ўзгармасдан ёки жузъий ўзгаришлар билан кейинги даврларда умуман бошқа тилли бир этносга айланганлигига тарихда мисоллар талай. Шу боис, “қанглар қадимдан туркий тилли бўлишган, улар қадимги турк қабилаларидан бири эканининг исботи шуки, ҳозирги бир қатор туркий халқлар таркибида “қангли”, “қаъни”, “қангарлу” каби уруғлар бор”, деб қаровчиларнинг фикрлари бирёқламали бўлиб қолаверади. Ҳатто, ўрта асрларда Жанубий Сибир ва Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида, Шимолий Кавказ ва Кичик Осиёда “қанглиг”, “қангар”, “ханга-киши”, “қангаруғлу” каби этнослар бўлгани ва улар туркий тилда сўзлашгани⁵ каби далиллар ҳам бу

¹ Ögel, 1945:469-471; Ögel, 1948:796.

² Муҳаммаджонов, 2009:101.

³ ДАТ:419; Clauson. 1972:638.

⁴ Абулғози 1992: 21.

⁵ Тогап, 1981; Шониёзов, 1990:122-129.

масалани ечишда бирламчи асос бўла олмайди. Бироқ шуниси аниқки, милоддан аввалги мингйилликнинг охирларидан то милодий мингйилликнинг ўрталаригача қайси тил гуруҳига мансуб бўлгани мавҳум бўлиб қолаётган қанғлар ёки қанғлилар, IX – X асрларга келиб, ҳатто ундан бир неча аср олдинроқ ўзларини туркий қабила сифатида намоён қилишганди. Бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлича. Хусусан, VIII – IX асрларда Марказий Осиёдаги этник манзара қандай бўлганини кўрсатувчи тибетча ҳужжатда (IX аср) *Другу йул* (луғ. “турклар ўлкаси”) да яшовчи қабилалардан бири “гара ганглиг” шаклида қайд этиладигани, тадқиқотчилар ушбу сўзни туркий “қора қанглиг” ёки “қора қангли” этноними билан тенглаштиришади¹. Мухими шундаки, XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Тошкент вилоятида яшовчи ўзбек ва қозоқлар таркибида “қангли” уруғининг бир тармоғи “қора қангли”, “қара қанғи” деб аталган бўлиб, қирғиз уруғлари орасида ҳам “қара қанғи” этноними мавжуд².

Кейинги йилларда эса, асосан, ўзбек тарихшунослигида Қанғ давлатини туркий тилли этнослар барпо қилишган, деб қараш ва бу даврни ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичи тарзида талқин қилиш кенг ёйилди. Бу даврнинг ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос из қолдиргани шубҳасизлигини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш жозизки, қанғлиларнинг этник мансублигини аниқлаш учун янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб борилиши талаб этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қанғлар тили ҳақида ўртага ташланган иккала фикр тарафдорларининг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд. Аввало, қанғ (кангюй)лар ҳақида бирламчи маълумот берувчи ёзма асарлар хитой йилномалари бўлиб, уларда қанғлар тили ҳақида жўяли маълумотлар учрамайди. Шунингдек, йилномаларда улар тилига оид бирор – бир атама ёки сўз келтирилмаган. Бу эса қанғ (кангюй) тилини тўғридан-тўғри эроний тиллардан бири бўлган, деб ҳисоблаш ёки эроний сарматлар билан алоқали тил сифатида қарашнинг ёхуд бу тил туркий тил эди, деб изоҳлашнинг устунлик қозонишига имкон бермайди. Шу боис бу борада билдирилган фикрлар ҳозирча тахминий бўлиб қолаверади.

“Қанғ ҳукмдорлари тангалари” деб ҳисобланувчи, тахминан мило-

¹ Vacot, 1956:142, 146, 152; Абдуҳолик Абдурасул ўғли, 1997:72 – 77.

² Шоннёнэв, 1990:138-151.

дий III – V асрларга тааллуқди Чоч тангаларида ўрин олган ҳукмдор тасвирларига назар ташланса, уларнинг аксарияти илк ўрта асрларда зарб қилинган туркий тангалардаги тасвирлардан кескин равишда фарқ қилиб, европеоид қиёфа (чўзиқ узун юз, йирик ёки бодомсимон кўз, бургутсимон қирғий бурун, жингалак соч)да бўлганликларига гувоҳ бўлиш мумкин¹. Бу эса бир қатор олимларнинг қанғлар европеоид қиёфали, эроний тилли этнос бўлган, деб талқин қилишларига асос бераётир. Гарчи тангалардаги тасвирлар тадқиқотчилар фикрларида жон бор, деб худоса чиқаришга асос берадигандек кўринса-да, айтиш жоизки, фақатгина шу каби аломатларига таяниб, бу борада кескин фикр билдириш бирёқламаликни келтириб чиқаради. Аввало, Ш. Камолиддин таъкидлаганидек, бундай қиёфа фақатгина эроний этносларга хос бўлмай, қадимги туркларнинг бир қисмига, хусусан, ўғузларга ҳам хос бўлган². Бундан ташқари, ушбу тангалардаги тасвирлар реал бир ҳукмдорнинг тасвири бўлмай, ўзлаштирилган танга зарби анъанаси билан биргаликда келиб қолган стереотип бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, бу давр Чоч тангаларига парфёнийларга хос танга зарби анъанасининг таъсир кўрсатганини ҳисобга олиш зарур бўлади. Шуниси ҳам борки, ушбу Чоч тангаларида ҳукмдор тасвирлари чўзиқ бошли, долихокефал европеоид тип бўлиб, у ўша давр минтақа аҳолисига хос думалоқ бошли, брахицефал европеоид типдан, яъни икки дарё оралиги типидан анчагина фарқ қилади.

Шу тариқа лингвистик материалларнинг етарли эмаслиги боис, ҳозирча “чочликлар тили” ёки “Чоч тили”ни суғдий тилнинг қадимдан алоҳида ажралиб чиқиб, катта ўзгаришларга учраган бирон лаҳжаси ёки у билан қариндош, шарқий эроний тиллардан бири эканлигини ёхуд умуман бошқа бир тил гуруҳига мансуб бўлганини узи-кесил айтиш қийин. Хуллас, қадимги чочликларнинг маҳаллий тили ҳақида кескин ва аниқ бир тўхтамга келиш ҳозирча мушкул. Келажакда бу масалани ҳал қилувчи лингвистик материалларнинг топилиши ёки бу масалани ечишда ёрдам берувчи бирор ёзма манбаининг аниқланишидан умидвор ҳолда айтиш мумкинки, “Чоч тили” ёки “қадимги чочликлар тили” масаласи ҳануз очиқ қолаётир.

¹ Ртвеладзе, 2002:13 – 119; Шагалов, Кузнецов, 2007:28-44.

² Исаков, Камолиддин, Бабаяров, 2008:214-218.

ЧОЧ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТОПОНИМЛАРИ

Чоч воҳаси ўзининг географик жойлашувига кўра утروق ва кучманчи ҳаёт кечирувчи этнослар орасида алоқалар жадал кечган ўлка бўлиб, шу жиҳати билан у Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Воҳанинг илк ўрта асрлар тарихини ёритиш учун ўша пайтда бу ерда мавжуд бўлган жой номларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, топонимик маълумотлар ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида тарихий тасаввурлар бериш билан бирга, Чоч воҳасида қандай этнослар яшаганлигини аниқлашда катта ёрдам беради.

Чоч воҳасида қадим ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган жой номларига оид маълумотлар, асосан, хитой ва араб-форс манбаларида сақланиб қолган. Воҳага тааллуқли баъзи бир жой номлари эса қисман сугдий ва бошқа тиллардаги манбаларда учрайди.

Воҳа топонимияси бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар орасида В. В. Бартольд, М. Е. Массон, Ҳ. Ҳасанов, С. Қораевларнинг ишлари алоҳида ажралиб туради. Чочнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги шаҳар ҳамда қишлоқларининг ўрнини аниқлашда археолог Ю. Ф. Буряковнинг тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовор. Бугунги кунда Чоч топонимларига доир А. Муҳаммаджонов, Ш. Камолiddин каби тадқиқотчилар томонидан самарали ишлар амалга оширилган ва воҳада мавжуд жой номларининг аксарияти илмий жиҳатдан бирмунча изоҳлаб берилган.

Илк ўрта асрлар Чоч воҳаси топонимларини тадқиқ қилиш шундан дарак берадики, воҳадаги жой номларининг катта бир қисмини туркий номлар ташкил қилиб, улар ўз тузилишига кўра соф туркий, туркий-сугдий ва сугдий-туркий компонентлардан ташкил топган. Шунингдек, бу давр воҳа топонимларининг катта бир қисми сугдийча асосли бўлиб, улар сугдшунос олим П. Б. Лурье томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Қуйида мисол тариқасида воҳанинг илк ўрта асрларга тааллуқли туркий топонимлардан бир қисмини келтирамиз:

Тошкент – ёзма манбаларда милодий XI асрдан бошлаб учрай бошлаган ушбу топонимнинг айнан қачон ва қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлгани масаласи ҳалигача ўз ечимини топмаган. Француз олими Э. Шаванн воҳа номининг V асрга тегишли хитой манбаларида “Ши” тарзида қайд этилиши ва ушбу сўзни ифодалайдиган иероглиф хитойчада “тош” маъноси билдиришини таъкидлаб, у билан воҳанинг туркийча номи Тошкент орасида боғлиқлик борлигини олға сурган эди¹. Шунга қарамай, баъзи тадқиқотчилар Тошкент сўзини турлича изоҳлашган, ҳатто бу ном “тош” билан алоқали эмас, деб қараган ҳоллар ҳам бўлган².

Шу ўринда, Тошкент номини илк бор айнан бутунги шаклига яқин тарзда қайд қилган буюк алломалар Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) ва Маҳмуд Кошғарийлар (1008 – 1105) томонидан келтирилган талқинларнинг ҳанузгача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлаш жоиз. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, улардан ҳар иккаласи ўрта асрларда яшаган кўпчилик олиму уламолардан фарқ қилган ҳолда, ҳар бир масалага ниҳоятда синчковлик билан қараб, келтираётган маълумотларини “етти ўлчаб, бир кесиб” ёзишган. Нафақат ҳозирги давр олимлари, балки ўз даври алломалари эътироф этганидек, Беруний бирор масалага тўхталар экан, у ҳақда ўзидан олдин билдирилган фикрларга шубҳа билан қараб мушоҳада юритган энциклопедист олим сифатида машҳур бўлса, Кошғарий эса нимаики ёзмасин, хоҳ у бир атама ёки сўз, хоҳ бирор элат ёки жой номи бўлсин, бевосита ўзи бориб кўриб, қаноат ҳосил қилгач, ўз асарида жой берган элшунос олим сифатида маълум. Шу жиҳатдан олганда, ҳар иккала олимнинг Тошкент ҳақида ёзган сатрлари қийматлидир.

Беруний ўзининг “Ҳиндистон” ва “Қонуни Масъудий” асарларида Тошкент сўзига доир қуйидагича қийматли фикрларини баён қилган:

“Тили бошқа булган [халқнинг] ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номавр тезроқ ўзгаради. Купинча, тиллари [бошқа халқ] у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади, [натижада ўша] исмларнинг маъноси ўзгариб, шу кўйича юнон одатлари сингари, ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, тош сўзи [асли] туркча исм бўлиб, Шош шаклини олган. Тошканд – тошли қишлоқ демақдир. Жугрофия

¹ Chavannes, 1903:140.

² Эназаров, 2007:132.

асарида у Бурж ал-Ҳижора [Тош қалъа] деб номланган”¹;
“Бинкат – Шошнинг пойтахти, туркчаси Тошқанддир”².

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу сатрларни аллома Ҳиндистондаги аҳоли манзиллари, турли шаҳар ва бошқа жойларнинг номланиши ва уларнинг лугавий маъноси, умуман олганда, келиб чиқишига доир мавжуд баҳсларга ўз муносабатини билдириши мобайнида айнан Тошкентни намуна сифатида келтиради ва уни, шубҳасиз, туркий сўз сифатида талқин қилади. Ушбу маълумот мазмунидан ҳам аён бўладики, шаҳарнинг маҳаллий номи, аслида, Тошкент бўлган, араблар келгач, бу ернинг номи улар талаффузига мослашиб, Шош шаклини олган. Шу ўринда Берунийнинг ҳамасри бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида Тошкент номига доир билдирган қуйидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор:

“Таркан/Ташкан – Шош шаҳрининг номидир... Асл номи Тошқанд, “Тош шаҳар” маъносидадир”; “Бутун Маворауннахр, Йанқанд (Пойқанд)дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, Самарқанд – Семизқанд, Тошқанд – Шош, Ўзқанд, Тунқанд номларининг ҳаммаси туркчадир. Қанд сўзи туркча шаҳар демакдир”³.

Ҳар иккала аллома асарларидан келтирилган далиллар орасида бири-бирига шу қадар ҳамоҳанглик борки, гўё улар битта манбадан олингандек. Беруний ва Кошғарий маълумотлари орасидаги ўхшашлик нафақат Тошкент мисолида кўринади, балки қадимий Самарқанд номига доир билдирган фикрлари ҳам бир-бирини такрорлайди. Яъни, Беруний: “Самарқанд – туркчаси эса Семизқанд, яъни “семиз, бўлиқ/унумдор” шаҳар маъносидадир”, – деб ёзса, Кошғарий: “Самарқанд туркча Семизқанд, катта шаҳарлиги туфайли шундай номланган”, деган фикрларини баён қилади. Эҳтимол, ушбу маълумотлар шаҳар номининг илк даврларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ мазкур маълумотларнинг мавжудлиги, айнан мазкур алломалар яшаган даврда шаҳар номи ҳақида шундай талқинлар борлигини кўрсатиши билан биргаликда, бу ер аҳолисининг муҳим бир қисмини туркий аҳоли ташкил этганидан дарак беради.

¹ Беруний, 1965:232.

² Беруни, 1973:471.

³ Кошғарий, I: 414: DLT, I: 443.

Гарчи “Девону луготит турк” да туғридан-туғри маълумотлар учра-маса ҳам, аксарият тадқиқотчилар Маҳмуд Кошғарий келтирган маълумотларни ўзидан қарийб ўттиз беш ёш катта бўлган, асарларини ундан анча олдин ёзган Берунидан олганлиги ҳақида ҳамфикрдирлар¹. Бу фикрда жон борлигини таъкидлаш баробарида айтиш мумкинки, ҳар иккала олим ўз асарларини ёзар экан, маълумотларни ўша даврдаги мавжуд реал воқелиқдан олганликлари аниқ. Маълумки, Беруний яшаб ижод қилган давр дастлаб Хоразмда Маъмунийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврига туғри келган бўлса, кей-инчалик ушбу сулолалардан биринчиси ўрнини Ғазнавийлар, иккин-чисининг ўрнини эса Қорахонийлар сулоалари эгаллаган бир паллага тенг келади. Айниқса, унинг асарлари Ғазнавийлар муҳитида дунё юзи-ни кўрган. Ўша даврда ҳам минтақа аҳолисининг этник жиҳатдан тур-ли-туманлигини эътиборга оладиган бўлсак, алломанинг туркий атама ва жой номларига диққат қаратгани алоҳида аҳамиятга молик. Маҳмуд Кошғарий эса, асосан, Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган ҳудудда туғилиб, вояга етган бўлса-да, ўз асарини Бағдодда, яна бир туркий сулола бўлмиш Салжуқийлар муҳитида илм оммасига тақдим қилади.

Аммо бу ушбу алломалар келтирган мазкур шаҳарлар ҳақидаги маълумотлар айнан ўша даврда пайдо бўлганидан дарак бермайди. Чун-ки ҳар қандай жой номининг шаклланиши маълум бир муддат давомида кечади ва у ҳақда айтилган фикрдан анча олдин пайдо бўлади. Дарвоқе, Тошкент номи мазкур алломалар яшаган даврдан қарийб беш юз йил аввал хитой йилномаларида *Ши* – “тош”, қарийб минг йил олдин эса маҳаллий манбаларда *Чоч* – “феруза тоши, қимматбаҳо тош” маъносида мавжуд эди².

Шу ўринда Тошкент сўзига бевосита алоқадор бир масалага тўхта-либ ўтсак. Воҳа номи “Девону луготит турк”нинг арабча асл нусхасида Таркан (t-r-k-n) шаклида ҳам учраб, кўпчилик тадқиқотчилар уни Тош-кент шаҳрининг номларидан бири сифатида қарашган ва шу асосда унга

¹ Ҳасанов, 1963:70 – 74; Крачковский, 1958; Волин, 1941:483-487. Максудов, Бабаёров, 2009:203 – 205.

² Максудов, Бабаёров. 2009:203 – 205.

этимологик изоҳлар қидиришган. Дарвоқе, “Девон”ни биринчилардан бўлиб нашр қилган туркиялик олим Б. Аталай уни Terken шаклида¹, С. Муталлибов эса Таркән шаклида беришган². Асосан, ушбу таржималардан фойдаланган тадқиқотчилар Таркан номига этимологик изоҳ беришга ҳаракат қилган бўлсалар-да³, ишонарли изоҳ топа олишмаган.

Аслида, асарни 1984 йилда инглизчага таржима қилган америкалик олим Роберт Данкофф “Девон”нинг туркча ва ўзбекча нашрларида йул қўйилган хатоларни тўғрилаш жараёнида Таркан сўзини TASHKAN – Tashkan тариқасида тузатган эди⁴. Бироқ асарнинг ушбу нашридан беҳабар ҳолда Таркан сўзининг маъносига доир мақолалар эълон қилинишда давом этаётганлиги⁵ ажабланарли ҳол. Кези келганда айтиб ўтиш жоиз, биз ҳам Данкофф нашридан беҳабар ҳолатда Таркан шаклининг шубҳали эканлиги, нуқталар тушиб қолганлиги сабабли таржимонлар ушбу атамани Таркан тарзида берганликларини таъкидлаб ўтгандик. Фикримизча, бу сўз “Девон”да дастлаб Тејкеп шаклида ёзилган бўлиб, асардан нусха кўчириш жараёнида котиб уни Тарканга айлантирган. Аслида бу атама шу каби босқичларни босиб ўтган: Тејкеп < Tashken < Tashkent. Биз Данкофф нашри билан танишгач, шунга ўхшаш фикр анча олдин ўртага ташланганига гувоҳ бўлдик, фақат Данкофф томонидан тикланган TASHKAN – Tashkan версияси ҳам унчалик муваффақиятли чиқмаганлигига қаноат ҳосил қилдик. Чунки, арабча ش (шин) ҳарфининг нуқта тушиши туфайли r (ро-) ҳарфига айланиши мунозаралидир. Шунга қарамай, яқин йилларда “девон”ни русчага таржима қилган қозоғистонлик мутахассислар уни Ташкан (تاشكن) шаклида келтиришганини айтиб ўтиш зарур⁶. Бироқ ушбу атама асарнинг арабча

¹ DLT, I. 443.

² Махмуд Кошғарий, I:414.

³ Академик А. Муҳаммаджонов Тошкент тарихига доир яқинда нашр қилдирган “Қанг – қадимги Тошкент ва тошкентликлар” (Т. 2009) номли монографиясида: “Махмуд Кошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент шаҳри бу даврда “Таркан” деб ҳам юритилган. Унинг бу нодир исми “Оқар сув” бўйидаги шаҳар маъносини англатади. яъни унинг Калкавуз ва Анҳор сувлари бўйида жойлашганига ишорадир”. деб эсади (Муҳаммаджонов. 2009:104). Бироқ тадқиқотимизда келтириляётган далиллар бу фикрни рад қилади.

⁴ Mahmud al-Kasragi, 1984:333.

⁵ Камолитдин, 2006:82; 2007:47; Эназаров, 2007:132; Муҳаммаджонов, 2009:104

⁶ Махмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк, 2005:413 (2557).

аслида تَزْكَن шаклида учрайди. Шу ҳолатда уни تَشْكَن (Ташкен) эмас, تَزْكَن (Тејкен) шаклида тиклаш уринлидир. Умуман олганда -j (сирғалувчи ж) ундошининг -š (шин) ундоши яқин бир товуш эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Дарвоқе, Кошғарий “Девон”ида -j (ج) ундошининг туркий тилларга хос бир товуш эканлиги ўлароқ баъзи сўзларда учрашини¹ ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Бизнингча, Тошкент номининг бошқа бир варианты сифатида “Девону луғотит турк”да Ташкан (аслида Ташкән) атамасининг учраши ҳам бежизга бўлмаса керак. Туркий тилларга хос сингармонизм (унлилар мослиги) қонуниятига кўра кўп ҳолларда икки компонентдан ташкил топган ясама сўзларда унлилар бир-бирига таъсир қилади ва оқибатда улардан бири устун келиб, ҳамоҳанглик вужудга келади. Афтидан, бу ҳодиса воҳа номида ҳам юз берган кўринади: Ташкент > Ташкән. Шу ўринда воҳа номининг ҳозиргача Тошкент аҳолисининг баъзи тоифаларида Ташкан (Ташкән) шаклида талаффуз этилишига гувоҳ бўлганимизни айтиб ўтиш лозим. Демак, қарийб минг йил олдин ҳам воҳаниннг туркий аҳолиси сўзлашув нутқида воҳа номини шундай талаффуз қилиш одати мавжуд бўлган. Бундан хабардор бўлган Маҳмуд Кошғарий эса воҳа номига доир “Ташкән – Шош шаҳрининг номидир... Асл номи – Ташкәнд” тариқасида мулоҳаза юритган.

Илоқ – ҳозирги Оҳангарон водийси ва дарёсининг илк ўрта асрлардаги номи бўлиб, Тошкент воҳасининг катта бир қисми учун қўлланилган бош топонимлардан бири. Илк бор араб географлари асарларида учрайди, деб ҳисобланадиган ушбу топоним, баъзи тадқиқотчилар фикрича, аслида, ундан анча илгари *Ши-ло*, яъни Чоч-Илоқ шаклида хитой саёҳи Хой Чао (726 й.) асарида тилга олинади². *Илоқ* сўзининг луғавий маъноси ҳақида турлича фикрлар билдирилган: 1) туркийча *илақ* – айлақ (яйлов)³; 2) М. С. Андреевга кўра, *илақ* – темирчи-хунарманд маъносини англатган бўлиб, дарёнинг ҳозирги номи – Оҳангарон тожик тилида хуади шу маънони билдиради⁴; 3) *Илак* – ҳозирги Кичик Осиё туркча-

¹ DLT, I:55, 71, 99, 127, 130.

² Бернштам, 1952:188.

³ Буряков, 2002:14.

⁴ Андреев, 1896:16 – 28; Шониёзов, 1990:52, 59-изох.

сида илик, татарчада илэк – “тинч оқар, тиниқ сув” маъносида ишла-
тилади¹. Фикримизча, ушбу топонимни дастлаб гидроним бўлган, деб
ҳисоблаш маъқулроқ. Чунончи, Урол дарёсининг чап ирмоғи Илэк ёки
Илек суви, Тожикистонда Душанбе шаҳрининг шимоли-шарқидаги сой
Оби Илоқ (ҳозирда Элак) деб юритилади. Шунингдек, Жўнгория те-
кислигидаги Или дарёси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”
асарида ва ўрта аср манбаларида Ила ёки Ила суви тариқасида қайд эти-
лади². Бу маълумотлар эса Илақ, Илак, Илек, Ила номларининг ўзаги
битта эканлигини ҳамда қадимги туркчада дарё ва ирмоқларга нисбатан
қўлланилганини кўрсатади.

Тункат – илк ўрта асрларда Илоқ (Оҳангарон) водийсининг бош
шаҳри сифатида араб географлари асарлари (IX–XI асрлар)да учрай-
ди. Э. В. Ртвеладзе ушбу шаҳар номининг VI – VIII асрларга тааллуқли
Чоч тангаларининг баъзиларида Тунуканд шаклида учрашини таъкид-
лайди³. Бироқ Чоч воҳаси тангаларини синчиклаб ўрганиш натижасида
Тунуканд ёки Тункат сўзи исломдан аввалги тангаларда учрамаслиги
аниқланди⁴. Бизнингча, хитойча “Тан шу” йилномасида 658 йили Ши
(Чоч) ҳукмдори Ган тудун (асли Тун тудун) ўтирадиган шаҳар сифа-
тида қайд этилган *Дуньцзе* ёки *Туньцзе* номининг асли Тункат бўлган⁵.
Чунки “тун” ёки “тун” сўзлари хитой манбаларида *дунь* / *тунь* шак-
ларида берилганидек, сугдий ва туркий тилларда жой номи ясайдиган
“кат” (шаҳар) сўзи *цзе* тариқасида қайд этилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Н. Я. Бичурин таржимасида мазкур
шаҳар номи *Ганьгэ*, Э. Шаванн таржимасида эса *K'an-kie* шаклида кел-
тирилгани учун бўлса керак, шаҳарнинг асл шакли қандай бўлганлиги
борасида шу пайтгача билдирилган фикрлар орасида фарқлиқлар бў-
лиши баробарида, унинг Тункат билан алоқадорлиги масаласи айтил-
масдан келди⁶. Фақат хитойшунос олим А. Г. Малявкин ўз вақтида *Гань-
гэ* номи, аслида, *Дуньцзе* шаклида ўқилиши кераклигини таъкидлаган

¹ Севортян, 1974:346; Дусимов, Эгамов, 1977:115.

² Кошгарий, III:253; МИКК, 1973:109, 131.

³ Ртвеладзе, 2002: 46-47.

⁴ Бабаяров, 2007:83.

⁵ Бабаяров, 2007:59.

⁶ Бичурин, II:313; Chavannes, 1903:140.

бўлса ҳам¹, уни Бинкат билан тенглаштириб, маълум маънода хатога йўл қўйган эди. Афтидан, воҳанинг марказий шаҳри айнан ўша даврда Бинкат деб аталмаганлиги ва унинг фақат IX асрдан бошлаб воҳа пойтахти сифатида тилга олинishi, VII – VIII асрларда эса Чоч ҳукмдорлигининг пойтахти Чжеши (Чоч) шаклида хитой йилномаларида учраши, шунингдек, Бинкат ва Дуньзе сўзларининг орасида шаклий ўхшашлик кузга ташланмаслиги бу масаланинг тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келишига сабаб бўлган.

Баъзи тадқиқотчилар мазкур шаҳар номининг аслини Кангюй (Қанг) билан алоқали ҳисоблашса, баъзилар уни **khamkiat* ёки **kamkar* шаклида тиклашган, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Н. Я. Бичурин таржимасида Ганьгэ тариқасида келтирилгани боис унинг шаклий ўхшашлигига таяниб, воҳадаги қадимий шаҳар харобаларидан бири бўлиши ҳозирда Қанқа ёки Қанқатепа деб аталаётган ёдгорлик билан тенглаштириб келдилар. Жумладан, Е. Пулейблэнк уни **khamkiat* шаклида қараб, қадимги Кангюй билан алоқадор жой номи сифатида изоҳлаган бўлса², Ю. А. Зуев Qang-ket тарзида тиклаган³, А. Хужаев эса ушбу шаҳар номинининг қадимги хитойча ўқилиши Kam+kiat эканлигини таъкидлаб, уни Каньце тариқасида келтирган ва уни Кемкент билан тенглаштириш мумкин, деб ёзган эди⁴. Бироқ ушбу изоҳларга қўшилиш қийин. Аввало, Ю. А. Зуевнинг Qang-ket вариантини бошқа бирор далил келтирилмаганлиги юзасидан қабул қилиш мушкул. Боиси, 658 йилги воқеалар муносабати билан тилга олинган Каньце⁵ (аслида Туньце) шаҳрини қадимги Кангюй давлати билан тенглаштириш имконини берадиган далиллар йўқлиги, шунингдек, Кангюй атамаси муайян бир шаҳарни эмас, давлат ва унга асос солган этносни ифодаладиган атама сифатида хитой йилномаларида учраши каби сабаблар туфайли бу

¹ Малявкин, 1989:166–167, к. 246.

² Аальто, 2005:102.

³ Зуев, 2002:101.

⁴ Ходжаев, 2005:9 – 10.

⁵ Ушбу топонимнинг биринчи қисми Гань (Кань) сўзини ифодаловчи иероглиф билан Дунь (Тунь) сузи учун ишлатиладиган иероглиф яқин ўхшашликка эга. Хитой манбаларида хорижий исм ва атамалар муайян иероглифлар билан ифодаланган бўлиб, баъзан нусха кўчириш жараёнида ўхшаш иероглифлар чалкаштириб юборилган ҳоллар ҳам мавжуд. Шу туфайли асли Дунь бўлган иероглиф Гань шаклини олган бўлиши мумкин (қар. Малявкин, 1989:166–167, к. 246).

фикр муболағалидир. Агар ҳозирги Қанқа ёдгорлигининг номи деярли ўзгармасдан милоднинг бошларида ҳам, илк ўрта асрларда ҳам худди шу шаклда ёки шунга яқинроқ кўринишда манбаларда учраса эди, масала бошқача бўларди. Бироқ араб географлари асарларида воҳанинг кичик шаҳар ва қишлоқлари тилга олинган ҳолда Қанқа номли жой эслатилмайдди. Хитой йилномаларидаги Ганьгэ шаҳрини А. Хўжаевнинг Кемкент билан солиштириши ҳам исбот талаб қилади. Чунки илк ўрта асрларда Чоч воҳасида Кемкент номли бирор шаҳар ёки бошқа бир аҳоли маскани бўлганлиги ва унинг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумот манбаларда учрамайди.

Дуньцзе ёки Туньцзе/Тунькэ номларининг Тункат эканлигини тасдиқлайдиган далилларга тўхталадиган бўлсак, аввало, бу уларнинг шакл жиҳатидан ўхшашлигида кўринса, иккинчидан мазкур шаҳарнинг географик жиҳатдан Фарғона водийсига яқин жойлашганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, “Тан шу” йилномасида хитойликлар тарафидан Ши (Чоч)нинг Даван дудуфу (губерния)сига айлантирилгани ва ҳукмдор Ган тутун (Тун тудун) бу ерда бошқарувчи қилиб тайинлангани ҳақида маълумот учрайди¹. Маълумки, бундан анча аср олдин Даван Фарғона водийсининг хитойча номланиши эди. Эҳтимол, 658 йилда ташкил қилинган Даван губернияси Чоч ва қисман Фарғонани ўз ичига олган бўлса керакки, шунинг учун ҳам у Даван деб номланган ва Чоч ҳукмдори бу тузилмада Хитой ноиби сифатида иш тутиб, ҳар иккала регионни бошқаришга қулай бўлган Тункат шаҳрини бошқарув маркази сифатида танлагандир.

Тункат сўзининг туркий эканлигига доир баъзи ишоралар ўрта асрларга тааллуқли манбаларида учрайди. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий у ҳақда шундай ёзган: “Самарқанд – Семизканд, Тошканд – Шош, Узканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир”². Э. Умаров фикрича, Тункат асли *Тункат* бўлиб, қадимги туркча *тун* (тўнгич, биринчи) + *кат* (*кант*) (шаҳар) сўзларидан ташкил топган ва луғавий жиҳатдан “биринчи шаҳар” маъносига эришган³. Дарвоқе, *Тункат* шаҳри Илоқ водийсининг биринчи даражали шаҳри бўлган ва бу ерда IX – XI асрларда танга-пул зарб қилинган.

¹ Бичурин, II:313; Ходжаев, 2006:119.

² Кошғарий, III:164.

³ Умаров, 2002:114.

Жабгукат – илк ўрта асрларда Бинкат (Тошкент)дан 2 фарсах (13 – 15 км) юқорида бўлган шаҳар бўлиб, у “Худуд ал-олам”да (246-варақ) ва Муқаддасийнинг “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (X аср) асарларида қайд қилинган¹. В. В. Бартольд тахминича, собиқ Ниёзбек қалъаси ўрнида бўлган ушбу шаҳарнинг номи туркийча *ябгу* унвони билан боғлиқ бўлиб, лугавий жиҳатдан “Жабғу шаҳри” деган маънони билдиради². Археолог Ю. Ф. Буряков Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқидаги Дурмон қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган Оқ-ота шаҳар харобасини Жабгукат билан тенглаштиради³. Жабгукат Чоч воҳаси Турк хоқонлиги таркибига кирган пайтда (VI – VII асрлар) турк ҳукмдорлари қароргоҳи сифатида пайдо бўлган, деб ҳисобланади⁴. Худди шу асрларда Гарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч воҳасида зарб қилинган тангалар орасида *зрғу* – “жабғу”, *срғу х’у’п* – “жабғу-хоқон” унвонли тангаларнинг учраши Жабгукат шаҳрининг хоқонлик билан алоқали равишда пайдо бўлганини яна бир бор тасдиқлайди⁵.

Хотункат – илк ўрта асрларда Бинкат (Тошкент)дан 2 фарсах (13 – 15 км) юқорида бўлган шаҳар. Араб географларидан Истахрий “Масолик ал-мамолик” (X аср), Ибн Ҳавқал “Китоб сурат ал-арз” (X аср) ва Муқаддасий асарларида тилга олинган⁶. Тадқиқотчилар фикрича, шаҳар номи қадимги туркча *хотун* – “қиролича, малика” унвони билан алоқалидир⁷. Ушбу шаҳар Чоч воҳаси Турк хоқонлиги таркибига кирган пайт (VI – VII асрлар)да турк ҳукмдорлари қароргоҳи, аниқроғи хоқонлик хонадонига алоқадор маликанинг қароргоҳи сифатида пайдо бўлиб⁸, унинг ҳам ўрни Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқидаги Дурмон қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган Туғай-тепа шаҳар харобасига тўғри келади. Ушбу шаҳар номи хитой йилномаларида VII аср 40-йилларида юз берган воқеалар муносабати билан тилга олинади. Жумладан,

¹ ВГА, III:264.

² Бартольд, 1963: 230; Қораев, 1978:52.

³ Буряков, 1975:74–75.

⁴ Хатамова, 2009:9 – 10.

⁵ Бабаяров, 2007:9 – 15.

⁶ ВГА, I:330, 345; ВГА, II:386, 405; ВГА, III:486, 264.

⁷ Қораев, 1978:140.

⁸ Хатамова, 2009:11-12.

641–642 йилларда гарбий турк хоқони Дулу (Тулу; 638–642) лашкар-бошилардан бири Нишу Чжо (*Незук-чур)дан мағлубиятга учраб, Чочга қочгач, Кохотун (Хотун) шаҳрига сифингани “Тан шу” йилномасида қайд этилади¹.

Соблиқ – Шош воҳасидаги тоғ номи. Ибн Ҳавқал асарида Шош воҳасининг шимоли-шарқида жойлашган Соблиқ тоғлари тилга олинган². Ушбу ном Истахрийнинг “Масолик ал-мамалик” асарида Софлиг тарзида қайд этилади³. В. В. Бартольд ана шу ерда ҳозир ҳам Сойлиқ қишлоғи борлигини ҳисобга олиб, Соблиқни Сойлиқ шаклида ўқиш лозим, деб ҳисоблайди⁴. Бизнингча, ушбу ном дастлаб манбаларда учраганидек, Соблиқ шаклида бўлиб, сунгра Софлиқ, кейинчалик эса Сойлиқ шаклини олган; *Соблиқ~Софлиқ~Сойлиқ*. Дарвоқе, қадимги туркчада *б~в~й* алмашуви ҳодисаси бўлган. Масалан, қадимги туркча *эб~эв~уй* (уй), *суб~сув~суй* (сув), *теба~тева~туйа* (туя) каби. Бундан ташқари, Маҳмуд Кошгарий Еттисувдаги туркий қабилалардан тухси ва чигиларнинг шаҳарларидан бирини Соблығ шаклида қайд этади⁵. Бу эса Шош воҳасидаги Соблиқ (*вар.* Софлиг) ва Еттисувдаги Соблиғ топонимларининг адаш ном бўлганини кўрсатади.

Қалас (Келес) – Сирдарёнинг унғ ирмоғи ва дашт номи. Истахрий, Ибн Ҳавқал ва “Ҳудуд ал-олам” (96-варақ) асарларида Шошнинг шимолий чегарасида Қалас дашти тилга олинган⁶. Қозоқ топонимисти Е. Қўйчубаев фикрича, туркийча *келе* – “тил”, – *с* – “сув” сўзининг қисқарган варианты (Келес – “Тил сув”) ёки “тилга ўхшаш дарё”⁷. Бизнингча, Қалас номининг пайдо бўлиши қадимги туркий гидронимлар Талас, Ир-тис (Иртиш), Арыс номларига ўхшаш. Яъни, Қалас – “Қала+су”, Талас – “Тала+су”, Арыс – “Ары+су” каби.

Чатқал – Чирчиқ дарёсининг энг йирик ирмоғи ва тоғ. Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида Жадғал (ж.д.г.л) дарёси ва вило-

¹ Бичурин, I:288; Chavannes, 1903:58; Зуев, 2002:165.

² ВГА, II:388.

³ МИКК:29.

⁴ Бартольд, 1963:229; Қораев, 1978:113.

⁵ Кошгарий, III:187.

⁶ ВГА, I:336; ВГА, II:388.

⁷ Дусимов, Эгамов, 1977:80; Қораев, 1978:65 – 66.

яти тилга олинган¹. Шайх Сулаймон Бухорийнинг чигатойча-усмонли туркча лугатида чатқол сўзи “нотекис ер, дара”, деб изоҳланган. Шунга яқинроқ ҳозирги замон қирғиз тилида *чатқал* – “икки тоғ орасидаги ботиқ, дара”². Демак, Чатқал топонимини “дара, тоғ орасидаги сойлик”, дейиш мумкин. Бу сўз, ўз навбатида, икки компонентдан иборатдир: *чат* – икки дарё бир-бирига қўшиладиган жойдаги оралик; *қал* (қол) эса – қандайдир қадимий сўз, эҳтимол “сой, жилға” маъносидаги *қол* (қўл) сўзининг фонетик ўзгаришидир³. Чатқал топонимининг туркий эканлигини Мўғулистоннинг гарбий ҳудудларида туркий Чатқалтоғ шаклида тоғ⁴ номи ҳам тасдиқлайди.

Наҳри Турк – араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал асарларида тилга олинган Чирчиқ дарёсининг номи⁵. Муқаддасий асари ва “Ҳудуд ал-олам” (96, 246-варақ)да Парак шаклида учрайди⁶. Шундан келиб чиқиб В. В. Бартольд: “Араб географлари асарларини нашрга тайёрлаган Де Гуге бу дарё номини нотўғри ўқиган ва, аслида, Турк эмас, балки Парак бўлиши керак”, деб ёзган⁷. С. Қораев бу фикрга қўшилмай: “Чирчиқ дарёси Фирдавсий “Шоҳнома”сида ҳам Т. р. к шаклида ёзилган ва Истахрий асарида янада аниқроқ шаклда Наҳри Туркистон ёзилган”, деб таъкидлайди⁸. Унинг фикрича, Чирчиқ дарёси қадимда ва сўнгги давргача Парак ва Турк деб юритилган.

Олмалиқ – қишлоқ. VIII аср биринчи чорагига тааллуқли Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан Б – 1 рақамли ҳужжатда *ʾdmwkw* (Almaluk) шаклида учрайди⁹. О. И. Смирнова уни туркий “алмалиқ” (олмали) сўзи билан алоқали ҳисоблайди¹⁰. Эҳтимол, мазкур жой номи қадимги туркча *ал* (ол, қизил) + *балиқ* (шаҳар), яъни “Қизил шаҳар” бўлиши ҳам мумкин.

¹ ВГА, I:346; ВГА, II:388, 392, 395, 396; ВГА, III:48, 262.

² Юдахин, 1965:851.

³ Қораев, 1978:142-143.

⁴ Ҳасанов, 1985:111.

⁵ ВГА, I:344-345; ВГА, II:383, 404-405; Бураков, 2002:16.

⁶ ВГА, III:52, 423, 454.

⁷ Бартольд, 1963: 220, пр. 1.

⁸ ВГА, I, 344; Қораев, 1978:97.

⁹ САГМ, III:44, 45, 101.

¹⁰ САГМ, III:101.

Абрлиг/Арпалиг¹ – “Арпали”. Эҳтимол, ушбу жой номининг иккинчи қисми қадимги туркча *балиқ* (шаҳар) сўзи билан алоқали бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Оқчасой этагида Аблиқ номи қишлоқ номи мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар бу ердаги шаҳар харобасини қадимги Абрлиг билан тенглаштирадилар².

Барскат – “барс+қишлоқ”³;

Намузлиг/Йагузлиг⁴ – “қўнғир ер” (қадимги туркчада йағыз/йагуз – “қўнғир”);

Некалик/Йакалик – “ёқалик, сув ёқаси” (Муқаддасий асарида Йакалик – Еттисувдаги қишлоқ⁵);

Итлик/Атлах/Атлик – “отлик” (“Девону луғотит турк”да Атлуқ – Тароз яқинидаги қишлоқ⁶);

Ажих/Ачиг – “очиқ” ёки “тузли” (Муюн-чўр битиктошида (VIII аср) – Ачиг Алтир-қўл, “Девону луғотит турк”да Азиг – Кошғар яқинидаги қишлоқ⁷),

Ардланкат – “арслон+қишлоқ”⁸,

Туккат – “тутуқ+қишлоқ” (*тутуқ* – қадимги туркий унвон)⁹,

Сакокет – “тоғ этагидаги шаҳар” (қадимги туркча сақа/сақо – “тоғ этаги”¹⁰),

Бинйу/Бинг-йул – “Минг-булоқ” (хитой манбаларига кўра, Бин-йу – Ши (Чоч)нинг шимолидаги манзил)¹¹,

Чадирчик – В. А. Лившиц тахминича, Чирчиқ(?) ёки, умуман, Чочда жойлашган географик мавзенинг номи¹², эҳтимол, туркий “чадыр/чайыр” ва “чик” (-ча) сўзлари билан алоқалидир (туркча чайыр – “яйлов,

¹ Hudud al-Alam, 1970:356.

² Hudud al-Alam, 1970:117; ДТС:225.

³ Lurje, 2003:194.

⁴ Hudud al-Alam, 1970:117; ДТС:225

⁵ al-Moqaddasi, 1967:264.

⁶ Кошғарий, I:124.

⁷ Кошғарий, I:94.

⁸ Lurje, 2003:193.

⁹ Lurje, 2003:197.

¹⁰ Кошғарий, III:246.

¹¹ Ekrem, 2003:115.

¹² САГМ, II:87; Искоқов, 1992:11-12

ўтлоқ”¹),

Келешжик/Келесчик – “Калас+жик” (қадимги туркчада -жик, -чик – кичрайтириш олмоши),

Иенчу Укуз – “инжу дарё” (VIII асрга оид қадимги турк битикларида),

Бадужкет – Чоч воҳасининг шимолидаги шаҳар бўлиб, Б. Байтанаев фикрича, асли Балиқкет² (қадимги туркча балиқ – “шаҳар”),

Багункат/Багуйкат – В. Минорский фикрича, туркий “бақуй” сўзи билан алоқали (туркийча бақуй – “эл улуги”³) ва бошқалар.

Шунингдек, Ш. Камолиддин мазкур жой номларидан ташқари, араб географлари асарларида (IX–XI асрлар) Шош воҳасидаги аҳоли масканлари сифатида қайд этилган Алханжас, Ганнаж, Вардук, Жабузан, Йалапан, Худайнкат, Баланканак, Кабарна, Карал, Хивал, Вардул сингари жой номларини ҳам туркий топонимлар сирасига киритади⁴. Бироқ уларни туркий тил воситасида изоҳлаш қийин бўлиб, лугавий маъноси маълум эмас. Шу сабабли уларни туркий жой номлари, деб ҳисоблашга ҳали эрта.

Юқорида кўриб чиқилган Чоч воҳаси топонимларнинг аксарияти IX – XI асрларга тааллуқли араб географлари асарлари орқали етиб келган бўлса-да, бу уларнинг пайдо бўлиши ва номланиши айнан шу асрларга оидлигини кўрсатмайди. Чунки бирор аҳоли масканининг юзага келиши ва номланиши анча вақтни оладиган бир жараёндир. Бундан ташқари, араб географлари асарларидан анча олдинги даврларга тааллуқли хитой, сугдий ва қадимги турк ёзма ёдгорликларида шунга ўхшаш жой номларининг учраши воҳа топонимларининг анча қадимий эканидан дарак беради. Айниқса, хитой йилномаларида учрайдиган топонимлар ўзининг янада илгариги даврлар (илк ўрта асрлар)га оид эканлиги билан алоҳида қийматга эга. Жумладан, *Чжечжи* (Чоч), *Ши* (луг. “тош”) *Дуньцзе* (Тункат), *Кохотун-чен* (Хотункат), *Бинйу* (Бингйул), *Ло* (Илоқ) каби туркий номлар хитой манбаларида илк ўрта асрларга тааллуқли воқеалар баёнида учрайди. Булар қаторига “Тан шу”

¹ Türkçe-Rusça sözlük, 1989:174.

² Байтанаев, 2003: 57-58.

³ Hudud al-Alam, 1970:357.

⁴ Камолиддин, 2006:81-83.

йилномасида 657 йилги воқеалар муносабати билан қайд этилган Суду шаҳрини ҳам киритиш мумкин¹. Баъзи тадқиқотчилар Суду шаҳри номини Уструшона билан тенглаштирсалар-да, фикримизча, уни Чоч воҳасининг муҳим шаҳарларидан бири сугдийча Шутуркат номининг хитойча шакли, деб қараш лозим. Чунки йилномадаги маълумотлар мазмунидан Суду шаҳрининг Ши (Чоч)га оид шаҳар эканлиги кўриниб турибди. Агар 650–йилларда Суду шаҳрини Инийе Дагань (Инал-тархон) исми (унвонли) келиб чиқиши туркий бўлган ҳоким бошқаргани ҳисобга олинса, ушбу шаҳарнинг воҳада мавқеи қай даражада бўлганини пайқаш қийин бўлмайди². Дарвоқе, араб географлари асарларида ҳам Шутуркат катталигига кўра Чоч воҳасининг иккинчи ёки учинчи ўринда турадиган шаҳри сифатида эътироф этилиши ҳам буни тасдиқлайди³. Шутуркат луғавий жиҳатдан эроний тилларда “туя шаҳри” маъносидадир⁴.

Эътироф этиш керакки, Чоч воҳасининг илк ўрта асрларга тааллуқли жой номларидан катта бир қисмини сугдий асосли номлар ҳам ташкил этади. Жумладан, бунга мисол тариқасида Бинкат, Динфағикат, Баркат, Фарнкат, Нучкат, Бискат, Даҳкат, Шутуркат каби ўнлаб шаҳар ва қишлоқ номларини келтириш мумкин⁵.

Кези келганда Чоч воҳаси топонимларига алоқали баъзи баҳсли масалаларга қисқача тўхталиб ўтсак. 1980–йилларда Э. В. Ртвеладзе сугдшунос олим В. А. Лившиц билан биргалиқда олиб борган тадқиқотлари натижасида илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларида Фарнкат, Банокат, Кабарна, Чинанчкат(?) каби воҳага хос топонимлар учрашини қайд этган эди⁶. Кейинчалик у воҳа тангаларида Тунуканд, Нускан каби номлар учраши ва уларнинг воҳанинг бош шаҳарларидан бўлиши Тункат, Нукат ёки Нужикат билан алоқали бўлиши мумкинлигини ёзди⁷. Олимнинг мазкур фикрлари воҳа тарихи билан шугулланувчи бир

¹ Бичурин, I:292.

² Ögel, 1963:42.

³ Бартольд, 1963: 227; Буряков, 1975:78.

⁴ Бартольд, 1963:227

⁵ Лурье, 2004:96-98.

⁶ Ртвеладзе, 1982:33 – 18.

⁷ Ртвеладзе, 2002:47-48; Ртвеладзе, 2006:71, 95.

қатор мутахассисларнинг асарларида ўрин олиб келди¹. Жумладан, нумизмат М. Федоров Чоч тангаларини бирида Нукет (Нукад) сўзи учраши ва унинг ўрта асрларда Илоқ шаҳарларидан бирининг номи бўлганини илгари сурди². Бироқ кейинги вақтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида воҳа тангаларида юқорида келтирилган жой номларининг бирортаси учрамаслиги, ёзуви нуқсонли сақланган тангаларга таяниб иш олиб борилганлиги сабабли англашмовчиликлар келиб чиққани аён бўлди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозиргача топилган қадим ва илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларининг бирортасида Чоч топонимидан бошқа шаҳар номлари учрамайди³.

Воҳа топонимларини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кейинги тадқиқотларимизга қолдирган ҳолда, шуни айтиш жоизки, илк ўрта асрларда Чоч воҳасида мавжуд бўлган жой номларнинг салмоқли бир қисмини туркий номлар ташкил қилган. Бу эса илк ўрта асрлар Чоч тарихи бўйича қуйидагича хулосалар чиқаришга имкон беради:

– ушбу топонимларнинг бир қисми милоннинг дастлабки асрларига оид эканлиги қадимдан воҳа аҳолисининг бир қисмини туркий этнослар ташкил қилганини кўрсатади;

– илк ўрта асрларга келиб Чоч воҳасида туркийча шаҳар номлари кўплаб учрай бошлаши бу даврда туркийларнинг ўтроқдашуви жадал кечганлигига гувоҳлик беради;

– VI аср иккинчи ярмидан – VIII аср иккинчи чорагигача Чочнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлиши воҳада туркий топонимларнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди;

– VII аср биринчи чорагида Чочда туркий *Тегинлар* ва *Тудунлар* сулоаларининг ташкил топиши ва ушбу сулоаларининг то VIII аср ўрталаригача бу ерда етакчилик қилиши, шунингдек, воҳанинг бир неча қисмида туркий ҳокимликларнинг пайдо бўлиши натижасида туркий жой номлари миқдорининг ортишига шароит яратилади;

¹ Буряков, 1975:73 – 74; Яценко, 2001:99.

² Fedorov, 2005:186, 202.

³ Э. В. Ртвеладзе томонидан Чоч тангаларида аниқланган бир қатор топонимлар танга ёзувларининг янгиш ўқилишидан келиб чиққанига сўғашунос олим П. Б. Лурье ҳам ўз вақтида эътибор қаратган (Лурье, 2004:91-93).

этаклари, гарбдан Талас дарёси ҳавзалари, жануб ва жануби-гарбдан Чоч – Фарғона – Кошғар – Куча – Янки (Қорашахр) – Гаочан (Турфон) ҳукмдорликлари, яъни Тангритоғ (Тяншан)нинг шимоли-шарқий ва шимоли-гарбий этаклари билан ўралган эди. Қолган ҳудудлар, аниқроғи, Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хурсон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги воҳа ҳукмдорликлари хоқонликнинг бевосита эмас, билвосита ҳудудини ташкил этиб, улар дастлабки пайтларда, асосан, хоқон томонидан юборилган ноиб – тудунлар назоратидаги маҳаллий сулоалар томонидан бошқарилган. Ҳатто Исфижоб (Сайрам), Фороб/Утзор (Тарбанд) каби Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги кичик ҳукмдорликлар ҳам ўз географик жойлашувига кўра, одатда, Еттисувга нисбатан кўпроқ Чочга яқинлашар, ҳатто вақти-вақти билан Чоч ҳукмдорлиги таркибига кирар эди¹.

Энди Чоч воҳасининг бир муддат Гарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларидан бирига айланиши масаласига келсак. Гарчи хитой йилномаларида воҳа хоқонликнинг марказий ҳудуди сифатида тилга олинмаган бўлса-да, юқорида қисқача тўхталиб ўтганимиздек, Чоч бир неча маротаба хоқонлик ўз қароргоҳини барпо этган жой сифатида қайд этилганининг гувоҳи бўламиз. Хоқонликнинг асосчиларидан бири Истами ябғу (568 – 576) VI асрнинг 60-йилларида гарбда Эфталитлар давлатига қарашли ҳудудлар ичида энг биринчи Чоч воҳасини қўлга киритган² палладан то шу асрнинг охиригача хоқонлик ва Чоч орасида бирон-бир жиддий воқеа содир бўлганига доир маълумот учрамайди. Бироқ VII аср бошларига келгач, Чоч ва хоқонлик орасида жиддий воқеалар содир бўла бошлайди. Дарвоқе, хитой йилномаларида қайд этилишича, 605 йилда Гарбий Турк хоқонлиги амалдорларидан бири, кейинчалик хоқон бўлган Шегуй (611–617) Чочдаги маҳаллий ҳукмдорни ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфига олади ва бошқарувга бевосита хоқонликнинг бошқарувчи хонадонидан бўлмиш Тегин Тяньчи (Дэлэ Тяньчи; 605–609)ни тайинлайди³. Шу ўринда Чоч тарихи билан боғлиқ яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Афтидан, Шегуй хоқон бўлишидан анча аввал, яъни 611 йилгача хоқонлик бошқарувида

¹ СДГМ, II:82; Sims-Williams, Grenet, 2006:103 – 107

² Буряков, 2002:12.

³ Бичуриң, II:313; Chavannes, 1903:141.

шад мартабасини эгаллаб турган пайтда, Чоч воҳасини ўз чекига тушган улус (удел) сифатида олган эди. Чунки Ғарбий Турк хоқонлиги бошида Чуло (Чўра; 599 – 610) турган пайтда, у хоқонликнинг ғарбий қисмлари бошқарувидан масъул эди. Хоқонлик бошқарув тизимида мавжуд таомилга кўра, шад унвони хоқоннинг ўғиллари ва жиянларига, яъни шаҳзода - тегинларга берилар ва улар ўз қўшинига эга бўлиб ҳамда бирор ўлканинг бошқарувига тайинланардилар¹. Қисқаси, 605 йилда Чочнинг маҳаллий ҳукмдори хоқонликка тобе бўлишига қарамай, Шегуй шад билан низолашиб қолгач, бу ер Шегуйга улус қилиб берилганмиди ёки ундан аввалроқ ҳам воҳа ушбу шаҳзодага қарашли улус эдими, деган масала муаммолидир. Айнан шу йилларда воҳада хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласига мансуб Тегин Тяньчжидан бошланувчи ва то VIII асрнинг ўрталаригача бош сулола мақомида бўлиб келган Чоч тегинлари (605 – 750) ҳукмронлигининг илк йиллариданоқ, воҳа Ғарбий хоқонликнинг марказий бошқаруви билан бевосита алоқадор бўла бошлаганди². Жумладан, “Тан шу” йилномасида қайд этилишича, Ғарбий турк хоқони Чуло (Чўра; 599–610) ўз давлати ҳудудида яна иккита “кичик хоқон” тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини Шиго (луғ. “Тош давлати”)нинг шимолида таъсис қилади ва бутун Ху ўлкаларини, яъни ўтроқ ҳукмдорликларни ушбу “кичик хоқонлик” воситасида бошқара бошлайди³. “Кичик хоқонлик”нинг айнан қачон, Чўра хоқон бошқарувининг қайси йилида ташкил қилингани аниқ бўлмас ҳам, унга асос солинган вақт тахминан 605 йилдан кейинги саналарга, Чўра ва Шегуй орасига нифоқ тушиб, давлатнинг ғарбий қисмларида ҳокимиятни мустақкамлашга эҳтиёж сезилган бир пайтга тўғри келса, ажабмас. Муҳими бу эмас, янада аҳамиятлироғи хитой йилномаларида “Чўра хоқон Чочнинг шимолида “кичик хоқонлик” таъсис қилди”, деб қайд этилар экан, воҳанинг айнан қайси жойи назарда тутилганлигидир. Бойси, қадимдан Чоч ҳудуди анъанавий тарзда шимоли-шарқда Тароз, шимоли-ғарбда эса Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, аниқроғи, Ғарбанд (Фороб/Ўтрор – Шавғар)гача бўлган ҳудудларни ўз ичига олар, шимо-

¹ Тоған, Кара, Байсал, 2006:80.

² Бабаёров, 2007:46-49.

³ Бичурин, I:279; Таşağıl, 2003:89.

лий худудлари деганда эса Исфижоб (Сайрам) каби вилоятларни ҳам ўз ичига олувчи Тарбанд ва Тароз оралигидаги вилоятлар тушуниларди. Бунинг мозийси ҳатто милоддан аввалги даврларга бориб тақалардики, манбалардан хитойликларга енгилган Хун шаньюйи Чжичжи Қанг ҳукмдоридан ёрдам сураб, милоддан аввалги 40-йилларда ўз аскарлари учун Талас дарёси бўйида қалъа қурдиргани маълум¹. Дарвоқе, VIII аср ўрталарида ҳам Далосы (Талас/Тароз)² шаҳрида Чоч ҳукмдорлари мунтазам равишда ўз гарнизонини сақлагани “Тан шу” йилномасида қайд этилади³. Тарозни Чочга тегишли деб билиш анъанаси, эҳтимол, Қанг давлати (мил. ав. III – мил. III аср.)нинг ушбу мавзени ўз худудига олган даврлардан бери давом этиб келган, шекилли, маълум маънода унинг ворислари бўлмиш Чоч ҳукмдорлари доимо бу ерга ўз эътиборларини қаратиб келишган.

Афтидан, ўтмишда Чочнинг шимоли-шарқдаги чегараси Тароз шаҳри ва атрофларига бориб туташганлигидан хитой муаррихлари ҳам бохабар бўлишган. Боиси, улар аксарият ҳолларда Тароздан шарқда, Мерке атрофидаги Минг-булоқни ҳам Чочнинг шимолида жойлашган мавзе сифатида кўрсатишган. Жумладан, “Тан шу” йилномасида Ғарбий Турк хоқонлигининг энг қудратли ҳукмдорларидан бири Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини воҳанинг шимолидаги Цянь-Цюань (Минг-булоқ) мавзесига кўчиргани ва бу ердан туриб, вассал ғарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиргани таъкидланади⁴. Тун ябғу-хоқоннинг сиёсий марказ моҳиятидаги қароргоҳини Еттисувдан Чоч воҳасига кўчиришдан мақсади, ҳар ҳолда, воҳанинг стратегик аҳамияти билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, Чоч ўзининг географик жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмидаги кўчманчи-чорвадор элатлар билан минтақанинг жануби-ғарбий қисмидаги ўтроқ-деҳқон халқлар орасида сиёсий-маданий ва тижорий алоқалар учун куприк вазифасини ўтарди. Айниқса, бу худуд хоқонлик таркибига киргач, воҳада тижорий ҳаёт гуркираб

¹ Бичурин, I:93; Зуев, 2002:93.

² Талас/Тароз – Н.Я. Бичурин баъзан ушбу шаҳар номини Хынлос шаклида келтиради (қар. Бичурин, II:314).

³ Chavannes, 1903:144.

⁴ Бичурин, I:283.

ўса бошлаши, хоқонларнинг эътиборини тортмасдан қолмаган қури-
нади. Шу билан биргаликда, Чоч воҳасида қароргоҳ қуриш бу ҳам
кўчманчилар устидан, ҳам ўтроқ воҳалар устидан назоратни янада
қулайлаштиришга олиб келарди. Тун ябғу-хоқон ҳам Чочнинг бу каби
жиҳатларини назарда тутгани учунми, хитой йилномаларида қайд эти-
лишича, ўз қароргоҳини Минг-булоқда барпо этгач, бу ердан туриб, қўл
остидаги вассал ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг ҳар бирига *элта-
бар* унвонини тақдим этади ва уларни назорат қилиш учун бирор нафар-
дан *тудун* юборади¹. Бинобарин, Турк хоқонлигида юқори даражали
унвонлардан бири *элтабар* “бирор эл ёки давлатнинг бошқарувчиси”²,
тудун эса “бўйсундирилган ўлкалардан солиқ йиғишни ташкил этувчи
ва маҳаллий ҳукмдор устидан назорат қилувчи”, яъни ноиб маъносида
қўлланиларди³. Демак, Тун ябғу-хоқон тобе ҳукмдорларга ҳам юксак
унвонлар бериш, ҳам улар устидан бирор назоратчи тайинлаш каби
ислоҳатларни амалга ошириш орқали вассаллар устидан назоратни яна-
да мустаҳкамлаш ниятида бўлган ва ўз қароргоҳини айнан Чочга кўчир-
ган.

Дарвоқе, Чочнинг ўзига хос жиҳатлари Тун ябғу-хоқондан олдин
ўтган ҳукмдорларнинг назаридан ҳам четда қолмаган эди. Аввало, у ўз
қароргоҳини Чочнинг шимолига кўчириш билан, ўзидан бирмунча муд-
дат олдин Чуло (Чура; 599 – 610) хоқон томонидан амалга оширилган
ишни айнан такрорлайди⁴. Аҳамиятлиси шуки, Чоч воҳаси Ғарбий Турк
хоқонлиги учун қарийб яна ярим аср давомида стратегик аҳамиятини
йўқотмаганга ўхшайди. Боиси, 651 – 657 йилларда хоқонликнинг Аши-
на сулоласидан бўлган сўнги мустақил ҳукмдорларидан бири – Иста-
ми ябғунинг бешинчи бўгин авлоди бўлмиш Ишбара хоқон (Ашина
Хэлу/*Улуғ) ҳам ўз қароргоҳи сифатида Минг-булоқни танлайди⁵.
Шунингдек, бу ер ҳаттоки Ғарбий Турк хоқонлигининг барҳам топи-
шига қадар, яъни VIII аср ўрталаригача хоқонларнинг ёзлик қароргоҳи
вазифасини бажаришда давом этганини тасдиқлайдиган айрим маълум-

¹ Бичурин, II:283.

² Togan, Kara, Baysal, 2006:85.

³ Толстов, 1938:72-81.

⁴ Бичурин, I:279; Таşaғил, 2003:89.

⁵ Бичурин, I:289; Таşaғил, 1999:71.

мотлар мавжуд. Жумладан, Абу Жаъфар ат-Табарий ўзининг “Тарих а-русул ва-л-мулк” (“Пайгамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи”) асарида 736 йилги воқеаларни баён этар экан, турк хоқонига тааллуқли яйловларга мўл тоғ – қўриқ борлиги, унга бирор кишининг яқинлашиши ёки ов қилиши таъқиқлангани хусусида ёзади ҳамда бу жой хоқонлик қўшинига жанг пайтида захира етказиб беришга мўлжалланганини таъкидлайди¹. Дарвоқе, Табарийдан бир асрча олдин хитой роҳиби Сюан Цзан (627/629 – 645) Тароз яқинида Бин-йу (Бинг-йул/Минг-булоқ) деб аталувчи мингга яқин катта-кичик булоқлар ва мўл утлоқларга эга тоғ борлиги, бу ерда ов қилиш ёки ёввойи ҳайвонларни ўлдириш хоқон томонидан ман қилинганини ёзган ва уни (Тун) ябғу-хоқоннинг ёз ойларида иссиқдан сақланадиган махсус жойи сифатида таърифлаган эди².

Шунингдек, араб географлари воҳанинг маркази Бинкат (ҳоз. Тошкент) шаҳрининг яқингинасида, ундан 2 фарсах (тахм. 16 км) шимоли-шарқда *Жабғукат* номли шаҳар мавжудлигини зикр қилишган бўлиб³, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу шаҳарнинг пайдо бўлиши хоқонлик билан алоқадордир. Бунинг асосида, бир томондан, археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг айнан VI – VII асрларда барпо қилингани аниқланиши⁴, қолаверса, ушбу шаҳар номининг луғавий жиҳатдан “Жабғу шаҳри”, яъни “Ҳукмдор шаҳри” маъносини билдириши каби омиллар ётади. Маълумки, туркий халқларда қадимдан пойтахт ёки қароргоҳ шаҳар номини ҳукмдор унвони билан аташ анъана эди. Жумладан, Хазар хоқонлиги (650 – 965) пойтахти Хонбалиқ (“Хон шаҳри”) деб номланган бўлса, кейинчалик мўғуллар Хитойни эгаллагач, пойтахт Пекин ҳам анъанага мувофиқ айнан шундай ном билан атала бошлаганди. Демак, Чоч воҳасидаги шаҳарлардан бирининг Жабғукат деб аталишида ҳам қадимги туркий анъана ётади, деб айтишга асос бор. Гарчи бир қатор тадқиқотчилар Жабғукатни Тун ябғу-хоқоннинг қишлоқ қароргоҳи бўлган, деб ҳисоблашса-да⁵, ушбу шаҳарнинг ундан анча олдин, Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари ябғу/

¹ Табарий, 1987:242; Stark, 2002:393 – 394.

² Зуев, 2002:269; Ekrem, 2003:115, n. 1

³ Al-Istakhri, 1967:345; Hudud al-'Alam, 1970:117, 357.

⁴ *Жабғукат* – ушбу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқда, Дурман қишлоғидан қарийб 4 км масофада жойлашган Оқ-ота ёдгорлигига тўғри келади, деб ҳисобланади (Бураков, 1975:74–75).

⁵ Байтанаев, 2004:67-70, прим. 25.

жабеу унвони билан ҳукм юритаётган пайтда – VI аср охирлари – VII аср бошларида барпо этилгани эҳтимолдан холи эмас. Айнан ўша пайтларда жабеу унвони бир муддат Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорларига нисбатан қўлланилгани ва улардан бир неча нафари айнан Чоч воҳасига ташриф буюрганликлари назарда тутилса, Жабғукатнинг хоқонликка алоқадор равишда пайдо бўлгани масала-сида шубҳага ўрин қолмайди. Шу ўринда араб географлари асарларида учрайдиган “Жабғукат – чиройли шаҳар бўлиб, қадимда Чочнинг ғарбий лагери – лашкаргоҳи эди” тарзидаги маълумот¹ ушбу шаҳарнинг нима мақсадда барпо қилинганини янада ойдинлаштиради. Бундан ташқари, араб географлари асарларида Жабғукат билан деярли ёнма-ён жойлашган Хотункат² номли шаҳарнинг қайд этилиши, ҳатто, ушбу шаҳар номининг хитой йилномаларида анча олдин, 640–йилларда ғарбий турк хоқонларидан бири Элби Тулу (Иби Дулу; 638–642) хоқоннинг Чочга қочиб, Кохотун-чен³ (луғ. “Хотун шаҳри”)га сифиниши муносабати билан учраши ҳам диққатга сазовордир. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу шаҳар номи остида ҳам қадимги туркий анъана – давлат бошқарувида бош ҳукмдор – хоқон билан биргаликда доимо унинг аёли хотун унвонли малика жой олиши анъанаси ётганлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, қадимдан туркий халқлар кенг тарқалган ҳудудларда Хотун-балиқ (“Хотун шаҳри”), Хотунсини, Хотун-арт, Хотунсув номли топонимларнинг учрашида ўз тасдиғини топса⁴, иккинчидан, Хотункат шаҳрининг айнан Жабғукат шаҳри билан ёнма-ён жойлашган шаҳар сифатида эслатилишининг ўзиёқ, унинг хоқонлик билан алоқали равишда қад ростлаганини кўрсатади. Шунингдек, археологик тадқиқотлар ушбу шаҳарнинг ҳам VI – VII асрларда вужудга келганини тасдиқлаши, Хотункатнинг хоқонлик билан боғлиқдиги борасида шубҳага ўрин қолдирмайди. Демак, Жабғукат – Хотункат параллели – бу хоқонлик сиёсий марказида ҳукмдор ўрдаси (ёки чодири) билан ёнма-ён малика ўрдасининг жой

¹ Hudud al-'Alam, 1970:117, 357; Ҳудуд ул-олам, 2008:32.

² Хотункат – ушбу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқида. Дурман қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган Ок-ота тепалигининг жанубидаги Туғай-тепа ёдгорлигига туғри келади (Буряков, 1975:73–74).

³ Бичурин, I:288; Chavannes, 1903:58. Бичурин ушбу шаҳар номини асл ҳолатида келтирмай, “город Ханьша” тарзида таржимасини берган. Бу эса О. И. Смирнова каби баъзи тадқиқотчиларни истисно қилганда, аксарият тадқиқотчиларни мазкур шаҳар номининг Хотункат билан алоқадорлиги ҳақида фикр юритишларидан чалғитган (ҳар. Смирнова, 1971:65).

⁴ Толстов, 1947:72; Ҳатамова, 2009:11 – 12.

олиши анъанасининг Чоч воҳасида ёнма-ён жойлашган шаҳар мисолида акс этишидир, деб ҳисоблаш мумкин. Шу тариқа, Хотункат Чоч бир муддат Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув маркази бўлганига яна бир далил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, X аср араб географлари Шошнинг пойтахти Бинкетдаги маҳалла, куча ва дарвозалар номларини қайд этар эканлар, уларнинг орасида Кўй-и Хоқон номи учрайдики¹, “Хоқон кўчаси” маъносидаги ушбу жой номининг пайдо бўлиши ҳам, бизнингча, Ғарбий турк хоқонларининг Чочдаги фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Агар Чоч воҳасида VI – VII асрлар мобайнида зарб қилинган тангаларнинг салмоқли бир қисми Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли бўлиб чиқмаганида эди, воҳа хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири бўлгани ҳақидаги фикр етарлича тасдиқланмасдан қолаверарди. Кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материалларни синчиклаб ўрганишимиз натижасида ушбу хоқонлик томонидан қарийб 20 типдаги суғдий ёзувли тангалар зарб қилингани аниқланган бўлиб, уларнинг 3 та типиди “жабғу”, 5 та типиди “жабғу-хоқон”, 5 та типиди эса “хоқон” унвони ўрин олган, қолганлари эса анэпиграфик (4 тип) ва ёзувлари ҳалигача тўлақонли ўқиб чиқилмаган (2 тип) тангалардан иборат. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу тангалар орасида 2 нафар ҳукмдор исми учраб, улардан бирида 576 – 583 йилларда Ғарбий қанот ҳукмдори бўлган, 600 – 603 йилларда эса Шарқий қанотни ҳам эгаллагач, Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорига айланган Тарду хоқоннинг номи, иккинчисида эса 618 – 630 йиллардаги ҳукмронлиги давомида Ғарбий Турк хоқонлигини энг қудратли давлатга айлантирган Тун ябғу-хоқоннинг номи акс этган². Энг муҳими шуки, Турк хоқонлигининг марказлари бўлиши на Ўрхун водийсида ва на Еттисувда хоқонликка алоқадор тангалар топилмагани боис, шу пайтгача тадқиқотчилар орасида “хоқонлик танга-пул тизимига эга бўлмаган” мазмунидаги фикрлар ҳукмрон эди. Ниҳоят, Тошкент воҳасидан Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли юзлаб нусхада мис тангаларнинг топилиши бу масалага ойдинлик киритиши баробарида, ушбу хоқонлигининг давлат сифатида шаклланиш жараёнларини ҳам акс эттирганлиги аниқланди. Яъни Ғарбий хоқонлигининг шаклланиш жараёнларини изчил ёритиш имконини бермайдиган ёзма

¹ Бартольд, 1963:228; Муҳаммаджонов, 1988:43.

² Бабаяр, Кубатин, 2005:97 – 105; Бабаяров, 2007:9, 11-12.

манба маълумотларини Тошкент воҳасининг нумизматик материаллари тўлдирадиган моҳиятадир. Дарвоқе, Ғарбий Турк хоқонлиги узининг шаклланиш жараёнларида учта босқични босиб ўтган бўлиб, **илк босқичда** у Турк хоқонлигининг Ғарбий қаноти бўлиб, бошқарувчилари *ябғу* унвонига эга бўлишган ва марказий ҳокимият мавқеидаги Шарқий хоқонликка бўйсунлишган, яъни *Ябғулик* даври (VI аср 60-йиллари ва охиригача); **иккинчи босқичда** эса Ғарбий қанот ўз сиёсий фаолиятида деярли мустақил бўлиб, Шарқий хоқонликка номигагина бўйсунувчи сиёсий уюшма сифатида ҳукмдорлари *ябғу-хоқон* унвонида ҳукм юритишган, яъни *Ябғу-хоқонлик* даври (VI аср охирилари – VII аср 30-йиллари); ниҳоят, **учинчи босқичда** Шарқий Турк хоқонлигига 630 йилда Хитойнинг Тан сулоласи томонидан барҳам берилагач, мазкур хоқонликнинг вориси сифатида Ғарбий қанотнинг мустақил давлат – хоқонликка айланиши ва унинг бошқарувчилари олий ҳукмдор маъносидаги *хоқон* унвони билан ҳокимият юргиза бошлаган давр (VII аср 30-йиллари – VIII аср иккинчи чораги)ни ўзида намоён қилади. Бинобарин, Чочда зарб қилинган тангалар нафақат ўзига жо қилган *жабғу* → *жабғу-хоқон* → *хоқон* каби унвонлар узвийлиги, балки иконографик, палеографик ва тамгалар шакли (☧ · ☧ · ☧) сингари хусусиятлари билан ҳам Ғарбий Турк хоқонлигининг мазкур шаклланиш босқичларини очиб берадиган даражада муҳим далилларни ўзида мужассамлаштирган. Ўз навбатида, Чоч бир муддат ушбу хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлиб туриши баробарида, хоқонлик учун ўша давр одатича давлат аломатларидан бири ҳисобланувчи танга-пул зарб қилишга мос ҳудуд бўлиб хизмат қилган. Айниқса, мазкур тангалар қарийб ярим асрга яқин даврини ўз ичига олувчи Ғарбий Турк хоқонлиги шаклланишининг ҳар учала босқичи (560–йиллардан то 630–йилларгача бўлган давр)ни ўзида жо қилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этибгина қолмай, балки улар хоқонликнинг то сўнгги давларигача зарб қилинишдек давомийлик кўрсатиши билан ажралиб туради. Буни 630–йиллардан бошлаб ёлғиз “хоқон” унвонида воҳада бостирила бошлаган қўшалок портретли, туя тасвири, ўртаси квадрат тешикли каби бир неча турдаги тангалар тасдиқлай олади. Шу билан биргаликда, Ғарбий Турк хоқонлиги ўз тангаларини қарийб 150 йилга яқин бир вақт мобайнида Чочда зарб қилдиргани воҳа хоқонлик учун ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан нечоғлик аҳамиятга эга бўлганлигидан дарак беради.

Хуллас, бир-биридан фарқли тиллардаги ёзма манбалар маълумотлари ва нумизматик материаллар Чоч воҳаси маълум вақт мобайнида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бирига айланганини кўрсатади. Воҳанинг шимолидаги Минг-булоқ мавзеси қарийб бир ярим аср давомида вақти-вақти билан Ғарбий Турк хоқонлигининг ёзги қароргоҳи бўлиши баробарида, унинг бошқарув маркази вазифасини ҳам ўтаган, воҳанинг марказий қисмидаги Жабгукат шаҳри эса хоқонликнинг қишки ҳарбий қароргоҳи вазифасини бажарган. Бунда, энг аввало, воҳанинг ҳам стратегик, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим мавзеда жойлашгани катта роль ўйнаган.

Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказлари бир муддат Чоч воҳасига кўчганлигини тасдиқловчи далиллар

Хоқонлик билан алоқани равишда ташкил топган сулолалар	Воҳада жойлашган хоқонлик марказлари	Бошқарув марказини Чочнинг шимолидаги Минг-булоқ мавзесига кўчирган хоқонлар	Чочда зарб қилинган хоқонлик тангаларидаги унвонлар	Хоқонлик тангаларининг зарб қилдирилган босқичлари
<i>Чоч тегинлари</i> (605 – 750 йй.)	<i>Жабгукат</i> (жабгу-хоқон қароргоҳи)	Чуло (Чура: 599–610)	<i>жабгу</i>	VI аср 60-йиллари – шу асрнинг охириги чораги
<i>Чоч тудунлари</i> (640 – 750 йй.)	<i>Хотункат</i> (малика-хотун қароргоҳи)	Тун ябгу-хоқон (618 – 630)	<i>жабгу-хоқон</i>	VI аср охири – VII аср 30-йиллари
	<i>Минг-булоқ</i> (хоқонликнинг ёзлик қароргоҳи)	Ишбара хоқон (Ашина Хэлү/*Улут: 651 – 657)	<i>хоқон</i>	VII аср 30-йиллари - VIII аср иккинчи чораги

ЧОЧ – ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ТАНГАЛАРИ ЗАРБ ЭТИЛГАН ҲУДУД

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Ғарбий Турк хоқонлиги даври алоҳида ўрин тутди. Тарихшуносликда “Ғарбий Турк хоқонлиги” ибораси остида 552 – 744 йилларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлигининг ғарбий қисми: Олтой тоғларининг ғарбидан то Шимолий Қора денгизгача, Волга – Уралбўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган салтанат тушунилиб, хронологик жиҳатдан иккита туркий сулола – Ашина хонадони (568–704/740) ва Тургаш хоқонлиги (699–766) даври билан белгиланади.

Аслида, хоқонликни “Шарқий Турк хоқонлиги” ёки “Ғарбий Турк хоқонлиги” тарзида аташ ўз даври манбаларида кенг ўрин олмаган. Асосан, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги *Dong Tu-jue* (“Шарқий турклар”) ва *Xi Tu-jue* (“Ғарбий турклар”) шаклида иккита ном остида берилади¹. Шунингдек, ушбу йилномаларда Ғарбий Турк хоқонлиги “ўн қабила турклари” ёки “ябғу турклари” каби номлар билан ҳам қайд этилади². VIII аср биринчи ярмига тааллуқли қадимги турк битиктошларида эса хоқонликнинг ғарбий қисмига нисбатан *On Oq* (“Ўн Ўқ/қабила”) ёки *On Oq budun* (“Ўн қабила халқи”) иборалари ишлатилиб, ҳукмдорлари *On Oq qagan* (“Ўн ўқ хоқони”) тарзида тилга олинади³. Афтидан, хитой йилномаларидаги “Ўн қабила турклари” атамаси Турк хоқонлигида мавжуд ушбу анъанадан таъсир олган кўринади. Юнон, арман, сурёний, суғд, араб ва форс тилидаги манбаларда эса, баъзи маълумотларни ҳисобга олмаганда, хоқонликнинг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинганига доир тўғридан-тўғри далиллар учрамайди. Айрим тадқиқотчилар эса сугдий ҳужжатлардаги *γwn* (хун) атамасини Шарқий туркларга, яъни Шарқий Турк хоқонлигига нисбатан қўлланилган, деб изоҳлайдилар⁴. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги

¹ Бичурин, I:279; III:166, 178, 289.

² Chavannes, 1903:219.

³ Кляшторный, 1985:165.

⁴ САГМ, II:120.

кун тарихшунослигида Ғарбий Турк хоқонлиги ва Тургаш хоқонлигига алоҳида-алоҳида давлат сифатида қарашлар ҳам мавжуд.

Ғарчи иккаласи ҳам келиб чиқиши битта хонадондан – туркий ашина сулоласи вакиллари томонидан бошқарилган бўлса-да, маркази Урхун ҳавзалари (Мўғулистон) бўлиб, Жанубий Сибир, Олтой тоғларининг шарқидан тортиб то Узоқ Шарқ ва Шимолий Хитойгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган, кўчманчи турмуш тарзи ҳукмрон Шарқий Турк хоқонлигидан фарқли ҳолда Ғарбий Турк хоқонлиги, асосан, ўтроқ турмуш тарзи устивор ҳудудларни ўз ичига олар эди. Маркази Ёт-тисув бўлиб энг кучайган пайтда шарқда Шарқий Туркистон, Жануби-Ғарбий Олтой, ғарбда Шимолий Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ, шимолда Волгабўйлари ва Урол тоғлари, жануб ва жануби-ғарбда Амударё – Сирдарё оралиги, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шимоли-Шарқий Эрон (Хуросон) ҳудудларини ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлигига айнан қачон, қаерда, қайси ҳукмдор томонидан асос солингани масаласи ҳанузгача ўз ечимини топмаган. Шунингдек, унинг бошқарув марказлари қаерларда бўлгани ва давлат сифатида тарих саҳнасидан қачон тушиб кетгани ҳақида ҳам тадқиқотчилар орасида яқин фикр йўқ.

Ғарбий хоқонликнинг том маънода мухтор (автоном) сиёсий тузилма ҳолатини қачон олгани борасида баҳсли фикрлар мавжуд. Бир қатор тадқиқотчиларга кўра, Ғарбий хоқонликнинг ташкил топиши Турк хоқонлигининг асосчиларидан бири – Истами ябғу даврига – 552/568 – 576 йилларга, баъзи олимлар фикрича эса, хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмлари бошқарувчилари орасида буюк хоқонлик мақоми учун кураш бошланган даврга – 583 йилга тўғри келади¹. Таниқли турколог П. Б. Голден фикрича, Истами Ғарбий хоқонликнинг тамал тошини қўйган бўлса-да, бу пайтда у мустақил бир сиёсий тузилма бўлмасдан, сиёсий устунлик шарқдаги бош хоқонда эди². Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган фикрга кўра, Ғарбий хоқонликнинг том маънода алоҳида давлатга айланиши Истамининг ўғли **Тарду хоқон** (Дату-кехан; ғарбийда – 576-583; шарқийда – 600 – 603) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бир гуруҳ олимлар эса Суй-шу (VII аср)

¹ Golden, 2002:109.

² Golden, 2002:106.

йилномасидаги маълумотга асосланиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг ташкил топишини шарқда бош хоқонликни қўлга кирита олмаган, **Муқан хоқон** (553–572)нинг ўғли Або Далобян (Алатурум/Тураман; 583/4–587) билан алоқали ҳисоблайдилар. Яъни Шарқий хоқонликдан сиқиб чиқарилган **Апа хоқон** Тардуни ғарбдаги мулкдан узоқлаштиришга муваффақ бўлади (шу сабабли Тарду шарқда ҳокимият излаш учун ҳаракатга кечади) ва шутарзда у ғарбда бир муддат ўз сулоласини ташкил қилди¹. Яъни қисқа бир муддат Ғарбий хоқонликдаги ҳокимият ҳам Шарқий хоқонликдаги сингари Истамининг эмас, унинг оғаси – Турк хоқонлигининг асосчиси **Бумин** (551–552) авлодлари қўлига ўтади. Апа хоқондан кейин, Муқон хоқоннинг невараси **Нири** (Нили, Янг–су тегиннинг ўғли; 587–599), ундан кейин **Чўра** (Чуло, Нирининг ўғли; 599–610) Ғарбий турк хоқони бўладилар. Бироқ кейинчалик яна Истами хонадони вакиллари ҳокимиятни қўлга олишади. Бу воқеа 610 йилларда Чўра хоқонни Истамининг эвараси **Шегуй** (Тардуниг невараси; 611 – 617) ҳокимиятдан четлатиб, Ғарбий хоқонлик бошқарувини ўз қўлига олиши даврига тўғри келади². Шегуйнинг вафотидан сўнг Ғарбий хоқонлик унинг иниси **Тун ябғу-хоқон** (Тонг шеху-кехан; 618–630) қўли остига ўтади. Эҳтимол, Ғарбий қанот бошқарувчиларининг ябғу-хоқон унвонида ҳокимият юрита бошлашлари айнан шу йилларга тўғри келади. Гарчи Ғарбий турк хоқонларининг барчаси манбаларда ябғу-хоқон унвони билан қайд этилмаса-да, хитой йилномаларида Тун ябғу-хоқондан кейин яна икки нафар ҳукмдор ушбу қўшалок унвон билан тилга олинганини кўриш мумкин. Жумладан, Истамининг авлоди бўлмиш **Сир ябғу-хоқон** (Сы шеху-кехан; 631 – 632(?)) ва **Ишбара ябғу-хоқон** (Шаболо шеху-кехан; 640–641), II. Тун ябғу-хоқон (695 – 700) сингари ҳукмдорлар. Ғарбий хоқонлик тахтига ўтирадилар³. Дарвоқе, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларининг ўзларини тўғридан-тўғри хоқон деб атамасдан, бир муддат ябғу-хоқон шаклидаги қўшалок унвон билан ҳокимият юргизишлари шарқдаги бош ҳукмдор – хоқоннинг устуналигини тан олишларини ифодалаган бўлиб, афтидан, бу анъанага ҳар доим ҳам амал қилинавермаган кўринади.

¹ Wang, 1982:124-132, 143 – 147; Golden, 2002:109.

² Osawa, 2002:84; Golden, 2002:109.

³ Шювен, 1999:64-67; Урай, 1979:281.

Чунки Ғарбий қанот бошқарувчиларидан бир неча нафарининг ҳали ушбу қанот хоқонлик статусини олмаган пайтларда, ҳатто *Ябгулик* паллаарида ҳам ўзларини хоқон деб атаганликлари манбалардан маълум. Жумладан, Ғарбий қанот бошқарувидан масъул Истамининг ўғли Тарду 576 йилда отаси вафот этгач, ушбу бошқарувни мерос олган бўлса-да, шарқдаги бош ҳукмдорлар билан низога бориб, ўзини хоқон деб атайди¹. Бу унинг исми хитой йилномаларида *Дату кехан* (Тарду хоқон), Чочда зарб қилинган тангаларда *trδw x'γ'n* (Тарду хоқон) шаклида учрашида (Расм VI, 17) ҳам ўз тасдигини топади². Шунингдек, *ябгулик* палласида Ғарбий қанотни бошқарган Нири (587-599), Чура (599 – 610), Шегуй (611 – 617) каби ҳукмдорларнинг ушбу унвон билан ҳокимият юритганликлари, асосан, хитой йилномалари, қисман эса суғдий тилли битиктош (Или ёдгорлиги)дан маълум³. Шу уринда мазкур ҳукмдорларнинг марказий ҳокимият – Шарқий хоқонлик мавжуд бўлиб турган бир пайтда хоқон унвонига эга бўлишлари изоҳ талаб қилади. Эҳтимол, марказда тез-тез рўй бериб турадиган иқтидор заифликларидан фойдаланган баъзи Ғарбий қанот бошқарувчилари ўзларини хоқон деб эълон қилишга журъат этган бўлишлари мумкин. Фақат Шарқий хоқонлик мавжуд бўлиб турган пайтда, Ғарбий қанот бошқарувчиларининг ҳаммаси ҳам ўзларини том маънода хоқон деб атай олмаган шекилли, манбаларда улар, асосан, *ябгу* ёки *ябгу-хоқон* унвонлари билан тилга олинади. Бироз қуйида кўриб ўтиладиганидек, ушбу қанот бошқарувчилари томонидан Чоч воҳасида бостирилган тангаларда унвонлар иерархиясига амал қилинган ҳолда дастлабки пайтларда, яъни Ғарбий Турк хоқонлик *Ябгулик* статусида экан, фақат *жабгу* унвони билан, кейинги босқич *Ябгу-хоқонлик* палласида эса *жабгу-хоқон* унвони билан танга зарб қилдиришган. Қачонки, Шарқий Турк хоқонлиги давлат сифатида барҳам топгач, Ғарбий қанот том маънода мустақил давлат – хоқонликка айланган ва бошқарувчилари *хоқон* унвонида танга зарб қила бошлаган. Демак, Ғарбий қанот бошқарувчилари ўзларини қанчалик хоқон деб атамасинлар, танга зарбида қадимги турк давлатчилиқ анъаналарига амал қилинганки,

¹ Бичурин, II: 242.

² Бабаяров, 2005: 205-207; Бабаяр, Кубатин, 2005: 98, 102.

³ Бичурин, I: 279, 281; Osawa, 2002: 80 – 81.

анъанага кўра Шарқий қанот ҳар доим марказий ҳокимият сифатида билинар, Ғарбий қанот эса унга бўйсунуши талаб этиларди¹. Бу эса қадимги туркларга хос ҳокимият қонунийлиги (легитимлиги)ни ифодаловчи анъаналарнинг танга зарбида қанчалик даражада ўз аксини топганидан дарак беради. Тўғри, Ғарбий турк ҳукмдорлари тангалари орасида Тардуга тегишли *хоқон* унвонида бостирилган тангалар кўзга ташланади, бироқ бу ўша даврдаги сиёсий вазият билан алоқали бўлиб, бир муддат Тарду томонидан *хоқонликнинг* ҳар иккала қанотидаги ҳокимият эгаллаб олингани ва у ўзини “буюк *хоқон*” деб эълон қилганини² ҳисобга олиш лозим.

Аслида, Турк *хоқонлигининг* Шарқий ва Ғарбий *хоқонликларга* бўлиниши ҳодисаси – бу қадимги туркий давлатчилик анъанасига хос одат давлатнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларга тақсимланиб бошқарилиши ҳамда Шарқий қанотнинг устунлиги билан алоқадор. Хитой йилномаларидан Тумин (Бумин) *хоқон* вафотидан кейин бош ҳукмдор – *хоқон* сифатида унинг биродари Истами эмас, ўғли **Қора** (Коло; 552–553), кейинчалик иккинчи ўғли **Муқан** (553–572) тайинланиши воқеаларидан ҳам маълум бўладикки, Истами ғарбий қисмни бошқаришга маъсул қилинганди. Шу туфайли бўлса керак у *ябгу* ёки *ябгу-хоқон*, яъни бир маънода “вице-қирол” унвонига тўғри келадиган унвон билан ҳукм юритган эди³. Бинобарин, *ябгу* унвони, қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларидаги маълумотлардан аён бўлишича, *хоқонлик* бошқарув иерархиясида бош ҳукмдор – “*хоқон*”дан кейин иккинчи ўринда турувчи шахсга нисбатан қўлланилган⁴. Дастлаб, *ябгу* унвонига ҳукмдор хонадон аъзолари: *хоқоннинг* оға-инилари, амакилари, жиян ва ўғиллари эришган бўлсалар, кейинги даврларда ушбу унвон Шарқий Туркистондаги *хоқонликка* бўйсунувчи тобе ҳукмдорликларда ҳам қўлланила бошлагани маълум⁵. Фақат бу ҳодиса *хоқонликнинг* Хитой асоратига тушиб қолган даврига тўғри келадикки, бу эса мавжуд анъаналарнинг бир муддат таназзулга юз тутганлиги билан боғлиқ бўлиши керак.

¹ Трепавлов, 1993:96 – 97.

² Бичурин, I:242; Таşağıl, 2003:57.

³ Шювен, 1999:34.

⁴ Бичурин, I:229; Таşağıl, 2003:97.

⁵ Бичурин, II:291, 293, 295, 302-303; Chavannes, 1903:104, 117, 126; Таşağıl, 2003:81; Skaff, 2002:103, n. 27.

Турк хоқонлиги барпо этилган дастлабки йилларда ниҳоятда кенгайган давлат ҳудудини бошқариш учун, бошқарувнинг анъанавий қоидаларига кўра, давлат икки сиёсий-маъмурий қисмга бўлинган ва Истамига *ябгу* унвони берилиб, хоқонликнинг ғарбий қисмларини бошқариш топширилган эди¹. Унда Истамининг авлодлари ҳам *ябгу* деб юритилмасдан, *ябгу-хоқон* тарзида қўшалок унвон билан аталишини қандай изоҳлаш мумкин? Шарқий хоқонликнинг ички ғарбий қаноти бўлмиш Тардуш² бошқарувчилари Урхун обидаларида *ябгу* унвонида тилга олинганини ҳисобга олиб баъзи тадқиқотчилар *ябгу-хоқон* иборасини “Ғарбий қанотнинг хоқони” маъносида тушуниш керак, деб изоҳлайдилар³.

Гарчи тўлақонли асосга эга бўлмаса-да айтиш мумкинки, Ғарбий хоқонлик ҳам икки (баъзан ундан ортиқ) қисмга бўлиб бошқарилган ва уларнинг бошқарувчилари *ябгу* унвони билан юритилганини назарда тутадиган бўлсак, ҳукмдорлар улардан мансаб жиҳатидан устунлигининг аломати сифатида *ябгу-хоқон* унвонини қўллаган бўлиши эҳтимолга яқин. Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларининг аксарияти тўғридан-тўғри *хоқон* деб юритилмаганининг сабабини эса уларнинг нисбий бўлса-да марказга боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан биргаликда, айрим Ғарбий турк ҳукмдорларининг манбаларда *ябгу-хоқон* унвонида қайд этилмаганлиги ҳисобга олинса, ҳозирча ушбу атаманинг том маъноси очиқ қолмоқда⁴. Шунга қарамасдан, Ғарбий қисм бошқарувчиларига нисбатан мазкур қўшалок унвон ишлатилганини тасдиқлайдиган бошқа далилларнинг ҳам мавжудлигини назардан қочирмаслик керак. Жумладан, Турк хоқонлигининг икалла қисми ҳам бир муддат Хитой империясига

¹ Chavannes, 1903:219-221; Golden, 2002:103.

² Тардуш – Шарқий Турк хоқонлигининг ички ғарбий ёки ўнг қаноти учун қўлланилган ушбу атамани баъзи тадқиқотчилар хитой йилномаларидаги янъто ёки се янъто шаклида қайд этилган этноним билан тенглаштиришади. Фақат бу фикр тўлақонли равишда ўз тарафдорини топганича йўқ (Golden, 2002:118).

³ Tuğuşeva, 2002:154.

⁴ Шарқий (марказий) хоқонлик ҳукмдорларидан бири Чулохзу (587–589) Н. Я. Бичурин томонидан амалга оширилган таржимада шеху-хан (*ябгу-хоқон*) тарзида берилган бўлса-да (*қар.* Бичурин, I:239), кейинги пайтларда бошқалар томонидан амалга оширилган таржималардан унинг ҳукмдор бўлмасдан олдинги унвони *ябгу* бўлганлиги, ҳокимиятни қўлга киритгач эса, ушбу унвонни ташлаб, *бага-хоқон* (моҳэ-кехан) унвонини олганлиги маълум бўлди (*қар.* Таъағил, 2003:48). Бу эса Шарқий хоқонлик бошқарувида *ябгу-хоқон* қўшалок унвони қўлланилмаганидан дарак беради.

қарам бўлиб қолган пайтда, Олтой ва Тяньшан тоғлари оралиғидан то Ўтукан (Муғулистон) водийсигача бўлган ҳудудда ҳукм сурган Се-Янь-то хоқонлиги (Сир-тардуш(?); 627–647) ўз бошқарувини икки қисмга бўлиб, шарқий қисм ҳукмдорига тўлас(?)-хоқон (хит. тулиши-кехан), ғарбий қисми ҳукмдорига эса ябғу-хоқон (шеху-кехан) унвони бергани хитой йилномаларида қайд этилади¹. Бу эса ўша давр туркий давлатчилик тизимида давлатни шарқий – марказий бошқарув ва ғарбий – марказга бўйсунувчи ҳокимият тарзида тақсимлаб идора қилиш анъанаси мавжуд бўлганидан ҳамда уларнинг бошқарувчилари унвон жиҳатидан фарқланганидан дарак беради.


Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувида “ябғу-хоқон”лар турганини тасдиқловчи маълумотларнинг нафақат ўша давр ёзма манбаларида, балки нумизматик материалларда ҳам ўрин олганини кўрсатмоқда. Чунончи, яқин йилларда тарафимиздан VI – VIII асрларга оид Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларнинг аниқланиши мазкур хоқонлик билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларнинг ҳал қилинишига имкон берди. Хусусан, кейинги вақтларда Тошкент воҳасидан топилган тангалар сафига кўплаб яхши сақланган мис тангаларнинг келиб қўшилиши ва улардага сўғдий ёзувда ифодаланган жумлаларнинг томонимиздан *trδw x'γ'n* – “Тарду хоқон”, *срγw x'γ'n pny* – “Жабғу-хоқон тангаси”, *twп зрγw x'γ'n* – “Тун жабғу-хоқон” ва *βγυ twп срγw x'γ'n* – “Илохий Тун жабғу-хоқон” шаклида ўқиб чиқилиши илк бор Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари ўз номидан танга зарб қилдирганлар, деган фикрни ўртага ташлашимизга асос бўлди. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, гарчи шу пайтгача амалга оширилган тадқиқотларда VI – VIII асрларга тааллуқли Ўрта Осиё тангаларининг бир қисмини “қадимги турк тангалари” гуруҳи ташкил қилиши таъкидланса-да², уларнинг айнан қайси ҳукмдорларга ёки сулоаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган эди. Ҳатто, “Турк хоқонлиги танга зарб қилдирганми ёки аксинча?” деган савол деярли ўртага қўйилмаганди. Кўпчилик тадқиқотчилар орасида илк туркий тангалар Тургаш хоқонлиги (699–766) томонидан чиқарилган, деган фикр ўринлашиб қолганди³.

¹ Бичурин, I:342; Таşағил, 2003:38.

² Смирнова, 1981:5, 14, 59; Baratova, 1999:281-283.

³ Salman, 1998:131.

Кейинги йилларда Тошкент воҳасидан айнан VI – VIII асрларга, яъни Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келувчи юзлаб нумизматик материалларнинг топиллиши ва уларда хоқонликка хос унвонларнинг деярли барчаси учраётганлиги бу масалани синчиклаб тадқиқ қилишни талаб қилиб қўйди.

Аввало, томонимиздан Чоч тангаларида “жабғу” унвонининг аниқланиши хоқонлик тарихининг кўплаб масалаларини қайта кўриб чиқишга туртки бўлди. Жумладан, бош қисми тасвирланган узун сочли ҳукмдор ва уч қиррали қалпоқ кийган малика тасвирли тангаларда сўғдий ёзувда *ZNH pny cpꞑw krnw crδnk* – “Бу - забардаст қудратли (?) жабғунинг тангаси” ёки чордона қўрган ҳолда гиламда ўтирган ҳукмдор ва малика тас-вирли тангаларда *pny cpꞑw krnw crδnk* – “Забардаст/қудратли (?) жабғу тангаси” жумлалари учрайди. Ҳар иккала тангада  шаклидаги тамга учраши, унвонларининг бир хиллиги ва иконографияк жиҳатдан яқинлик, уларнинг бир вақтда зарб қилдирилганидан дарак беради. Фикримизча, ушбу тангалар ҳали Еттисувдаги Ғарбий қанотнинг марказ – Шарқий Турк хоқонлигига боғлиқлик даражаси кучлироқ бўлиб, бошқарувчилари “жабғу-хоқон” унвонини олмаган ва “жабғу” (ябғу) унвонида фаолият юритаётган пайтларда зарб қилдирилган бўлиши мумкин. У ҳолда ушбу тангалар Ғарбий қанот бошқарувчиларининг илк тангалари бўлиб чиқади. Демак, Ғарбий қанот кейинчалик алоҳида бир сиёсий уюшма мақомини олиб, муайян даражада марказга дахлдор бўлиб турган бир паллада дастлаб “жабғу”, кейинчалик “жабғу-хоқон”, тўлиқ мустақил бўлган пайтда эса “хоқон” унвонли тангалар зарб қилинган, деб ҳисоблаш учун асос бор. Агар Ғарбий қанот Истами ябғу даврида марказга анча боғлиқ ҳолда шаклланганини ҳисобга оладиган бўлсак, “жабғу” унвонли тангалар 560 – 590 йиллар оралиғида, Ғарбий Турк хоқонлигини Нири, Чўра, Шегўй, Тун ябғу-хоқон, Сир ябғу-хоқон каби ҳукмдорлар бошқарган пайт – 590 – 630 йиллар орасида эса “жабғу-хоқон” унвонли тангалар зарб қилинган бўлиб чиқади. Бинобарин, “жабғу” унвонли тангаларнинг иконографияк хусусиятлари ҳам уларнинг хоқонликнинг илк тангалари эканлигини кўрсатади, деб ўйлаймиз. Сабаби, қўшалоқ портретли “жабғу” унвонли тангаларда ҳукмдор ва малика тасвири худди шундай тасвирли “жабғу-хоқон” унвонли тангалардан ўзининг иконографияк жиҳатдан анча му-

каммаллиги билан ажралиб туради. Хусусан, ушбу тангада малика бошидаги уч мўгузли қалпоқ аниқ-тиниқ тасвирланган бўлса, “Тун жабғу-хоқон” унвонли тангаларда қалпоқ шакли анча ўзгарган ва илк шаклдан узоқлашганини кўриш мумкин (*таққосланг*. VI. Расм, 3, 11). Шунингдек, ҳукмдор тасвирларида ҳам анчагина фарқлар кўзга ташланади. Жумладан, “жабғу” унвонли тангаларда ҳукмдор ва маликанинг юз ва соч шакли жуда аниқ тасвирлангани яққол кўриниб турибди. Бундан ташқари, чордона қуриб ўтирган ҳукмдор ва малика тасвири, “жабғу” унвонли тангалар ҳам уларнинг ғарбий қанот (Ғарбий турк ҳоконлиги) бўлиши керак, деган фикрга асос беради.

Шу ўринда бу сюжетлар Византия империяси тангаларидаги сюжетлар билан яқин ўхшашликка эгаллигини эътироф этиш зарур. Хоқонлик тангаларини синчиклаб ўрганиш шундан дарак берадики, Ғарбий турк хоқонлари ўз танга зарби учун Византия тангалари иконографиясини нусха сифатида олишган ва қуйидаги тасвирларга эътибор қаратишган: 1-тип. Ҳукмдор боши тасвири (I Юстиниан; 527–565); 2-тип. Қўшалоқ портретли (II Юстиниан (565–578) ва малика София); 3-тип. Курсисимон тахтада ўтирган император (II Юстиниан) ва малика (София) тасвири тангалар тақлиди. Ушбу тангалар ичида 1-тип тангани Ғарбий турк ҳукмдорларининг энг дастлабки тангалари, деб ҳисоблашга қуйидагилар асос бўлади, яъни танганинг ўнг юзаси (аверс)да Византия тангаларига хосликлар мавжуд: 1) ҳукмдор қиёфаси, 2) бош кийими, 3) ҳукмдор бошининг чап томонида хоч ишорати мавжудлиги, 4) ҳукмдор бошининг ўнг томонида Византия императорларидан бирининг исмини эслатувчи юнонча ёзув излари¹. Бу тип тангаларнинг Византия тангаларидан фарқли жиҳати шуки, уларнинг орқа юзаси (реверс)да хоқонликка хос тамға тасвири туширилган (VI. Расм, 1). Ғарчи Ғарбий турк ҳукмдорларининг қўшалоқ портретли тангалари (2-3 типлар) учун ҳам Византия сюжетлари асос қилиб олинган бўлса-да, уларда ўзига хос “миллийлашиш” кўзга ташланади. Жумладан, бу типдаги тангаларнинг биринчисида туркий қиёфаи ҳукмдор боши устида яримой ва юлдуз ишораси жой олган бўлиб, иккинчисида эса ҳукмдор ва малика византияликлардан фарқли ҳолда курсисимон тахтада эмас, гиламда ўтирган ҳолатдадир (VI. Расм, 4). Бу типдаги тангаларни тамға шакли (☩), ун-


¹ Бабаёров, Кубатин, 2008:4 5.

вон (*жабғу*), иконографик ўзига хосликлардан (прототип) келиб чиқиб, хоқонликнинг **илк босқич тангалари**, яъни *Ябғулик* даври тангалари деб ҳисоблаб, уларнинг зарб эттирилиш хронологиясини тахминий равишда 560-йиллар охири – VI аср сўнги чорагига қўйиш мумкин.

Чоч тангалари орасида “Тарду хоқон”, “Тун жабғу-хоқон каби конкрет ҳукмдор номларининг аниқланиши хоқонлик танга зарб қилганми ё аксинчалиги масаласининг ҳал этишида яна бир қадам бўлди. Хусусан, Чочда зарб қилинган тангалар орасида бир томонида лангарсимон тамга (**Т**) ва унинг устида сўғдий ёзувда *trδw* – “Тарду” (*Av*), тескари томонида эса *x'γ'n* – “хоқон” (*Rv*) жумлалари жой олган тангалар аниқланди (VI. Расм, 17). Қизиғи шундаки, бу тип тангаларда хоқонликнинг бошқа тангаларидан фарқли равишда лангарсимон тамга акс этган бўлиб, бу эса мазкур тангалар билан боғлиқ равишда юқорида кўриб чиқилган масалалардан ташқари, яна бир қатор муаммони келтириб чиқаради. Фикримизча, Тарду фаолиятининг кейинги даврларига мурожаат қилиш орқали бу муаммоларга жавоб топиш мумкин. Юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, 580-йилларнинг бошида хоқонликнинг Ғарбий қанотини мустақил қилишга эришган Тарду хоқон 80-йилларнинг ўрталарида бу ердаги ҳокимиятдан маҳрум бўлгач, шарққа кетади ва у ерда муваффақиятлар қозониб, марказий (шарқий) ҳокимиятни эгаллайди ва 600 – 603 йилларда бир муддат Шарқий ва Ғарбий хоқонликларни бирлаштиради ҳамда “буюк хоқон” бўлиб қолади. Тарду хоқон номи акс этган тангалар айнан шу даврда зарб қилдирилган бўлиши мумкин. Дарвоқе, Шарқий хоқонлик маркази бўлмиш Ўрхун водийси (Мўғулистон)да яқин йилларда олиб борилган археологик қазинмалар жараёнида Билга хоқон обидаси (730-йиллар) атрофидан топиладиган балбал (тош ҳайкал) сиртида лангарсимон тамганинг айнан ўхшаши учраши¹ ҳам мазкур тамганинг Шарқий (марказий) хоқонлик билан алоқадорлиги эҳтимолини кучайтиради.

Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари масаласини ҳал этишда Тошкент воҳасидан топилаётган “жабғу-хоқон” унвонли тангалар алоҳида ўрин тутаяди. Бу типдаги тангаларнинг бир томонида унғ томонга йўналган оғлиқ тасвири (*Av*), тескари томонида эса биринчи босқич тангала-

¹ Kuzuoglu, Gökçek, 2005:54, Resim 21.

ридагидан бироз фарқланувчи ўзига хос тамга жой олган бўлиб (), атрофида сугдий ёзувда айланасига ёзилган *сруу х'у'п рпу* – “Жабғу-хоқон тангаси” иборалари мавжуд (VI. Расм, 10)¹. Шунингдек, бир қисми ҳалигача ўқиб чиқилмаган, устида яримой ва юлдуз акс этган от тасвирли тангаларда ҳам “... жабғу-хоқон” сузлари яққол кўринади (VI. Расм, 9). Таъкидлаш зарур, ушбу тангаларда “жабғу-хоқон” унвонининг учраши Чоч воҳасида зарб қилинган тангалардан бир қисмининг Ғарбий Турк хоқонлигига алоқадорлиги масаласини янада ойдинлаштиради. Чунончи, юқорида ҳам айтиб утилганидек, хитой йилномаларида, асосан, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорлари *шеху-кехан* – “ябғу хоқон” унвони билан қайд этилади. Шунингдек, *жабғу/ябғу* ёки *ябғу-хоқон* унвонлари турли тиллардаги манбаларда *Σιββουλος*, *Ζιββηλ* (визант.), *жембуху*, *жебу хаган* (арман), *жибғу* (грузин), *Синжибу хоқон* (араб), *Синжепук* (ўрта форс), *йа-бго хаган* тибет шаклларида учрайдики², уларни тадқиқотчилар Истами ябғу ва унинг авлодлари бўлмиш Ғарбий турк хоқонлари билан алоқали ҳисоблайдилар.

“Жабғу-хоқон” унвонли тангаларнинг ким томонидан ёки айнан қайси Ғарбий турк хоқони томонидан қачон ва қаерда зарб қилдирила бошланганлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, асосан, Тошкент воҳасидан топилаётганлиги уларнинг Чоч ҳудудида бостирилгани ҳақидаги фикрни кучайтиради. Айниқса, хоқонлик таркибида пайтда Чочнинг маҳаллий ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалар устидан *жабғу-хоқон* унвонли тангалар қайта зарб қилинган ҳолатда учраши хоқонлик тангаларининг Чоч воҳасида бостирилганини яна бир бор тасдиқлайди³. Бироқ бу тангаларнинг Ғарбий турк хоқонларидан айнан қайси бирига мансублиги масаласини ечиш бирмунча мушкул. Чунки юқорида кўриб утилганидек, Ғарбий турк хоқонларидан бир нечаси *ябғу-хоқон* унвони билан ҳукм юритган. Шунингдек, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларининг умумий расмий унвони *ябғу-хоқон* бўлган, деган фикрларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Маълумки, манбаларда Истами (552 – 576)дан бошлаб то охирги мустақил Ғарбий турк хоқонларидан

¹ Бабаяров, 2005:198, 202, рис. 2, 1-2.

² Chavannes, 1903:226 – 228; Moravcsik, 1958:130-131, 290; Golden, 2002:103; Гумилев, 1967:158-159; Урай, 1979:281.

³ Babayar, 2007:63

бири бўлмиш Ишбара (640 – 641) гача ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар ҳақида гап борганда, улар кўпинча исмлари билан эмас, фақатгина унвони билан *ябгу*, *ябгу-хоқон* тарзида тилга олинади. Бу эса ушбу тангаларнинг Истами давридан бошлаб чиқарилганми ёки унинг авлодларидан бири давридами масаласини кўндаланг қўяди. Агар Ғарбий Турк хоқонлигининг дастлабки босқичда, яъни 560-йиллардан то VI аср охирларигача Ҳрхун (Муғулистон) даги марказий ҳокимият Шарқий Турк хоқонлигига бўйсунувчи Ғарбий қанот ўлароқ *Ябгулик* мавқеида бўлганлиги, ушбу қанот VI аср охирлари – VII аср бошларига келгач, марказдан бирмунча мустақил фаолият юрита бошлаб, бошқарувчилари *Ябгу-хоқон* унвонига эга бўлган давр, яъни *Ябгу-хоқонлик* мақомидалиги даврида зарб қилинганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Хуллас, *жабгу-хоқон* унвонининг Чочда зарб қилинган тангаларда учраши, ушбу тангаларнинг айнан Ғарбий Турк хоқонлигига таалуқли эканини тасдиқлаши баробарида улар хоқонликнинг иккинчи босқич тангалари бўлганидан дарак беради. Шу билан биргаликда, ушбу хоқонлик ҳукмдорларининг расмий унвони *ябгу/жабгу-хоқон* бўлганлиги янада ўз исботини топади. Яна бир бор таъкидлаш зарур, улар орасида “Тун жабгу-хоқон” унвонли тангалар учраши ушбу тангаларнинг Ғарбий Турк хоқонлигига оидлигини шубҳа остида қолдирмайди.

Бинобарин, Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материаллар орасида *βγυ twn cpyw x'γ'n* – “Илоҳий Тун жабгу-хоқон” жумлалари ва “жабгу-хоқон” унвонли тангаларники билан бир хил тамга (𐰽𐰺) акс этган тангалар анча кўп учрайди. Жумладан, бу турдаги тангаларнинг иккита асосий типни: 1) чордона куриб ўтирган ҳукмдор (VI. Расм, 12), 2) қўшалоқ портретли (жабгу/хоқон ва хотун) тасвирли (VI. Расм, 11) тангалар зарб қилингани аниқланди¹. Ушбу тангалар Ғарбий Турк хоқонлигининг энг машҳур ҳукмдори **Тун ябгу-хоқон** (618 – 630) томонидан зарб қилдирилган бўлиб, айнан унинг ҳукмдорлиги пайтида хоқонлик ва Чоч орасидаги алоқалар кучаяди. Шунингдек, Ғарбий хоқонликнинг жануби-ғарбий ўлкаларга кучли эътибор қарата бошлаши айнан Тун ябгу-хоқон ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Хитой йилномаларида таъкидланишича, у Ғарбий хоқонлик марказини Ши (Чоч) давлатининг шимолидаги Цянь-цюань (Мингбулоқ) мавзесига кўчи-

¹ Бабаяров, 2005:97 – 105.

ради ва барча ғарбий ўлкалар устидан ҳукмронликни мустаҳкамлайди ҳамда Босы (Эрон), Гибин (Каписа-Кобул)ни назорат остига олади¹. Бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиги, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Хуросон, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қора денгиз бўйларини ўз ичига олган йирик салтанатга айланади.

Демак, “жабғу-хоқон” ва “Тун жабғу-хоқон” унвонли тангаларни улардаги тамға шакли (𐰉) ва унвонлар мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда хоқонликнинг **иккинчи босқич тангалари**, деб ҳисоблаш мумкин. Фикримизча, бу типдаги тангалар Ғарбий Турк хоқонлигининг *Ябғу-хоқонлик* палласига оид бўлиб, уларнинг даврий хронологиясини VII аср охирлари – 630 йиллар билан белгилаш мақсадга мувофиқ.

Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларининг катта бир қисмини “хоқон” унвонли тангалар ташкил этади². Хусусан, Тошкент воҳасидан топилаётган тангалар орасида қўшалоқ портретли (ҳукмдор ва маликанинг бош қисми) ва икки ўрқачли туя тасвири ҳамда ўртаси квадратсимон тешикли хитой тангаларига тақлид тангалар учрайди (VI. Расм, 15 – 16, 18). Улардан биринчиси иконографик ва тамға шакли (𐰉) жиҳатидан юқорида кўриб чиқилган “жабғу” ва “жабғу-хоқон” унвонли тангаларга жуда яқин бўлиб, кўплаб миқдорда топилиши билан алоҳида ажралиб туради. Бу типдаги тангаларда фақат “хоқон”

¹ Бичурин, I:283.

² Бу типдаги тангалар илм оламига танитилганига 30 йилга яқин бир вақт ўтди (Ртвеладзе, 1982:38). Фақат кўп йиллар давомида уларда жой олган суддий жумлаларни муваффақиятли ўқиш имконияти бўлмаганлиги сабабли ушбу тангаларнинг айнан қайси ҳукмдорликка алоқадорлиги масаласи ҳал этилмастан келмоқда эди. Уларда “хоқон” унвони акс этгани ва Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли эканлиги илк бор 2005 йилда Э.В. Ртвеладзе томонидан ўртага ташланган бўлиб, дастлаб гадқиқотчи [...] twvп γ’уп – “Туун хоқон” жумлаларини аниқлаган ва Тун ябғу-хоқонга оид тангалар, деб ҳисоблаганди (Ртвеладзе, 2005:90–93). Айни йилларда биз тангадаги жумланинг қолган қисми βуу шаклида ўқилишини аниқлаб, бу тип тангалардаги бутун жумлани βуу twvп γ’уп – “Илохий Гон (Тун) хоқон” (этимол, тон (тун) қадими туркчада “бош, гунгич” маъносига эканлиги ва бу тип тангаларнинг “Илохий бош/гунгич хоқон” иборалари билан бир неча Ғарбий турк хоқонлари томонидан чиқарилган) тарзида тиклаган эдик (Бабаёров, 2007: 32 – 33). Фақат кейинги йилларда бундай тангаларнинг айрим вариантларида twп зр’w x’уп – “Тун жабғу-хоқон” жумлалари ўрин олганлиги аниқланди (Бабаёров, Кубатин, 2007:129 – 131; 2010:45). Шу тариқа бундай тангаларнинг бир неча вариантлари борлиги, уларнинг бир қисми “Илохий Гон (Тун) хоқон” жумлалари билан Ғарбий Турк хоқонлигининг бир неча ҳукмдорлари томонидан, бир қисми эса Тун ябғу-хоқон номидан (ёки унинг хотирасига аводлари томонидан) бостирилган бўлиб чиқади.

унвонининг учраши, тамганинг қўшимча элементлар олганлиги, тасвирлардаги дастлабки шакл (прототип) анчагина ўзгаришга учраганлиги, улар хоқонликнинг сўнгги, **учинчи босқич тангалари** бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бу давр тангаларида “жабғу” ва “жабғу-хоқон” унвонлари учрамаслиги, уларнинг Ғарбий қанотнинг **Хоқонлик** палласига ўтиши билан боғлиқ, деб изоҳлаш имконини беради. Агар 630-йиллар бошида Хитойдаги Тан империяси Шарқий Турк хоқонлигига барҳам берганлиги эътиборга олинса, бу пайтга келиб Ғарбий қанот (яъни, Ябғу-хоқонлик) марказий ҳокимиятнинг вориси ўлароқ, мустақил хоқонликка айланган ва ҳукмдорлар энди фақатгина “хоқон” деб аталиб, шу унвонда танга чиқара бошлаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда “модомики, “Тарду хоқон” унвонли тангаларни “жабғу” ва “жабғу-хоқон” унвонли тангалар оралигида зарб қилинган, деб ҳисоблар эканмиз, унда нега “хоқон” унвонли бошқа тангаларни ҳам шундай тангалар сирасига киритмаслигимиз керак”, деган савол туғилиши мумкин. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, “хоқон” унвони билан зарб қилинган тангалар ўз хусусиятлари (иконографияси, тамга шакллари)га кўра, хоқонликнинг биринчи (Ябғулик) ва иккинчи (Ябғу-хоқонлик) даври тангаларидан анча фарқ қилиб, ҳукмдор тасвирларининг аслиятдан анча узоқлашгани ва тамгага қўшимча элементлар илова қилингани яққол кўриниб турадики, бу эса уларнинг мазкур тангалар (“жабғу” ва “жабғу-хоқон” унвони)дан кейин бэстирилганини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Чоч воҳасида босилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари орасида фақат “хоқон” унвонли тангаларнинг бир қисмида Хитой таъсири кузатилиб, ўртаси тўртбурчак тешикли бундай тангаларда хоқонликка хос тасвир ва тамгалар учрамайди (VI. Расм, 15 – 16). 650 йилларнинг охирларида Ғарбий Турк хоқонлиги Тан империясига қарам бўлиб қолган паллаларда зарб қилингани эҳтимоли юқори бўлган бу тангалар тип ва миқдор жиҳатидан камчиликни ташкил этади. Бу эса хоқонликнинг ўз танга зарбида қисқа бир муддат Хитой анъаналарига бўйсунганидан дарак беради. Демак, бу каби жиҳатлари уларни “Тарду хоқон” тангалари каби “Ғарбий қанот бошқарувчилари ҳали марказий ҳокимият (Шарқий Турк хоқонлиги) емирилмасдан туриб ўзларини хоқон эълон қилган даврларига мансуб тангалар”, деб ҳисоблаш имконини бермайди.

Кези келганда айтиб ўтиш лозим, Ғарбий турк хоқонларига хос тангалар қаторига Фаргона водийси (Қува)дан топилган тангаларни ҳам қўшиш мумкин. Аҳамиятлиси шуки, Тошкент воҳасидан топилган тангалардан фарқли ўлароқ, Қува тангаларидаги жумлалар турк-рун (*Av*) ва суғд ёзувида (*Rv*) битилганидир¹. Уларда ўрин олган ҳукмдор тасвирлари ва тамгалар Тошкент воҳасининг мазкур тангаларидаги тасвирлар ва тамгалар билан айнан ўхшайди. Бу эса Ғарбий турк хоқонларига тааллуқли тангаларнинг водийда ҳам кенг муомалада бўлганини кўрсатади. Ушбу тангаларнинг бир гуруҳи Фаргона водийсида зарб қилинган, деб ҳисоблаш имконини берадиган далиллар мавжуд. Чунончи, VII аср иккинчи чорагида водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ўз ҳокимиятига асос солган бўлиб, VIII аср урталаригача зарб қилинган хитой тақлиди ўртаси тўртбурчак тешикли Фаргона тангаларида “хоқон” унвони ва **𐰽** / **𐰾** шаклидаги тамгалар учраши² ҳам бунинг далиллари билан биридир. Бир неча варинатлари аниқланган мазкур тамға хоқонликнинг ҳокимият рамзи бўлиши тоғ эчкиси шаклидаги Ўрхун битиктошларида ўрин олган тамға билан генезиси бирлиги эҳтимоли юқори. Чунки бундай тамгаларнинг яқин ўхшашлари Чоч ва Фаргона водийси туркий тангаларидан ташқари, Тўхористоннинг айрим туркий тангаларида ҳам учраши бундан далолат бермоқда³.

Юқорида қисман тўхталиб ўтилганидек, асосан, Тошкент воҳаси ва қисман Фаргона водийсидан топилаётган ушбу тангаларнинг иконо-график жиҳати ҳам уларнинг хоқонлик билан алоқали эканлигини кўрсатади. Хусусан, улардаги ҳукмдор тасвирлари қадимги туркийларга хос қиёфада (елкагача тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз қисқ қўз) акс эттирилган. Бу тасвирлар Ғарбий турк хоқонлари ҳақида манбаларда келтирилган маълумотларга мос келади. Жумладан, 627/629 – 645 йилларда ғарбий ўлкаларга сафар қилган ва Тунъябгу-хоқоннинг хузурида бўлган хитой роҳиби Сюан Цзан ўз асарида хоқонни бош кийимсиз, узун сочлари елкага тушиб турган ва яшил тун кийган ҳолатда тасвирлайди⁴. Шунингдек, Тошкент воҳасидан то-

¹ Babayar, 2007:30, 151-152; 2008:135-137.

² Смирнова, 1981:338-339; Баратова, 1998:41 – 43; Babayar, 2007:153 – 155.

³ Ртвеладзе, 2006:119; Babayar, 2007:43-44; Бабаёров, Кубатин, 2010:3 – 10.

⁴ Гумилев, 1967:164; Тугушева, 1991:5 – 6.

пилаётган тангалар орасида Тун ябғу-хоқон тангаларига ўхшаш, бир томонида ёнма-ён турган қўшалоқ тасвир: бош кийимсиз, узун сочли ҳукмдор (ябғу) ва уч мугузли бош кийим кийган малика (хотун) тасвирлари акс эттирилган тангалар (VI. Расм, 3) ўзининг иконографик хусусиятлари билан диққатни жалб қилади. Маълумки, қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра ҳукмдорнинг аёли хотун унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида фаол иштирок этган ва саройда хоқондан кейинги ўринда турган¹. Айтиш мумкинки, тангаларда ҳукмдор (ябғу/хоқон) билан ёнма-ён малика (хотун) тасвирларининг акс этишини туркий давлатчилик тизимида аёлларнинг тутган мавқеи билан боғлаш мумкин. Шунингдек, тангалар иконографиясидаги диққатни тортадиган хусусиятлардан яна бири – қўшалоқ тасвирли тангаларда хотун уч мугузли бош кийимида тасвирланишидир. Бу типдаги тангаларни биринчилардан бўлиб ўрганган Э. В. Ртвеладзе ва Л. С. Баратовалар фикрича, мазкур тасвирлар Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларидан (асосан, Олтой, ва Мўғулистондан – *Ғ. Б.*) топилган тош ҳайкал ва бошқа буюмларда учрайди². Хусусан, Л. С. Баратованинг таъкидлашича, тангалардаги бу тас-вир қадимги туркийлар эътиқодича болалар, жангчилар, ҳомиладорлик ва ҳосилдорлик ҳомийси бўлган илоҳа Умай билан боғлиқдир³. Ҳозирда ҳам Жанубий Сибир туркийларида мавжуд бўлган ривоятга кўра, Умайнинг макони Тоғли Олтойдаги уч чўққили Белуха тоғида жойлашган бўлиб, уч мугузли қалпоқ ушбу илоҳа рамзидир. Шу билан биргаликда, Жанубий Сибир туркий элатларидан бири бўлмиш телеутларда “Тароқдай бошли Майэне (Умай-она)” ибораси учрайдики, ундан илоҳа Умайнинг уч мугузли тасаввур қилинганини пайқаш мумкин⁴.

Дарвоқе, хоқонлик расмий тарихнавислигининг ёрқин намуналари бўлмиш қадимги турк битиктошларида ҳам хотун Умайга менгзатилади. Кул Тегин битиктошида (732 й.) жой олган ушбу сатрлар бунинг мисолидир: “Умайтег угум қатун қутинга иним Кул Тегин эр ат булди – Умайдек онам – хотун қут (бахт)ига иним Кул Тегин эр оти топди (йигит

¹ Golden, 2002:121; Бобоёров, 2005:501-502.

² Ртвеладзе, 1976:26 – 27; Баратова, 2005:418-419.

³ Баратова, 2005:419.

⁴ Osawa, 2005:1876.

бўлди)¹. Хотуннинг Умайга менгзатилишини бошқа типдаги тангаларда ўрин олган тасвирлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Чоч тангалари орасида бири ўнг томонга қараб, бири эса тўғрига юзланиб ўтирган ҳолатда тасвирланган ҳукмдор ва малика (Av) тасвирлари мавжуд. Ушбу тангаларнинг орқа томонидан эса юқоридаги тангаларга ўхшаш тамга (Rv) жой олган (VI. Расм, 4). Мухими шундаки, тўғрига қараган малика ҳам уч мугузли қалпоқ кийган ҳолатда ҳомиладор аёл тарзида тасвирланган. Бу эса унинг Умайга менгзатилганига яна бир бор гувоҳлик беради.

Тангаларда аёл тасвири акс этишининг яна бир жиҳати қадимги туркий давлатчилик анъанасида етакчи ўрин эгаллаган омил – давлат бошқарувида хотун мансуб бўлган уругнинг рамзийлаштирилишидир. Маълумки, Турк хоқонлигида хотунлар мансуб бўлган туркий Ашида уруги вакиллари хоқонлик асосчиси бўлмиш Ашина уруги билан иттифоқчиликда ҳокимият бошқарувида фаол иштирок этганлар².

Тангаларда ўрин ологан қадимги туркий давлатчилик анъаналаридан яна бири – Тун ябғу-хоқон тангаларининг бир гуруҳида чордона қуриб ўтирган ҳукмдор тасвирининг жой олишидир. Бундай тасвир, баъзи олимлар фикрича, қадимги туркларга хос бўлиб, санъатшуносликда бу тарз “турк (ҳукмдори) ўтириши” ёки “туркона ўтириш” деб номланади³. Турк хоқонлигига бевосита ва билвосита тааллуқли Марказий Осиёнинг катта бир қисми ва унга қўшни ҳудудлар (Жанубий Сибир, Мўғулистон, Шимолий Хитой, Шарқий Туркистон, Қозоғистон, Шарқий Европа ва ҳоказо)дан тош ҳайкал – балбаллар ва тошларга чизилган инсон тасвирлари, шунингдек, сарой деворий расмлари (Афросиёб, Панжикент)даги тасвирлардан бир қисмининг чордона қурган ҳолатдалиги бундан дарак беради⁴.

Хўш, ушбу тангалар аксариятининг Тошкент (Чоч) воҳасидан топилшининг боиси нимада? Ғарбий турк хоқонларига тааллуқли тангаларнинг хоқонлик маркази бўлмиш Ёттисув ҳудудидан эмас, айнан Чоч ҳудудидан топилши қандай тарихий асосларга эга? Аввало, мазкур тангаларнинг асосий қисми Тошкент воҳасининг илк ўрта асрларга тааллуқли шаҳар харобаларидан топилаётганлиги, бошқа регионларда

¹ Қул Тегин битиги, Шарқ томони, 31-сатр (қар. Orkun, 1987:44).

² Торланбаева, 2004:29-34.

³ Esin, 1970: 238.

⁴ Альбаум, 1975:23; Albūm, 2001:101, 145, 184; Досымбаева, 2007:120150.

эса бундай тангаларнинг оз миқдорда учраши, учраганда ҳам мутахассислар томонидан “келгинди, тасодифий тангалар” сифатида талқин қилиниши уларнинг айнан Чочда зарб қилдирилганини тасдиқлайди. Агар хитой йилномаларига синчковлик билан назар ташланса, Ғарбий хоқонлик бошқарув марказининг бир неча бор Чоч ҳудудига кучирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Истами ябғу 560 йилларда ғарбда, эфталитларга қарашли ҳудудлардан биринчилардан бўлиб Чоч воҳасини қўлга киритади¹. 605 йилда эса ғарбий турк хоқони Шегуй (611 – 617) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфига олади ва бошқарувга хоқонликнинг ҳукмдор хонадонидан бўлмиш Тегин Тянчжи (Дэлэ Тянчжи; 605–609) ни тайинлайди². Шунингдек, хитой йилномаларида Ғарбий турк хоқони Чуло (Чура; 599 – 610) ўз давлати ҳудудида яна иккита “кичик хоқон” тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини Ши-го (луг. “Чоч давлати”)нинг шимолида таъсис қилади ва бутун ўтроқ ҳукмдорликларни ушбу кичик хоқон воситасида бошқаради³. Тун ябғу-хоқон (618–630) эса, юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини Чочга, унинг шимолидаги Цянь-Цюань (Мингбулок) мавзесига кўчиради. Шунингдек, яна бир Ғарбий турк хоқони, Истамининг бешинчи бўгин авлоди бўлмиш Ашина Улуғ (Хэлу; 651–657) ўз қароргоҳи сифатида худди шу мавзени танлайди⁴. Бундан ташқари, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларидан яна бир неча нафари ўзаро тахт талашувлар пайтида Чочга сифингани маълум. Жумладан, хитой йилномаларида Элби Тулу (Иби Дулу; 638–642) хоқон 640 йилларда Чочга қочиб, Кохотун-чен (Хотункат) шаҳрида паноҳ топгани қайд этилади⁵.

Араб географлари асарларида эса Шош (Чоч) воҳасида Жабғукат номли шаҳар борлиги ва қадимда Чоч ҳукмдорларининг ғарбий қароргоҳи бўлгани қайд этиладиги, ушбу жой номининг ҳам луғавий жиҳатдан “Жабғу шаҳри” маъносини билдиришига, ҳам пайдо бўлиш вақти VI – VII асрларга тўғри келишига асосланиб, кўпчилик тадқиқотчилар

¹ Буряков, 2002:12.

² Бичурин, II:313; Chavannes, 1903:141.

³ Бичурин, I:279.

⁴ Бичурин, II:289; Таşağıl, 1999:71.

⁵ Бичурин, II:288; Chavannes, 1903:58.

шаҳарнинг қароргоҳ сифатида хоқонлик томонидан барпо қилинганини илгари суришади¹. Шунингдек, араб географлари томонидан Шошдаги шаҳарлардан бири сифатида қайд этилган Хотункат номли шаҳарнинг барпо этилиши ҳам хоқонлик бошқарув тузумига хос анъана билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, Хотункат шаҳрининг Жабгукат билан билан ёнма-ён жойлашгани ва уларнинг иккаласи ҳам деярли бир вақтда пайдо бўлгани диққатга сазовордир. Дарвоқе, хитой йилномаларида 640 йилларда турк хоқонларидан бири сизинган шаҳар сифатида Кохотун-чен (дуғ. “Хотун шаҳри”) тилга олинадик, ушбу маълумотнинг ўзидек мазкур шаҳарнинг хоқонликка алоқадор қароргоҳлардан бири бўлганидан дарак беради.

Демак, мазкур тарихий далиллар асосида Ғарбий Туркхоқонлигининг илк ва хос тангалари Чоч воҳасида зарб қилдирилган, деб айтиш мумкин. Шу ўринда “нега Чоч воҳаси тангаларини хоқонликнинг хос тангалари” деб аташ керак, мазмунда савол туғилиши табиий. Фақат Чоч тангаларининг бир қисмини “хоқонликнинг хос тангалари” деб аташнинг замирида бу даврда Амударё - Сирдарё оралиғи воҳаларида зарб этилган бошқа туркий тангалардан фарқли ҳолда² уларнинг аниқ ҳукмдор исмлари (Тарлу, Тун ябғу) билан зарб этилгани, Ғарбий хоқонлик шаклланиш босқичларининг барча паллаларига хос унвонлар (*жабғу, жабғу-хоқон, хоқон*) кетма-кетлиги ва бу босқичларни маълум маънода ўзида акс эттирган тамгалар узвийлиги (☉ - ☪ - ☽) каби жиҳатлар ётади.

Мазкур тангаларнинг аксарияти Турк хоқонлиги даврида воҳанинг энг йирик шаҳарлари (Қанқатепа, Хонобод ва ҳоказо) харобаларидан топилаётгани уларнинг Чоч воҳасида зарб қилдирилганидан дарак бериши баробарида, “хоқонликнинг айнан Чочда танга зарбини йўлга қўйишида қандай шарт-шароитлар роль ўйнаган бўлиши мумкин” деган саволни кўндаланг қўяди. Фикримизча, хоқонлар Чочни ўз тасарруфига олиб, бу ерда кенг фаолият юрита бошлагач, воҳанинг танга-пул зарби

¹ Байтанаев, 2004:67-70, пр. 25.

² Фаргона, Самарқанд ва Тухористоннинг туркий тангаларини “хос тангалар” ёки “хоқонликка бевосита алоқадор тангалар” эмас, билвосита тангалар гуруҳига киритишнинг негизида уларнинг туғридан туғри Чочга яқин Етисувда ўтирган бош ҳукмдорлар томонидан зарб қилинмасдан, Ашина хонадонининг бошқа тармоқлари (Фаргона, Тухористон) ёки ушбу хонадон билан қариндошлик риштааларини боғлаган сулоалар (Самарқанд) томонидан бостирилгани кузда тутилмакда (Бу ҳақда батафсилроқ қarang. Бобоёров, 2010:25 - 27, 29 - 31, 35 - 37).

анъанаси билан танишадилар ва ўз тангаларини бостира бошлайдилар. Бу фикрни тасдиқлайдиган омилардан яна бири эса Еттисувда танга зарби Чочга нисбатан анча кеч даврга, асосан VII аср охири – VIII аср бошларига тўғри келишидир. Маълумки, Чочда танга зарб қилиш анъанаси милоннинг илк асрлари, асосан, III – IV асрларга тегишли бўлиб, илк бор Қанг давлати ҳукмдорлари томонидан чиқарила бошлаган¹. Бироқ Чоч воҳасидан топилган Ғарбий Турк хоқонлигига таалуқли тангалар Қанг даври тангаларидан бир қатор хусусиятлари (иконографик, палеографик, ясалиш техникаси, вазн ва ҳажм жиҳатлари)га кўра катта фарқ қилади. Ташқи таъсирлар яққол кўзга ташланиб турадиган Қанг тангаларидан фарқли ўлароқ уларда қадимги туркий давлатчилик анъаналари кенг акс этган.

Хуллас, Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари масаласининг ҳал этилиши бир қатор мунозарали фикрларнинг ўз ечимини топишига имконият яратди. Хусусан, Чоч, Фаргона, Суғд, Бухоро, Тўхористон, Кобулистон, Зобулистон, Гандҳара воҳаларида мавжуд хоқонликка тобе ҳукмдорликлар томонидан зарб қилинган *хоқон, хотун, ябғу, тегин, элтабар, тудун, тархон, тутуқ* сингари суғдий, бақтрий, паҳлавий ва брахмий ёзувли тангаларда кўплаб туркий унвонлар учраши² уларни Ғарбий Турк хоқонлиги билан бевосита ёки билвосита алоқадор деб ҳисоблаш имконини беради. Улар орасида *жабғу, жабғу хоқон* ва *хоқон* унвонли Чоч тангаларини ҳам Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари номи билан, ҳам хоқонликка хос ҳокимият рамзлари (олий унвонлар, “шоҳона сюжетлар”, тамга шакллари ва ҳоказо)ни ўзига жо қилгани туфайли “хоқонликнинг хос тангалари” деб ҳисоблаш мумкин. Яъни улар хоқонликка бевосита алоқадор тангалардир. Бу гуруҳга турк -рун ва суғдий ёзувли ёки “хоқон” унвонли Фаргона тангаларини³ ҳам қисман киритиш мумкин. Чунки уларнинг иконографик жиҳатлари ва тамга шакли Чоч воҳаси тангалариникига жуда яқин. Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги бошқа воҳа ҳукмдорликларнинг туркий унвонли тангалари эса “хоқонликка билвосита алоқадор тангалар” дир. Жумладан, қўшалоқ портретли (ҳукмдор ва малика) “жабғу”, “Тун жабғу-хоқон” унвонли Чоч тангаларига ўхшаш

¹ Ртвеладзе, 2002:235 – 236.

² Babayar, 2007:23 – 26, 30 – 32, 40 – 48.

³ Смирнова, 1981:58; Babayar, 2008:135-146.

қушалоқ тасвири, фақат тамга шак-лига кўра фарқланувчи суғдий ёзуви Самарқанд (“хотун” унволи)¹ ва Тўхористон (Чағониён(?)), шунингдек, “Алп хоқон тутуқ” унволи Фаргона, “...tk’up c’sunk” (“...Чоч тегини”), “...tdwin c’sunk” (“...Чоч тудуни”) иборалари акс этган Чоч, “ябгу” унволи Тўхористон² ва “...тегин-шоҳ” иборалари ўрин олган Кобул-Гандҳара тангаларининг³ нафақат туркий унвоиларда зарб қилингани, балки аксариятининг иконографик жиҳатдан (ҳукмдор қиёфаси, соч шакли, тамга ва турли рамзий белгилари) туркий характерда эканлиги, уларнинг айнан Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда бостирила бошлаганини кўрсатади. Яъни Турк хоқонлиги бошқарув тизими хос бўлган мазкур унвоиларнинг тангаларда акс этишини Ғарбий хоқонликка алоқадор равишда пайдо бўлган туркий сулолалар фаолияти билан боғлаш учун асос бор. Бу эса хоқонликка хос бошқарув шаклининг нафақат марказий ҳокимиятда, балки унга тобе бошқарувларда ҳам тарқалганидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҳукмдорликлар ўтроқ гурмуш тарзи ҳукмрон бирор воҳа давлати ўлароқ, ўз танга-пуллари ва ички бозорларига эга эди. Уларда зарб қилинган тангалар ушбу ҳукмдорликларнинг ўз ҳудудида муомалада бўлиб, Ғарбий Турк хоқонлиги даврида халқаро пул вазифасини айнан қайси тангалар бажарганлиги масаласи очиқ қолмоқда. Хоқонларга оид тангаларнинг бундай вазифани ўтаганлиги ёки аксинчалигини аниқлаш эса келажакдаги тадқиқотларга қолаётир.




Нумизматик материаллар асосида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг айрим жиҳатларига қисқа бир назар ташлаш шуни кўрсатадики, бу пайтда хоқонлик ўша даврнинг йирик салтанатлари бўлмиш қўшни Сосонийлар Эрони, Византия ва Хитой каби ўз танга-пул тизимига эга бўлган. Демак, дастлаб кўчманчи муҳитдан келиб чиққан Ғарбий Турк хоқонлигини қисқа муддат ичида ўз бошқарувини ўтроқ воҳаларга тадбиқ қилган давлат сифатида талқин қилиш мумкин. Хоқонликка хос тангаларнинг аниқланиши эса бунинг мисолларидан биридир.

¹ Смирнова, 1981:362370.

² Harmatta, Litvinsky, 1996:373 – 172; Göbl, 1967:182 – 183; Davary, 1982:296 – 297.

³ Göbl, 1967:140 – 141, 143, 167 – 168, 182, 192; Harmatta, Litvinsky, 1996:376 – 377; Babayar, 2007:23 – 26, 30 – 32, 40 – 48.

Ғарбий Турк хоқонлиги шаклланишининг нумизматик
материаллар ва ёзма манбаларда акс этиши

№	Шаклланиш паллалари	мақоми	Тангаларда учрайдиган униволлар	Тамға шакл- лари	Даврий босқичлари
1	I босқич	<i>Ябғулик</i>	<i>зррлч</i>		VI аср 60-йиллари – шу асрнинг сунги чораги
2	II босқич	<i>Ябғу-хоқонлик</i>	<i>сруу х у'п</i>		VI аср охири –VII аср 30-йиллари
3	III босқич	<i>Хоқонлик</i>	<i>х у'п</i>		VII аср 30-йиллари – VIII аср иккинчи чораги

ХУЛОСА

Илк ўрта асрларда Чоч Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўжористон, Хоразм сингари Марказий Осиёдаги воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлиб, ўзининг географик жойлашувига кўра минтақанинг шимолий қисмларидаги чорвадор турмуш тарзи ҳукмрон дашт аҳолиси ва Амударё-Сирдарё оралигидаги воҳаларда яшовчи ўтроқ-деҳқон аҳоли ўртасида ўзаро иқтисодий-маданий муносабатлар жадал кечган воҳа сифатида тарихда ўзига хос ўрин тутди. Чоч шимоли-шарқдан Етгисув, шимоли-ғарбдан эса Ўтрор (Фароб) – Шавғар каби Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида жойлашган ва ўтроқ турмуш тарзи билан кўчманчи ҳўжалик уйғунлашган ўлкаларга ҳамхўдуд эди. Бу эса ҳар иккала турмуш тарзи ўзаро бир-бирига сингиш жараёнларининг фаол боришига шароит яратди ва минтақа тарихида муҳим из қолдирган воқеалар айнан воҳа билан боғлиқ ҳолда кечди.

